**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**«Ижтимоий фанлар» КАФЕДРАСИ**

**«Социология» фанидан**

# ўқув услубий мажмуа

**Андижон-2015 йил**

Мазкур намунавий дастур Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўкув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги 3-сон мажлис баёни билан тажрибавий дастур сифатида маъқулланган.

Ушбу дастур "Социология" фанидан бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлари мазмунига кўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Тажрибавий дастурни келгусида тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

**Тошкент шаҳар, 2-Чимбой кўчаси 96-уй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Маънавий-ахлоқий тарбия" бошқармаси, тел: 246-10-58, 246-10-54.**

Фаннинг ўкув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Ганиева М.Ҳ. – социология фанлари доктори (ЎзМУ).
Алиқориев Н.С. – иқтисод фанлари доктори, профессори (ЎзМУ).
Фарфиев Б.А. – социология фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ).
Ҳоджаев С.Д. – катта ўкитувчи (ЎзМУ)

**Тақризчилар:**

Юнусов А.Б. – социология фанлари номзоди, доцент (ТошМадИ)

Ота-Мирзаев О.Б. – география фанлари доктори, профессор
("Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази)

Фаннинг ўкув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-услубий кенгаши томонидан тавсия этилган (2011 йил 19 августдаги 1-сон баённома)

# КИРИШ

Социология гуманитар фанлар доирасидаги шундай йўналишки, у бутун жамият ва унинг ижтимоий тизимини ташкил этадиган таркибий қисмларининг ривожланиш ва мавжуд бўлиш қонуниятларини, турли социал жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва кишиларнинг социал хулқ-атвори қонуниятларини ўрганади.

Социология фани жамиятда рўй бераётган йирик ижтимоий-сиёсий воқеаларни шунчаки қайд этиш билангина чекланмайди, балки унинг асл моҳияти ва мазмунини атрофлича очиб беради. Бу фан ўзининг илмий хулосаларини эмпирик даражада асосланган ҳолатда илгари суради.

Социология фан сифатида ҳозирги ижтимоий жараёнлар ҳолатига тўлақонли жавоб бериш билангина чекланмасдан, балки уларнинг истиқболдаги ўзгариш даражаси ҳусусида башорат қилади. Ана шу жиҳатдан социология фани назарияси, амалиёти ва тадқиқот усулларини атрофлича ўрганиб чиқиш зарурати туғилади.

Фаннинг асосий моҳияти социология ривожланишининг назарий-услубий асослари, фаннинг предмети ва объекти, институтлашган шакллари, ижтимоий фикрнинг тарихий ривожланиши, фанлар тизимида социологиянинг ўрни, социологияни тушунишдаги илмий назариялар, унинг тушунчалар тизимини кўриб чиқишда намоён бўлади.

Фаннинг назарий асослари долзарб ижтимоий жараёнлар, социал структура ва социал тизимларнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиш муаммолари, жамият социал-маданий тизим сифатида, шахс ижтимоий муносабатларнинг объекти ва субъекти сифатида, социал муносабатлар, ижтимоий жамоалар, социал алоқалар, социал ташкилотлар, гуруҳлар, социал институтлар ва институтлашган муносабатлар, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларни батафсил баён қилиш билан мос келади. Бунда асосий эътибор амалий фаолиятда социологик билим ва усуллардан фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқишга, Ўзбекистон ва жаҳондаги социал муаммоларга нисбатан қизиқишнинг ошганлигига қаратилади.

Ушбу дастур социология фани қўлга киритган ва мунозарали социологик масалалар юзасидан кейинги йилларда монография, диссертация, илмий мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда билдирилаётган фикрлар, Ўзбекистонда социология таълим тизимини ривожлантириш йўлида қилинаётган ҳаракатлар ҳамда бир неча йиллардан буён бу фанни олий таълим тизимида ўқитиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тузилди.

Дастурда социологияни фан сифатида шаклланиши, унинг таркибий тузилиши, жамиятни яхлит тизим тариқасида таҳлил қилиш, ижтимоий ҳаётда социал институтлар роли, девиант хулқ-атвор ва социал назорат масалалари, жамиятнинг социал структураси ва стратификацион жараёнлар, социал муносабатлар, ижтимоий тараққиёт тенденцияларини ифодалайдиган мавзулар ёритилган.

Дастурнинг якунловчи қисмида эмпирик социологик тадқиқотларни олиб боришга бағишланган мавзу тавсия қилинган. Бунда эмпирик социологияда кенг ўрин олган социологик маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш услубларига ҳам етарлича эътибор қаратилди.

## Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

**Фанни ўқитишдан мақсад** – талабаларда социология фани мазмуни ва моҳияти, социология мутахассислигининг жамиятдаги ўрни, хусусиятлари ва келажаги тўғрисида тасаввурларни пайдо қилиш, ижтимоий ҳаёт муаммолари ечимига мос келадиган таклиф ва тавсиялар механизмини ишлаб чиқишда мазкур фаннинг роли ҳақида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

**Фаннинг вазифалари** – талабаларга жамият тараққиётидаги ижтимоий муаммоларни социологик нуқтаи назардан тушунтириш ҳамда фаннинг долзарб масалаларини ечишнинг услуб ва услубиётларини, социологик таҳлил ва тавсияномалар яратишни ўргатиш.

## Фан бўйича талабаларнинг билим, малака ва кўникмага қўйиладиган талаблар

«Социология» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

– жамиятни яхлит ижтимоий тизимлиги, шахс ва жамият муносабатлари, ижтимоий ҳодисалар ва муаммоларга социологик ёндашиш, ижтимоий тараққиётнинг асосий омиллари, ижтимоий ҳаёт фаолиятини мувофиқлаштирадиган социал институтлар фаолиятини таҳлил қилишни ***билиши керак.***

– талаба социология фанини мустақил ижтимоий фан сифатида шаклланишининг тарихий-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-фалсафий асосларини; социология фани объекти ва предмети, унинг структураси ва фанлар тизимидаги ўрнини; Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг социологик таълимотлари мазмунини; ижтимоий тараққиёт ва унинг асосий шаклларини; ижтимоий ҳаётда миллий ғоя ва мафкуранинг социологик аҳамиятини; шахс ижтимоийлашуви омилларини; жамиятнинг социал структураси ва унинг ўзгариб бориш хусусиятларини; ижтимоий-сиёсий жараёнлар маълум бир қонуниятлар асосида кечишини; жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзаро боғлиқликда эканлигини яхлит идрок этишни; жамият ривожининг асосий омилларини таснифлай олиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

– талаба замонавий жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни тўғри тавсифлай олиши; турли ижтимоий-маданий хусусиятда кечаётган ҳодисаларни холис қиёсий таққослай олиш; замонавий жамиятдаги мавжуд ижтимоий муаммолардан устуворларини аниқлаш ва уларни объектив таҳлил қила олиши; муайян ҳодиса ва воқеаларга кишиларнинг шахсий муносабатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда иштирок этиши; ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда ўтказилган амалий социологик тадқиқотлар натижаларидан фойдалана олиш ***малакаларига эга бўлиши керак.***

## Фанининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Социология фани ижтимоий ҳаёт муаммолари ва ижтимоий тараққиёт жараёнининг турли омилларини комплекс тарзда ўрганувчи фан ҳисобланиб, у тарих, ҳуқуқшунослик, фалсафа, маданиятшунослик, диншунослик, психология, сиёсатшунослик, этнография, иктисод назарияси, математика, статистика каби фанлар билан якин ҳамкорликда фаолият юритади.

## Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Социология мустақил ижтимоий фан сифатида ўз методологияси ва назариясига эгадир. Социология фани жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни ўзининг эмпирик базасига эга бўлган конкрет амалий тадқиқотлари билан комплекс тарзда тадқиқ этади. Жумладан, ижтимоий меҳнат ва унинг самарадорлигини ошириш, маркетинг тадқикотларини фаол олиб боради.

## Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг социология фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўкув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий машғулотлар фаннинг мавзуларига мос равишда илғор педагогик технологиялари асосида олиб борилади.

## Асосий қисм

## Социология фан сифатида

Социология фанининг вужудга келишида ижтимоий-иктисодий, ғоявий-назарий шарт-шароитлар. О.Конт - позитив социологиянинг асосчиси, унинг социологияни мустакил фан сифатида яратишдаги дастлабки режалари. Антик даврнинг қомусий олимлари ва Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий таълимотлари (Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Ҳалдун ва бошқалар) замонавий социологиянинг муҳим манбалари сифатида. Ғарб социологияси классикларининг ишларида социологиянинг объекти ва предмети муаммоси. Социологиянинг турли йўналишларида фаннинг объекти ва предмети муаммосини ечиш йўлидаги ғоявий-назарий изланишлар.

Социологиянинг бошка фанлар билан муносабати. Социология ва фалсафа. Социология ва тарих. Социология ва психология, демография, генетика, социал география. Социология ва табиий ҳамда аник фанлар. Социологиянинг фанлар тизимидаги тутган ўзига хос ўрни.

## Социология структураси

Фанда структура тушунчаси ва унинг аҳамияти. Социологиянинг структураси ва унинг асосий таркибий қисмлари. Социология структураси элементларининг ривожланиш динамикаси. Фундаментал (асосий) социология. Жамият ҳаётининг фундаментал муаммоларини социологик таҳлили. Назарий ва амалий социология: уларнинг умумийлиги ва фарқи. Социология тарихида универсал назарияларни ишлаб чиқишга бўлган интилишлар. Эмпирик социологиянинг бунёд бўлиши ва уни социология назарияси ривожига таъсири. Социологияда махсус ва тармоқ йўналишлар. Макросоциология ва микросоциология.

## Жамият яхлит тизим сифатида

Жамият ва ижтимоийлик тушунчаси. Шарқ мутафаккирларининг жамият тўғрисидаги қарашлари. Ғарб социологияси асосчиларининг ишларида ижтимоийликнинг таърифланиши. М. Вебер концепциясида тоталитар жамият, унинг белгилари ва ижтимоий-сиёсий ташкил этилиш усуллари. Жамият ва давлат. Жамиятнинг механистик, органистик ва бошқа тарзларда таърифланиши. Т.Парсонс назариясида жамият тушунчаси, унинг тўрт функцияли парадигмаси. Замонавий жамиятнинг турлича таърифлари. Анъанавий жамият ва Индустриал жамият. Уларнинг белгилари. “Мўл-кўллик жамияти”, “Очиқ жамият”, “Ёпиқ жамият”, “Истеъмол жамияти”, “Постиндустриал жамият” ва бошкалар XX ва XXI аср маданий-тарихий ва сиёсий тизимларни таърифлаш мезонлари сифатида.

## Социал гуруҳлар ва социал институтлар

Социал гуруҳ тушунчаси, унинг асосий белгилари. Социологияда социал гуруҳларга ажратиш мезонларининг хилма-хиллиги Социал гуруҳ турлари: катта ва кичик, расмий ва норасмий, бирламчи ва иккиламчи, ингуруҳ ва аутгуруҳ, референт гуруҳлар ва бошқалар. Ғарб социологиясида кичик гуруҳлар назарияси: социометрия, гуруҳ ўзгарувчанлиги, психотерапевтик ва бошқалар социал гуруҳларнинг шаклланиши, ишлаши ва тараққий этиши қонунларини тушунтирувчи назариялар сифатида. Квазигуруҳлар. Қон-қариндошликка асосланган гуруҳлар: уруғ, қабила, қариндошлар, оила, элат, миллат. Оммани социологик ўрганиш.

Социологияда социал институт тушунчаси. Социал институт белгилари. Социал институтнинг асосий вазифалари. Социал институт турлари: оила, сиёсат, дин, иқтисод, таълим, ҳуқуқ ва бошқалар. Жамият ҳаётида социал институтларнинг ўрни. Оила ва никоҳ. Иқтисодий институтлар. Уларнинг кўринишлари ва вазифалари. Иқтисодий гуруҳлар ва иқтисодий хатти-ҳаракат. Ишлаб чиқариш, унинг тарихий шакллари ва вазифалари. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва касб. Меҳнат бозори, бандлик ва ишсизлик. Давлат ва жамиятнинг сиёсий тизими. Ўзбекистон шароитида демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш. Ўзбекистонда ҳуқуқий онгнинг ўзига хослиги.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Дин социомаданий институт сифатида. Диннинг функциялари. Замонавий жамиятда диннинг ўрни. Дин билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабат. Таълим социал институт сифатида. Унинг тараққиёти ва шакллари. Умумий, ўрта-махсус ва олий таълим. Олий таълим ва фан: таркиби ва илмий-педагогик кадрлар. Ўзбекистон олий таълим тизими ва Европа ҳамда АҚШ университетлари: умумийлик ва хусусийлик. Таълим тизимидаги ислоҳотлар.

## Шахс социологияси ва девиант хулқ-атвор

Шахс тушунчаси. Шахс тушунчасини турли фанлардаги талқини. Шахс, инсон, индивид тушунчалари. Шахс шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллар. Шахс ижтимоий муносабатларнинг маҳсули сифатида. Шахс тўғрисидаги асосий социологик назариялар. Ўз-ўзини баҳолаш ва Мен-таълимотининг шаклланиши, қадриятлар ва баҳолар. Шахснинг ўз-ўзини ҳурмат қилиши. Шахс структураси. Шахс турлари. Шахснинг анъанавий ва замонавий турлари.

Девиант хулқ-атвор (оғма хулқ-атвор) тушунчаси. Девиант хулқ-атвор муаммосини ўрганиш социологиядаги илмий йўналиш сифатида. Девиант хулқ-атвор турлари: қонунни бузиш, ўз-ўзини ўлдириш, гиёҳвандлик, алкоголизм ва бошқалар. Э.Дюркгейм, Р.Мертонларнинг девиант хулқ-атвор назариялари, З.Фрейд ва Э.Фроммларнинг деструктивлик (структурани бузилиши) назариялари.

Социал меъёр ва аномия девиант хулқ-атвор назариясининг марказий тушунчаси сифатида. Девиант хулқ-атвор белгилари, уларнинг структураси. Девиант хулқ-атворни туркумлаш. Бузилган хулқ-атвор механизми. Девиант хулқ-атворнинг тиббий-биологик, ижтимоий-психологик ва ижтимоий томонлари. Ҳозирги замонда девиант хулқ-атворнинг тарқалиши ва ўзгариши. Девиант, делинквент ва криминал ҳатти-ҳаракатлар. Профессионал жиноятчилик. Уюшган жиноятчилик. Дунёда жиноятчилик ҳолати. Жиноятчиликни ошиши ва жамиятнинг криминаллашуви сабаблари ва намоён бўлиш шакллари. Ўсмирлар ва ёшлар жиноятчилиги. Жамиятда коррупция муаммоси.

Социал назорат. Социал назорат кишилар ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш механизми сифатида. П.Бергернинг социал назорат тўғрисидаги таълимоти. Социал назорат элементлари: меъёрлар ва санкциялар. Социал санкциялар турлари: позитив ва негатив, расмий ва норасмий. Социал меъёрлар таснифи. Социал меъёр турлари: ҳуқуқий, диний, анъанавий ва ахлоқий. Ички ва ташқи назорат. Ўз-ўзини назорат қилиш муаммоси. Жамоатчилик фикри социал назоратнинг шакли сифатида.

## Жамият социал структураси ва стратификацион жараёнлар

Социал структура тушунчаси. Кишилик жамияти тарихида социал структура муаммосининг талқини. Социал структура тўғрисидаги антик давр мутафаккирларининг таълимотлари. П. Сорокиннинг социал стратификация тўғрисидаги назарияси. Стратификация асослари ва мезонлари: иқтисодий ҳолат, мавке, таълим ва ҳокимият. Стратификация ва социал дифференция. Стратификацион тизимлар: қуллик, каста, клан ва синф. Очиқ ва ёпик тизимлар.

Социал стратификация ва социал ҳаракатчанлик (мобиллик) назарияси синфийлик таълимотига қарши ғоя сифатида. Жамият социал структураси ривожининг замонавий тенденциялари. Бозор муносабатлари шароитида социал структуранинг ўзгариши. Ўзбекистонда социал стратификация ва социал мобиллик жараёни.

Социал ҳаракатчанлик (мобиллик) тўғрисидаги социология классиклари: М.Вебер, Э. Гидденс, Т. Парсонс, П. Сорокин ва бошқаларнинг қарашлари. Социал ҳаракатчанлик белгилари. Социал ҳаракатчанлик турлари: горизонтал ва вертикал социал ҳаракатчанлик. Гуруҳий ва индивидуал ҳаракатчанлик. Авлод ичидаги ва авлодлар ўртасидаги социал ҳаракатчанлик. Структуравий социал ҳаракатчанлик. Жамиятда социал ҳаракатчанлик йўллари. Социал ҳаракатчанликнинг демографик омиллари. Миграция ва унинг тарихий шакллари. Эмиграция ва миграция. Меҳнат ва иқтисодий миграция. Хорижий ишчи кучлар бозори. “Ақллар оқими”.

## Социал муносабатлар

Социал муносабатлар тушунчаси. Социал муносабат турлари: ҳамфикрлик, кооперация, конфликтлар, кураш, бегоналашув, бефарқлик, кризис, камситиш, нотенглик. Социал муносабатлар тизимидаги плюрализм. Социал муносабатларнинг асослари.

Ҳамфикрлик, барқарорлик ва кооперация - социал тизимларнинг муваффақиятли ишлашининг омиллари сифатида. Э.Дюркгейм концепциясида ҳамфикрлик тушунчаси. Кооперация ижтимоийликнинг асосий белгиси сифатида. Позитивизм социологиясида баркарорлик ва инқироз онги. Барқарорликни структуравий-функционал асослаш.

Бегоналашув ва таназзул. Э.Дюркгеймнинг аномия (қонунсизлик) концепцияси, Ф.Теннис, М.Вебер, Г.Зиммел, эксзенстенциал ва феноменологик социология асосчилари таълимотларида бегоналашув ва жамиятдаги инқироз ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги фикрлари. Бегоналашув турлари ва уларнинг ижтимоий оқибатлари. Тенглик ва плюрализм ижтимоий тузум тамойиллари сифатида. Миллий ғоя ва миллий мафкуранинг социал муносабатлар тизимидаги ўрни.

## Ижтимоий тараққиёт социологияси

Социологияда ижтимоий тараққиёт тушунчаси. Ижтимоий ўзгариш ва тараққиёт тушунчаларининг нисбати. Ижтимоий прогресс, регресс, эволюция ва революция ижтимоий ўзгаришларнинг шакли сифатида.

Ижтимоий прогресс муаммолари. Ижтимоий тараққиёт шакллари: эволюцион, революцион ва реформистик тараққиётлар. Эволюцион ривожланиш ва унинг афзалликлари. Социал революциялар ва уларнинг салбий оқибатлари. Социал реформалар ва уларнинг турлари. Ўзбек ривожланиш моделида миллий менталитетнинг ўрни. Ривожланган мамлакатлар тажрибасида миллий тафаккур тарзининг аҳамияти.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократиялаштириш жараёнларининг ўзига хослиги. Ижтимоий тараққиётни бошқариш. Менежмент ва унинг хусусиятлари. Глобал ижтимоий-иқтисодий таназзуллар ва уларнинг ижтимоий тараққиёт жараёнларига салбий таъсири. Ўзбекистон ижтимоий-маданий хусусиятларнинг ижтимоий-иктисодий таназзулларга карши чора-тадбирларни ишлаб чиқишдаги аҳамияти.

## Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари

Социологик тадқиқот дастури. Дастурнинг структураси: назарий - методологик ва методик бўлимлар. Дастурнинг асосий элементлари: муаммони таърифлаш; тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини, объекти ва предметини аниқлаш; объектни тизимли таҳлил қилиш, тушунчаларни назарий ва эмпирик изоҳлаш, гипотезаларни ифодалаш; маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш.

Социологияда маълумотлар тўплаш методларининг умумий таснифи: сўров, кузатиш, эксперимент, ҳужжатларни ўрганиш методлари, уларнинг ўзига хослиги.

Сўров методи. Сўров турлари. Анкета (сўров варақаси) сўров методининг марказий элементи сифатида. Анкета тузиш техникаси. Анкетанинг умумий тузилиши. Анкетадаги саволларнинг турлари, асосий талаблар. Оғзаки сўров ва унинг хусусиятлари. Интервью олиш услуби.

Кузатиш методи ва унинг моҳияти. Кузатиш турлари. Кузатишнинг аниқлиги муаммоси ва уни таъминлаш усуллари. Кузатиш даврлари ва тартиби. Кузатиш асбоблари, кузатиш натижаларини кайд этиш усуллари.

Ҳужжатларни ўрганиш методи. Социологияда хужжат тушунчаси, унинг турлари. Ҳужжатларнинг информация манбаи сифатидаги ишончлилик муаммоси. Ҳужжатларни таҳлил қилиш турлари. Контент-таҳлил ҳужжатларни ўрганиш методининг бир тури сифатида.

Эксперимент методи. Эксперимент турлари. Ижтимоий эксперимент структураси, унинг билиш имкониятлари. Объектни танлаш, экспериментал ва назорат гуруҳларини шакллантириш, экспериментал вазият, натижаларни таҳлил қилиш. Хулосаларни таҳлил килиш усуллари.

## Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда дарслик ва услубий қўлланмалар асосида билимларни мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш оркали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали ўқув воситаларни тайёрлаш тавсия этилади.

Семинар машғулотларида талабалар ўтилган мавзулар бўйича ўзларидаги билим, кўникмалари ҳамда малакаларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб борадилар.

Семинар машғулотлари учун тавсия этилаётган мавзулар:

1. Социология фан сифатида.
2. Социология структураси.
3. Жамият яхлит тизим сифатида.
4. Социал гуруҳлар ва социал институтлар.
5. Шахс социологияси ва девиант хулқ-атвор.
6. Жамиятнинг социал структураси ва стратификацион жараёнлар.
7. Социал муносабатлар.
8. Ижтимоий тараққиёт: назария ва амалиёт.
9. Эмпирик социологик тадкиқот ва унинг методлари.

## Мустақил таълимни ташкил этиш шакли ва мазмуни

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, бунда асосий эътибор талабанинг берилган мавзулар (амалий масалалар, топшириқлар ва кейс-стадилар)ни мустақил равишда, яъни аудиториядан ташқарида бажариши, ўқиб ўрганиши ва шу йўналиш бўйича билим ва кўникмаларини чукурлаштиришига қаратилади. Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

– дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;

– тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

– мустақил ишлар, кейс-стадилар билан ишлаш;

– махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

– фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш;

– талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларни чуқур ўрганиш;

– фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;

– масофавий (дистанцион) таълим.

«Социология» фанидан талабаларнинг мустакил ишларини реферат, маъруза, маъруза тайёрлаш, Президент асарларини конспектлаштириш ва бошқа шаклларда ташкил этилиши тавсия этилади. Мустақил иш мавзуларини белгилашда маъруза ва семинар машғулотлари мавзуларини тўлдиришга ҳаракат қилиниши лозим.

**Мустақил иш учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:**

1. Социологиянинг мустақил фан сифатида шаклланиш босқичлари.
2. Шарқ мутафаккирларининг (Форобий, Беруний, Абу Али ибн-Сино, ва бошқалар) ижтимоий-фалсафий карашлари.
3. Социологиянинг фан сифатида шаклланишида мумтоз олимлар таълимоти (О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюркгейм, М.Вебер).
4. Ҳозирги замон социологиясидаги асосий йўналишлар.
5. Собиқ Совет Иттифоқи жамиятида социологияга бўлган муносабат ва унинг оқибатлари.
6. Социологиянинг ижтимоий–гуманитар фанлар билан ўзаро боғлиқлиги
7. Жамият ва унинг асосий шакллари.
8. Ўзбекистонда жамият ҳаётини эркинлаштириш.
9. Социал гуруҳлар ва уларнинг жамият ҳаётида ўрни.
10. Социал гуруҳ турлари.
11. Социологияда социал институт тушунчаси.
12. Социал институт турлари: оила, сиёсат, дин, иқтисод, таълим, хукук.
13. Дин социомаданий институт сифатида.
14. Замонавий жамиятда дин ва давлатнинг ўзаро муносабати.
15. Оила ижтимоий институт сифатида.
16. Жамоатчилик фикри социологияси ва унинг асосий йўналишлари.
17. Шахс социал муносабатлар маҳсули сифатида.
18. Шахс социализацияси (ижтимоийлашуви) ва боскичлари.
19. Шахс тўғрисидаги социологик назариялар.
20. Девиант хулқ-атвор (оғма хулқ-атвор) муаммосини ўрганиш социологиядаги илмий йўналиш сифатида.
21. Девиант хулқ-атвор турлари.
22. Э.Дюркгейм, Р.Мертонларнинг девиант хулк-атвор тўғрисидаги назариялари,
23. Девиант, делинквент ва криминал хатти-ҳаракатлар.
24. Жамоатчилик фикри социал назоратнинг шакли сифатида.
25. Социал назорат кишилар ҳатти-харакатини тартибга солиш механизми сифатида.
26. Социал назорат элементлари: меъёрлар ва санкциялар.
27. П.А. Сорокиннинг социал стратификация тўғрисидаги назарияси.
28. Стратификация асослари ва мезонлари: иқтисодий холат, мавке, таълим ва ҳокимият.
29. Стратификацион тизимлар: қуллик, каста, клан ва синф. Очиқ ва ёпиқ тизимлар.

30. “Ўрта синф”нинг жамият ҳаётидаги ўрни.
31. Замонавий Ўзбекистонда социал стратификация ва социал мобиллик масалалари таҳлили.
32. Социал ҳаракатчанлик (мобиллик) тушунчаси ва унинг моҳияти.
33. Социал ҳаракатчанлик (мобиллик) тўғрисидаги социология классиклари: М.Вебер, Э.Гидденс, Т.Парсонс, П.Сорокин ва бошқаларнинг қарашлари.
34. П.Сорокиннинг ижтимоий стратификация концепцияси.
35. М.Вебер синфлар, статуслар, партиялар хакида.
36. Социал муносабатлар тушунчаси, структураси, моҳияти.
37. Барқарорликни структуравий-функционал асослаш.
38. Бегоналашув ва таназзул.
39. Ижтимоий прогресс, регресс, эволюция ва революция ижтимоий ўзгаришларнинг шакли сифатида.
40. Ижтимоий прогресс муаммолари.
41. Ижтимоий тараққиёт шакллари: эволюцион, революцион ва реформистик тараққиётлар.
42. Эмпирик социологик тадкиқотлар.
43. Социологик тадқиқот дастури.
44. Социологияда маълумотларни тўплаш методлари.
45. Сўров методи ва унинг турлари.
46. Кузатиш методи ва унинг моҳияти.
47. Ҳужжатларни ўрганиш методи.
48. Эксперимент методи.
49. Социологик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил этиш усуллари.
50. Ўзбекистонда эмпирик социологик тадқиқотларнинг истиқболлари.

## Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати


### Рахбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И.А. Асарлар. 1-18 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2010.
2. Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор максадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 27 январь) / Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

### Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Алиев Б., Рафиқов Ғ., Султонов Т., Муллажонова М., Раҳмонов Б. ва бошкалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006.
2. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошк. –Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
3. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошк. – Тошкент, 2001
4. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) – Тошкент: 1999.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
2. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.
3. Ганиева М.Х. Этносоциология. Учебное пособие для студ. высших учебных заведений. – Ташкент: Университет, 2006.
4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.
5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.
6. Гиддингс Э. Социология. – Тошкент, 2002
7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.
8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. – Ташкент., 2010.

9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.
10. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.
11. Социология //Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М., – Ташкент: Sanat, 2010
12. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.
13. Saitxodjayiv H.B. Sotsiologiya. Ma`ruzalar kursi. –Тошкент: Академия, 2008.
14. Ҳолбеков А.Ж., Идиров У.Ю. Социология: изоҳли луғат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
15. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўкув кўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.
16. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошк. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўкув-услубий қўлланма). –Тошкент.: «Ижтимоий фикр», 2001.
17. Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услубий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.
18. Бекмурадов М.Б. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества: Дис….док.социол.наук. – Ташкент, 1997.
19. Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда жамиятни демократилаштириш жараёнида тафаккур тарзини такомиллаштиришнинг ижтимоий маъданий хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент:, 1999.
20. Калонов К.К. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқарув тизими динамикаси таҳлил қилишда авторитетнинг тутган ўрни: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2000.
21. Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент: ЎзМУ, 2004.
22. Норбеков А.Ш. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2004.
23. Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: Дис….канд.социол.наук. – Ташкент, 2009.
24. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений: Дис….док.социол.наук. – Ташкент. – Ташкент. 2009

**Электрон таълим ресурслари:**

1. http: www.lib.socio.msu.ru
2. http: www.socioline.ru
3. http: www.socio.rin.ru
4. http: www.sociologos.narod.ru
5. http: www.socionet.narod.ru
6. http: www.sociograd.ru

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI**

**ANDIJON MASHINASOZLIK INSTITUTI**

| | |
|---|---|
| **Ro‘yxatga olindi:** | **“TASDIQLAYMAN”** |
| | **O‘quv ishlari bo‘yicha prorektor** |
| **№_________________** | **_______ _________________** |
| **2015-y. «____»_____** | **«_____»___________ 2015 - yil** |

**“SOTSIOLOGIYA”**
**fanining**

# ISHCHI O‘QUV DASTURI

| | |
|---|---|
| Bilim sohasi: | 100000 – Gumanitar soha |
| | 200000 – Ijtimoiy soha, iqtisod va huquq |
| | 300000 – Ishlab chiqarish texnik soha |
| Ta’lim sohasi: | 110000– Pedagogika |
| | 230000 – Iqtisod |
| | 310000 – Muhandislik ishi |
| | 320000 – Ishlab chiqarish texnologiyalari |
| Ta’lim yo‘nalishi: | 5111000–Kasb ta’limi (Mashinasozlik texnologiyasi, mashinasozlik ishlab chiqarishini jihozlash va avtomat-lashtirish) |
| | 5230100–Iqtisodiyot (sanoat) |
| | 5310500–Avtomobilsozlik va traktorsozlik |
| | 5310600–Yer usti transport tizimlari va ularning ekspluatatsiyasi (avtomobil transporti) |
| | 5310700–Elektr texnikasi, elektr mexanikasi va elektr texnologiyalari (sanoat) |
| | 5311000–Texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish (ishlab chiqarish) |
| | 5310900-Metrologiya,standartlashtirish va mahsulot sifati menejmenti (sanoat) |
| | 5320100–Materialshunoslik va yangi materiallar texnologiyasi |
| | 5320200–Mashinasozlik texnologiyasi, mashinasozlik ishlab chiqarishini jihozlash va avtomatlashtirish |
| | 5320300 – Texnologik mashina va jihozlar (mashinasozlik) |

**Andijon – 2015**

Fanning ishchi dasturi, o‘quv, ishchi o‘quv reja va o‘quv dasturiga muvofiq ishlab chiqildi.

**Tuzuvchilar:**

M.Nazarov – “Ijtimoiy fanlar” kafedrasi dotsenti, f.f.n.

A.Sotvoldiyev – “Ijtimoiy fanlar” kafedrasi katta o‘qituvchisi

**Taqrizchilar:**

Yunusov K.– ADU, “Ijtimoiy fanlar” kafedrasi professori, s.f.d.

Karimov T. – “Ijtimoiy fanlar” kafedrasi dotsenti, s.f.n.

Fanning ishchi o‘quv dasturi “Ijtimoiy fanlar” kafedrasining 2015-yil “____” _____ dagi ___ – son yig`ilishida muhokamadan o‘tgan va fakultet kengashida muhokama qilish uchun tavsiya etilgan.

**Kafedra mudiri: ____________ dotsent G.Bazarova**

Fanning ishchi o‘quv dasturi texnologiya fakulteti kengashida muhokama etilgan va foydalanishga tavsiya qilingan (2015-yil ___ ______dagi ___ - sonli bayonnoma)

**Fakultet kengashi raisi:________________**

**Kelishildi: O‘quv uslubiy bo‘lim boshlig‘i __________M.Jo`raxonov**

# Kirish

Sotsiologiya gumanitar fanlar doirasidagi shunday yo'nalishki, u butun jamiyat va uning ijtimoiy tizimini tashkil etadigan tarkibiy qismlarining rivojlanish va mavjud bo'lish qonuniyatlarini, turli sotsial jarayonlar o'rtasidagi o'zaro aloqalar va kishilarning sotsial xulq-atvori qonuniyatlarini o'rganadi.

Sotsiologiya fani jamiyatda ro'y berayotgan yirik ijtimoiy-siyosiy voqealarni shunchaki qayd etish bilangina cheklanmaydi, balki uning asl mohiyati va mazmunini atroflicha ochib beradi. Bu fan o'zining ilmiy xulosalarini empirik darajada asoslangan holatda ilgari suradi.

Sotsiologiya fan sifatida hozirgi ijtimoiy jarayonlar holatiga to'laqonli javob berish bilangina cheklanmasdan, balki ularning istiqboldagi o'zgarish darajasi hususida bashorat qiladi. Ana shu jihatdan sotsiologiya fani nazariyasi, amaliyoti va tadqiqot usullarini atroflicha o'rganib chiqish zarurati tug'iladi.

Fanning asosiy mohiyati sotsiologiya rivojlanishining nazariy- uslubiy asoslari, fanning predmeti va ob'ekti, institutlashgan shakllari, ijtimoiy fikrning tarixiy rivojlanishi, fanlar tizimida sotsiologiyaning o'rni, sotsiologiyani tushunishdagi ilmiy nazariyalar, uning tushunchalar tizimini ko'rib chiqishda namoyon bo'ladi.

Fanning nazariy asoslari dolzarb ijtimoiy jarayonlar, sotsial struktura va sotsial tizimlarning mavjud bo'lishi va rivojlanish muammolari, jamiyat sotsial-madaniy tizim sifatida, shaxs ijtimoiy munosabatlarning ob'ekti va sub'ekti sifatida, sotsial munosabatlar, ijtimoiy jamoalar, sotsial aloqalar, sotsial tashkilotlar, guruhlar, sotsial institutlar va institutlashgan munosabatlar, jamiyatdagi ijtimoiy o'zgarishlarni batafsil bayon qilish bilan mos keladi. Bunda asosiy e'tibor amaliy faoliyatda sotsiologik bilim va usullardan foydalanish imkoniyatlarini ishlab chiqishga, O'zbekiston va jahondagi sotsial muammolarga nisbatan qiziqishning oshganligiga qaratiladi.

Ushbu dastur sotsiologiya fani qo'lga kiritgan va munozarali sotsiologik masalalar yuzasidan keyingi yillarda monografiya, dissertatsiya, ilmiy maqolalar, darslik va o'quv qo'llanmalarda bildirilayotgan fikrlar, O'zbekistonda sotsiologiya ta'lim tizimini rivojlantirish yo'lida qilinayotgan harakatlar hamda bir necha yillardan buyon bu fanni oliy ta'lim tizimida o'qitish tajribasini hisobga olgan holda tuzildi.

Dasturda sotsiologiyani fan sifatida shakllanishi, uning tarkibiy tuzilishi, jamiyatni yaxlit tizim tariqasida tahlil qilish, ijtimoiy hayotda sotsial institutlar roli, deviant xulq-atvor va sotsial nazorat masalalari, jamiyatning sotsial strukturasi va stratifikatsion jarayonlar, sotsial munosabatlar, ijtimoiy taraqqiyot tendentsiyalarini ifodalaydigan mavzular yoritilgan.

Dasturning yakunlovchi qismida empirik sotsiologik tadqiqotlarni olib borishga bag'ishlangan mavzu tavsiya qilingan. Bunda empirik sotsiologiyada keng o'rin olgan sotsiologik ma'lumotlarni to'plash, ularni qayta ishlash hamda taxdil qilish uslublariga ham yetarlicha e'tibor qaratildi.

**O'quv fanning maqsad va vazifalari**

**Fanni o'qitishdan maqsad** – talabalarda sotsiologiya fani mazmuni va mohiyati, cotsiologiya mutaxassisligining jamiyatdagi o'rni, xususiyatlari va kelajagi to'grisida tasavvurlarni paydo qilish, ijtimoiy hayot muammolari echimiga mos keladigan taklif va tavsiyalar mexanizmini ishlab chiqishda mazkur fanning roli haqida bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish.

**Fanning vazifalari** – talabalarga jamiyat taraqqiyotidagi ijtimoiy muammolarni sotsiologik nuqtai nazardan tushuntirish hamda fanning dolzarb masalalarini yechishning uslub va uslubiyotlarini, sotsiologik tahlil va tavsiyanomalar yaratishni o'rgatish.

**Fan bo'yicha talabaning bilimi, malaka va qonikmaga qo'yiladigan talablar**

«Sotsiologiya» o'quv fanini o'zlashtirish jarayonida amalga oshiriladigan masalalar doirasida bakalavr: – jamiyatni yaxlit ijtimoiy tizimligi, shaxs va jamiyat munosabatlari, ijtimoiy hodisalar va muammolarga sotsiologik yondashish, ijtimoiy taraqqiyotning asosiy omillari, ijtimoiy hayot faoliyatini muvofiqlashtiradigan sotsial institutlar faoliyatini tahlil qilishni bilishi kerak.

– talaba sotsiologiya fanini mustaqil ijtimoiy fan sifatida shakllanishining tarixiy-siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy-falsafiy asoslarini; sotsiologiya fani obhekti va predmeti, uning strukturasi va fanlar tizimidagi o'rnini; SHarq va Garb mutafakkirlarining sotsiologik tahlimotlari mazmunini; ijtimoiy taraqqiyot va uning asosiy shakllarini;

- ijtimoiy hayotda milliy goya va mafkuraning sotsiologik ahamiyatini; shaxs ijtimoiylashuvi omillarini; jamiyatning sotsial strukturasi va uning o'zgarib borish xususiyatlarini; ijtimoiy-siyosiy jarayonlar mahlum bir qonuniyatlar asosida kechishini; jamiyatda sodir bo'layotgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlarning o'zaro bogliqlikda ekanligini yaxlit idrok etishni; jamiyat rivojining asosiy omillarini tasniflay olish ko'nikmalariga ega bo'lishi kerak.

– talaba zamonaviy jamiyatda ro'y berayotgan ijtimoiy-siyosiy hodisalarni to'gri tavsiflay olishi; turli ijtimoiy-madaniy xususiyatda kechayotgan hodisalarni xolis qiyosiy taqqoslay olish; zamonaviy jamiyatdagi mavjud ijtimoiy muammolardan ustuvorlarini aniqlash va ularni obhektiv tahlil qila olishi; muayyan hodisa va voqealarga kishilarning shaxsiy munosabatlarini o'rganishga qaratilgan tadqiqotlarda ishtirok etishi; ijtimoiy-siyosiy va mahnaviy sohalarda o'tkazilgan amaliy sotsiologik tadqiqotlar natijalaridan foydalana olish malakalariga ega bo'lishi kerak.

**Fanning boshqa fanlar bilan o'zaro bogliqligi**

Sotsiologiya fani ijtimoiy hayot muammolari va ijtimoiy taraqqiyot jarayonining turli omillarini kompleks tarzda o'rganuvchi fan hisoblanib, u tarix, huquqshunoslik, falsafa, madaniyatshunoslik, dinshunoslik, psixologiya, siyosatshunoslik, etnografiya, iqtisod nazariyasi, matematika, statistika kabi fanlar bilan yaqin hamkorlikda faoliyat yuritadi.

**Fanning ishlab chiqarishdagi o'rni**

Sotsiologiya mustaqil ijtimoiy fan sifatida o'z metodologiyasi va nazariyasiga egadir. Sotsiologiya fani jamiyat hayotidagi ijtimoiy muammolarni o'zining empirik bazasiga ega bo'lgan konkret amaliy tadqiqotlari bilan kompleks tarzda tadqiq etadi. Jumladan, ijtimoiy mehnat va uning samaradorligini oshirish, marketing tadqiqotlarini faol olib boradi.

**Fanni o'qitishda zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalar**

Talabalarning sotsiologiya fanini o'zlashtirishlari uchun o'qitishning ilgor va zamonaviy usullaridan foydalanish, yangi informatsion-pedagogik texnologiyalarni tadbiq etish muhim ahamiyatga egadir. Fani o'zlashtirishda darslik, o'quv va uslubiy qo'llanmalar, mahruza matnlari, tarqatma materiallar, elektron materiallardan foydalaniladi. Mahruza va amaliy mashgulotlar fanning mavzulariga mos ravishda ilgor pedagogik texnologiyalari asosida olib boriladi.

Fanni o'qitishda anhanaviy usullar (mahruza, seminar, amaliy mashgulot, test yechish va boshqalar) bilan birga keyingi darsga mahruza bayonnomasini tarqatish va shu asosda darsni asosan savol-javob tarzida o'tkazish, asosiy savollarni talabalar tomonidan bayon qilish va uni munozara asosida to'ldirish amalga oshiriladi.

**"Sotsiologiya" fanidan mashgulotlarning mavzular va soatlar bo'yicha taqsimlanishi:**

| t/r | Mavzular nomi | Jami soat | Mahruza | Amaliy mashgulot | Mustakil tahlim |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Sotsiologiya fan sifatida | 6 | 2 | 2 | 2 |
| 2 | Sotsiologiya strukturasi | 6 | 2 | 2 | 2 |
| 3 | Jamiyat yaxlit tizim sifatida | 6 | 2 | 2 | 2 |
| 4 | Sotsial guruhlar va sotsial institutlar | 8 | 2 | 2 | 4 |
| 5 | SHaxs sotsiologiyasi va deviant xulq - atvor | 6 | 2 | 2 | 2 |
| 6 | Jamiyat sotsial strukturasi va strafikatson jarayonlar | 6 | 2 | 2 | 2 |
| 7 | Sotsial munosabatlar | 6 | 2 | 2 | 2 |
| 8 | Ijtimoiy taraqqiyot sotsiologiyasi | 6 | 2 | 2 | 2 |
| 9 | Empirik sotsiologik tadqiqot va uning metodlari | 6 | 2 | 2 | 2 |
|  | **Jami** | **56** | **18** | **18** | **20** |

## MA’RUZA MASHGULOTLARI

### Sotsiologiya fan sifatida

Sotsiologiya fanining vujudga kelishida ijtimoiy-iqtisodiy, goyaviy-nazariy shart-sharoitlar. O.Kont-pozitiv sotsiologiyaning asoschisi, uning sotsiologiyani mustaqil fan sifatida yaratishdagi dastlabki rejalari. Antik davrning qomusiy olimlari va SHarq mutafakkirlarining ijtimoiy-falsafiy tahlimotlari (Platon, Aristotel, Forobiy, Ibn Haldun va boshqalar) zamonaviy sotsiologiyaning muhim manbalari sifatida. Garb sotsiologiyasi klassiklarining ishlarida sotsiologiyaning obhekti va predmeti muammosi. Sotsiologiyaning turli yo’nalishlarida fanning obhekti va predmeti muammosini yechish yo’lidagi goyaviy-nazariy izlanishlar.

Sotsiologiyaning boshqa fanlar bilan munosabati. Sotsiologiya va falsafa. Sotsiologiya va tarix. Sotsiologiya va psixologiya, demografiya, genetika, sotsial geografiya. Sotsiologiya va tabiiy hamda aniq fanlar. Sotsiologiyaning fanlar tizimidagi tutgan o’ziga xos o’rni.

Qo`llaniladigan ta'lim texnologiyalari: vizual ma'ruza, blits-so`rov, bayon qilish, klaster, “ha-yo`q” texnikasi.

Adabiyotlar: A-1, A-2, A-3, A-4, A-5, Q-1, Q-2, Q-3, Q-4.

### Sotsiologiya strukturasi

Fanda struktura tushunchasi va uning ahamiyati. Sotsiologiyaning strukturasi va uning asosiy tarkibiy qismlari. Sotsiologiya strukturasi elementlarining rivojlanish dinamikasi. Fundamental (asosiy) sotsiologiya. Jamiyat hayotining fundamental muammolarini sotsiologik tahlili. Nazariy va amaliy sotsiologiya: ularning umumiyligi va farqi. Sotsiologiya tarixida universal nazariyalarni ishlab chiqishga bo’lgan intilishlar. Empirik sotsiologiyaning bunyod bo’lishi va uni sotsiologiya nazariyasi rivojiga tahsiri. Sotsiologiyada maxsus va tarmoq yo’nalishlar. Makrosotsiologiya va mikrosotsiologiya.

Qo`llaniladigan ta'lim texnologiyalari: axborot ma'ruzasi, Insert, blits-so`rov, prezentatsiya, grafik organayzer texnikalari, aniq holatlarni echish, B.B.B.

Adabiyotlar: A-1, A-2, A-3, A-4, A-5, Q-1, Q-2, Q-3, Q-4.

### Jamiyat yaxlit tizim sifatida

Jamiyat va ijtimoiylik tushunchasi. SHarq mutafakkirlarining jamiyat to’grisidagi qarashlari. Garb sotsiologiyasi asoschilarining ishlarida ijtimoiylikning tahriflanishi. M. Veber kontseptsiyasida totalitar jamiyat, uning belgilari va ijtimoiy-siyosiy tashkil etilish usullari. Jamiyat va davlat. Jamiyatning mexanistik, organistik va boshqa tarzlarda tahriflanishi. T.Parsons nazariyasida jamiyat tushunchasi, uning to’rt funktsiyali paradigmasi. Zamonaviy jamiyatning turlicha tahriflari. Anhanaviy jamiyat va Industrial jamiyat. Ularning belgilari. “Mo’lko’llik jamiyati”, “Ochiq jamiyat”, “Yopiq jamiyat”, “Istehmol jamiyati”, “Postindustrial jamiyat” va boshqalar XX va XXI asr madaniy-tarixiy va siyosiy tizimlarni tahriflash mezonlari sifatida.

Qo`llaniladigan ta'lim texnologiyalari: munozarali ma'ruza, insert, aqliy hujum, blits-so`rov, klaster, O`TVG`KT.

Adabiyotlar: A-1, A-2, A-3, A-4, A-5, Q-1, Q-2, Q-3, Q-4.

### Sotsial guruhlar va sotsial institutlar

Sotsial guruh tushunchasi, uning asosiy belgilari. Sotsiologiyada sotsial guruhlarga ajratish mezonlarining xilma-xilligi Sotsial guruh turlari: katta va kichik, rasmiy va norasmiy, birlamchi va ikkilamchi, inguruh va autguruh, referent guruhlar va boshqalar. Garb sotsiologiyasida kichik guruhlar nazariyasi: sotsiometriya, guruh o’zgaruvchanligi, psixoterapevtik va boshqalar sotsial guruhlarning shakllanishi, ishlashi va taraqqiy etishi qonunlarini tushuntiruvchi nazariyalar sifatida. Kvaziguruhlar. Qon-qarindoshlikka asoslangan guruhlar: urug, qabila, qarindoshlar, oila, elat,

millat. Ommani sotsiologik o'rganish**.** Sotsiologiyada sotsial institut tushunchasi. Sotsial institut belgilari. Sotsial institutning asosiy vazifalari. Sotsial institut turlari: oila, siyosat, din, iqtisod, tahlim, huquq va boshqalar. Jamiyat hayotida sotsial institutlarning o'rni. Oila va nikoh. Iqtisodiy institutlar. Ularning ko'rinishlari va vazifalari. Iqtisodiy guruhlar va iqtisodiy xatti-harakat. Ishlab chiqarish, uning tarixiy shakllari va vazifalari. Ijtimoiy mehnat taqsimoti va kasb. Mehnat bozori, bandlik va ishsizlik. Davlat va jamiyatning siyosiy tizimi. O'zbekiston sharoitida demokratik bozor islohotlarini va iqtisodiyotni liberallashtirishni yanada chuqurlashtirish. O'zbekistonda huquqiy ongning o'ziga xosligi. O'zbekistonda fuqarolik jamiyati institutlarini shakllantirish va rivojlantirish. Din sotsiomadaniy institut sifatida. Dinning funktsiyalari. Zamonaviy jamiyatda dinning o'rni. Din bilan davlat o'rtasidagi o'zaro munosabat. Tahlim sotsial institut sifatida. Uning taraqqiyoti va shakllari. Umumiy, o'rta-maxsus va oliy tahlim. Oliy tahlim va fan: tarkibi va ilmiy-pedagogik kadrlar. O'zbekiston oliy tahlim tizimi va Yevropa hamda AQSH universitetlari: umumiylik va xususiylik. Tahlim tizimidagi islohotlar.

Qo`llaniladigan ta'lim texnologiyalari: ma'ruza, klaster, munozara, texnika: taqdimot, blits-so`rov, grafik organayzerlar.

Adabiyotlar: A-1, A-2, A-9, A-8, A-7, Q-1, Q-2, Q-3, Q-4.

**Shaxs sotsiologiyasi va deviant xulq-atvor**

Shaxs tushunchasi. Shaxs tushunchasini turli fanlardagi talqini. Shaxs, inson, individ tushunchalari. Shaxs shakllanishiga tahsir etuvchi asosiy omillar. Shaxs ijtimoiy munosabatlarning mahsuli sifatida. Shaxs to'grisidagi asosiy sotsiologik nazariyalar. O'z-o'zini baholash va Men-tahlimotining shakllanishi, qadriyatlar va baholar. Shaxsning o'z-o'zini hurmat qilishi. Shaxs strukturasi. Shaxs turlari. Shaxsning anhanaviy va zamonaviy turlari. Deviant xulq-atvor (ogma xulq-atvor) tushunchasi. Deviant xulq-atvor muammosini o'rganish sotsiologiyadagi ilmiy yo'nalish sifatida. Deviant xulq-atvor turlari: qonunni buzish, o'z-o'zini o'ldirish, giyohvandlik, alkogolizm va boshqalar. E.Dyurkgeym, R.Mertonlarning deviant xulq-atvor nazariyalari, Z.Freyd va E.Frommlarning destruktivlik (strukturani buzilishi) nazariyalari. Sotsial mehyor va anomiya deviant xulq-atvor nazariyasining markaziy tushunchasi sifatida. Deviant xulq-atvor belgilari, ularning strukturasi. Deviant xulq-atvorni turkumlash. Buzilgan xulq-atvor mexanizmi. Deviant xulq-atvorning tibbiy-biologik, ijtimoiy-psixologik va ijtimoiy tomonlari. Hozirgi zamonda deviant xulq-atvorning tarqalishi va o'zgarishi. Deviant, delinkvent va kriminal hatti-harakatlar. Professional jinoyatchilik. Uyushgan jinoyatchilik. Dunyoda jinoyatchilik holati. Jinoyatchilikni oshishi va jamiyatning kriminallashuvi sabablari va namoyon bo'lish shakllari. O'smirlar va yoshlar jinoyatchiligi. Jamiyatda korruptsiya muammosi. Sotsial nazorat. Sotsial nazorat kishilar hatti-harakatini tartibga solish mexanizmi sifatida. P.Bergerning sotsial nazorat to'grisidagi tahlimoti. Sotsial nazorat elementlari: mehyorlar va sanktsiyalar. Sotsial sanktsiyalar turlari: pozitiv va negativ, rasmiy va norasmiy. Sotsial mehyorlar tasnifi. Sotsial mehyor turlari: huquqiy, diniy, anhanaviy va axloqiy. Ichki va tashqi nazorat. O'z-o'zini nazorat qilish muammosi. Jamoatchilik fikri sotsial nazoratning shakli sifatida.

Qo`llaniladigan ta'lim texnologiyalari: axborot-ma'ruza, insert, hamkorlikda o`qitish texnikasi, sinkveyn.

Adabiyotlar: A-1, A-2, A-3, A-4, A-5, Q-1, Q-2, Q-3, Q-4.

**Jamiyat sotsial strukturasi va stratifikatsion jarayonlar**

Sotsial struktura tushunchasi. Kishilik jamiyati tarixida sotsial struktura muammosining talqini. Sotsial struktura to'grisidagi antik davr mutafakkirlarining tahlimotlari. P. Sorokinning sotsial stratifikatsiya to'grisidagi nazariyasi. Stratifikatsiya asoslari va mezonlari: iqtisodiy holat, mavqe, tahlim va hokimiyat. Stratifikatsiya va sotsial differentsiya. Stratifikatsion tizimlar: qullik, kasta, klan va sinf. Ochiq va yopiq tizimlar. Sotsial stratifikatsiya va sotsial harakatchanlik (mobillik) nazariyasi sinfiylik tahlimotiga qarshi goya sifatida. Jamiyat sotsial strukturasi rivojining zamonaviy tendentsiyalari. Bozor munosabatlari sharoitida sotsial strukturaning o'zgarishi. O'zbekistonda sotsial stratifikatsiya va sotsial mobillik jarayoni. Sotsial harakatchanlik (mobillik) to'grisidagi sotsiologiya klassiklari: M.Veber, E. Giddens, T. Parsons, P. Sorokin va boshqalarning qarashlari. Sotsial harakatchanlik belgilari. Sotsial harakatchanlik turlari: gorizontal va vertikal sotsial harakatchanlik. Guruhiy va individual harakatchanlik. Avlod ichidagi va avlodlar o'rtasidagi sotsial harakatchanlik. Strukturaviy sotsial harakatchanlik. Jamiyatda sotsial harakatchanlik yo'llari. Sotsial harakatchanlikning demografik omillari. Migratsiya va uning tarixiy shakllari. Emigratsiya va migratsiya. Mehnat va iqtisodiy migratsiya. Xorijiy ishchi kuchlar bozori. "Aqllar oqimi".

Qo`llaniladigan ta'lim texnologiyalari: muammoli, fikrlar hujumi, birgalikda o`qish, munozara, taqdimot, Blits so`rov, grafik tashkil etuvchilar, T- jadval, "Vena" diagrammasi.

Adabiyotlar: A-1, A-2, A-3, A-4, A-5, Q-1, Q-2, Q-3, Q-4.

**Sotsial munosabatlar**

Sotsial munosabatlar tushunchasi. Sotsial munosabat turlari: hamfikrlik, kooperatsiya, konfliktlar, kurash, begonalashuv, befarqlik, krizis, kamsitish, notenglik. Sotsial munosabatlar tizimidagi plyuralizm. Sotsial munosabatlarning asoslari. Hamfikrlik, barqarorlik va kooperatsiya - sotsial tizimlarning muvaffaqiyatli ishlashining omillari sifatida. E.Dyurkgeym kontseptsiyasida hamfikrlik tushunchasi. Kooperatsiya ijtimoiylikning asosiy belgisi sifatida. Pozitivizm sotsiologiyasida barqarorlik va inqiroz ongi. Barqarorlikni strukturaviy-funktsional asoslash. Begonalashuv va tanazzul. E.Dyurkgeymning anomiya (qonunsizlik) kontseptsiyasi, F.Tennis, M.Veber, G.Zimmel, ekszenstentsial va fenomenologik sotsiologiya asoschilari tahlimotlarida begonalashuv va jamiyatdagi inqiroz hodisalarining o'zaro aloqadorligi to'grisidagi fikrlari. Begonalashuv turlari va ularning ijtimoiy oqibatlari. Tenglik va plyuralizm ijtimoiy tuzum tamoyillari sifatida. Milliy goya va milliy mafkuraning sotsial munosabatlar tizimidagi o'rni.

Qo`llaniladigan ta'lim texnologiyalari: hamkorlikda vizual-ma'ruza, insert, birgalikda o`qish, munozara, taqdimot, Blits shrov, grafik tashkil etuvchilar, T- jadval, diagramma "Vena".

Adabiyotlar: A-1, A-2, A-3, A-4, A-5, Q-1, Q-2, Q-3, Q-4.

**Ijtimoiy taraqqiyot sotsiologiyasi**

**Емил Дюркгейм-** дин фақат эътиқод эмас у бир қатор маросимлардан иборат. Маросимлар инсонларни бир- бирларига яқинлаштиради. Ривожланган давлатларда фуқаролик дини шаклланган. Масалан: Мустақиллик, давлат рамзлари қабул қилинган кун. (Тож кийдириш маросими)




Кичик гурухларда ишлаш қоидаси

1. Талабалар вазифани бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдига қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чэгараланмаганлиги ва тазйиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

“3 * 3 лойиҳаси” қоидаси

- Учта гуруҳ учта фикр
- Гуруҳларга уч хил савол ёзилган ватман қоғозлари тарқатилади.
- Ҳар бир гуруҳ ўз ватманига учтадан жавоб ёзади.
- Жавоблар қолади гуруҳлар жой алмашади (3дан 1га; 1дан 2га; 2дан 3 га)
- Хар стол алмашганда учтадан жавоб ёзилади.
- Охирида жами 9 та жавоб тўпланади
- Мустақил равишда ҳар бир гуруҳ умумий таърифни келтиради ва жавобларни тақдимот қилади

**Талкотт Парсонс** (англ. *Талсотт Парсонс*; 13 декабря 1902, Колорадо-Спрингс — 6 мая 1979, Мюнхен)



Структурный функционализм:

- высокоабстрактное, жёстко кодифицированное теоретическое построение, претендующее на универсальное объяснение социальной реальности;
- социология занимаеця изучением функций, выполняемых социальными институтами, и социальным действием индивидов, которые занимают определённое место в социальной структуре общества (статусы) и исполняют предписанные общественными нормами и ценностями социальные роли;
- тесная связь между статикой и динамикой, социальной системой и социальной структурой.

*Структурно-функциональный анализ* — принцип исследования социальных явлений и процессов как системы, в которой каждый элемент структуры имеет определенное назначение (функцию). Функция в социологии — роль, которую выполняет определённый социальный институт или процесс по отношению к целому (напр., функция государства, семьи и т. д. в обществе).

# V-мавзу.  Шахс социологияси ва девиант хулк атвор.

## А) Шахс, жамият ва давлат социологияси.

## Б)  Девиант хулқ- атвор социологияси

**Инсон-** ҳамма учун хос бўлган, тегишли бўлган умумий тушунча.
**Индивид** - инсоният зотининг якка вакили.
**Шахс** - тарихий шароитдаги ҳолатидан келиб чиқиб ишлатилади

**Фалсафа** - шахсни фаолият субъекти, онг ва ижодиёт сифатида тутган ўрни, нуқтаи-назаридан қараб чиқади.

**Руҳшунослик - шахсни руҳий жараёнлар, хусусият, қобилият, ирода сифатлари ва бошқа жиҳатлардан барқарор, яхлит ҳолда ўрганади**

**Социологик - ёндашув шахснинг социал-типик жиҳатини ажратади. Шахс социологик назария-сининг асосий масаласи шахснинг шаклланиш жараёни ва унинг эҳтиёжларини қондириш, социал бирликда ривожланиши ва амал қилиши, жамият билан шахс алоқалари, шахс ва гуруҳлар, шахснинг социал феъл-атворини, тартибга солиш қонуниятларини  ўрганиш билан чамбарчас боғланган.**

**Инсоннинг икки хил эҳтиёжи мавжуд**

**Табиий** – барча биологик эҳтиёжлар

**Ижтимоий –** меҳнат фаолияти, ижтимоий фаоллик, маънавият ва бошқалар

**Шахснинг ижтимоийлашув даври қуйидагилар асосида кечади:**

**1) Болалик:** - агентлар ва ижтимоийлашув турлари.
**2) Ота-оналик**:
- оталар ва болалар: икки дунё;
- «оталар ва болалар» муносабатларининг мутаносиблиги.
**3) Ўспиринлик:** - қадриятлар параллелъ тизими**.**
**4) Балоғат ёши:**
- вояга етган инсон мақомининг асосий мезонлари;
- вояга етганлар - шахс ижтимоийлашувининг фаол пайти.
**5) Кексалик:**

## Шахс ижтимоий роли

**Белгиланган ижтимоий мавқеи**

Бу шахс хизмати ва ҳатти-ҳаракатидан қатъий назар, жамият томонидан белгилаб қўйилади. Шахснинг етник келиб чиқиши, туғилган жойи, оиласи, жинси ва бошқалар.

**Еришилган ижтимоий мавқе**

Шахснинг ўз хатти-ҳаракати, қобилияти билан етишган мавқеи тушунилади. Масалан, ёзувчи, фирма бошлиғи, директор, профессор ва шу кабилар

## Лавозимига кўра иккига ажратилади

***Табиий лавозим*** мавқеи шахснинг эркак ва аёл, болалик, ўсмирлик, ёшлик, ўрта ёш, кексалик даврларини билдирса,

***Касбий лавозим*** мавқеи шахснинг ижтимоий - иқтисодий ва ишлаб чиқариш - техник ҳолати (муҳандис, темирчи, ҳайдовчи ва бошқалар)ни билдиради.

**Шахс ижтимоийлашувининг 2 фазаси мавжуд:**

**<u>Социал адаптация</u> (мослашиш**). Бунда индивиднинг социал шароитларга, функцияларга, социал нормаларга, социал гуруҳларга, ташкилот ва институтларга, яъни муҳитга мослашишидир.

**Социал интериоризация**, яъни социал норма ва қадриятларнинг индивид ички дунёсига кириши жараёнидир. Шахс социал муҳитга қоришиб кетмайди, балки унга мустақил бирлик сифатида киради.

**Эҳтиёжларининг икки кўриниш мавжуд:**

**<u>Табиий эҳтиёжлар</u>** сифатида кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари: овқат, кийим, турар-жой ва бошқалар тушунилади.

**<u>Социал эҳтиёжлар</u>** эса одамнинг меҳнат қилиш эҳтиёжи, социал активлиги. Табиий эҳтиёжлар асос бўлиб, улардан социал эҳтиёжлар пайдо бўлади, ривожланади ва қониқтирилади.

**<u>Ижтимоий санкция</u>**

(санкция - лот. қатъий қарор маъносини билдиради)

**Жисмоний санкция:** калтаклаш, озодликдан маҳрум қилиш, ўлим жазоси ва бошқалар.

**Иқтисодий санкция:** мукофотлаш, моддий рағбатлантириш, жарима солиш ва бошқалар.

**Рамзий санкция**: хурмат билдириш, иззақ қилиш, хайфсан бериш.

**Давлат ва жамият фаолиятини назорат қилувчи кўрсаткичлардан бири**

**Суборнидация** — **Тепадан пастга қараб тартибга солиш**

**Кооординация** — **Горизонтал тартибга солиш**

**Реординация** — **Пастдан тепага қараб тартибга солиш**

**Ҳозирги кунда жамиятнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд**

**Фаравонлик** (мўл-кўллик) жамияти: – (кўпроқ Ғарбда: скандинавия давлатларини мисол келтириш

**Очиқ ва ёпиқ жамият.** Очиқ жамият - демократик жамият бўлиб ташқи муҳит шароитларида осон ўзгарувчи ва мослашувчи, танқидни ёриб ўтмоққа мослашган жамият. Ёпиқ жамият – догматик-авторитар режим асосида бўлиб, сеҳрли (магик) тафаккур, догматизм ва коллективизм тамойиллари билан характерланади.

**Истеъмол қилиш жамияти** (АҚШда XX асрнинг 40–50-йилларда юзага келганлиги билан характерланади).

**Индустриал (саноат) жамияти.** (XX асрнинг 50-60-йилларида юзага келди. Бу концепция ўз моҳиятига кўра марксча ижтимоий-иқтисодий формация тўғрисидаги таълимотларга қарши қаратилган.

:

**Жамиятнинг тузилиши қуйидагича:**

**Тоталитар жамият: -** (лот. умумий, бутун, жамийки). Авторитар шаклларидан бири. Жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан ялпи назорат ўрнатилади.

**Демократик жамият**:- (юнон. халқ ҳокимияти) - халқнинг ҳокимият манбаи эканлигини ва давлат ишларини ҳал қилишда қатнашишини билдиради

**Авторитар жамият: -** (лот. бошловчи, асосчи, ижодкор, автор) демократик бўлмаган сиёсий режимга асосланган ёки сиёсий онгнинг авторитар шакли. Бу сиёсий ҳукмронлик қилишнинг ўта реакцион давлат тизими. Шахснинг диктаторлик элементлари билан уйғунлашиб кетади.

## Ижтимоий жараёнларни башорат қилиш ва бошқариш қуйидаги асосий вазифаларни кўзлайди:

- Истиқболни баҳолаш, жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим кўрсаткичларини аниқлаш ва унга оқилона йетишишнинг самарали воситаларини белгилаш.
- Меъёрларни аниқлаш, истиқболдаги асосий ижтимоий талаб ва уни қондириш имкониятларини белгилаш
- Таҳдидларни тахминлаш, жамият ижтимоий тараққиётига акс таъсир етиши мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил етиш.

ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда хамда ўқув жараёнини баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

## Ўқув топшириқ:

**“Инсон хулқига таъсир этувчи омиллар (ички ва ташқи таъсирга инсоннинг жавоби)ни ёритиб беринг?” саволини йўналтирувчи услубий тавсиялар ёрдамида жадвалда жавоб бериш**

**ЙЎналтирувчи услубий тавсиялар:**

**Иқтисодий ва сиёсий сохаларда, маънавий ва маданий жараёнларда.**

| авол | **Инсон хулқига таъсир этувчи омиллар (ички ва ташқи таъсирга инсоннинг жавоби)** |
|---|---|
| **(Ф) Фикрингизни баён этинг** | |
| **(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг** | |
| **(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг** | |
| **(У)Фикрингизни умумлаштиринг** | |

# ХУЛҚ-АТВОР ИККИ ТУРГА АЖРАТИЛАДИ

**Девиант хулқ-атвор**

**Жиноятчилик.** Муайян давлатда ўрнатилган қонун ва меъёрларга нисбатан айрим шахсларнинг салбий муносабати, жиноий фаолияти ва шунинг оқибатида содир етилган ҳатти- ҳаракат.

**Ичкиликбозлик**. Бу борада илмий адабиётларда бир неча таснифлар мавжуд:

- Алкаголни ҳар замонда истеъмол қилиш.
- Алкоголни кўп истеъмол қилиш— спиртли ичимликларни мунтазам, яъни ҳафтада бир мартадан бир неча мартагача ёки бирваракайига ўртада танаффус билан кўп микдорда (200 мл.дан ошиқ).
- Алкоголизм — спиртли ичимликларга патологик (муттасил) ўрганиб қолиш билан тавсифланувчи касаллик.

**Гиёҳвандлик**

**Бюрократия.** Аслида «ҳокимиятга эга бўлган ходим» деган маънони англатади. Бироқ, даврлар ўтиши билан «бюрократия» маҳаллийчилик, қоғозбозлик, тўрачилик, мансабни суистеъмол қилиш каби салбий маъноларда қўлланила бошланди. Ҳозирги кунда кўплаб давлатларда «бюрократия» термини асл маъносини йўқотиб, бошқарувдаги ўзига хос идоравий услуб тарзида тушунилади.

**Фоҳишабозлик**

- **Конкубинат** — никоҳсиз бирга яшаш
- **Фоҳишабозлик** — пул учун ўз танасини сотиш

**Деликвент хулқ-атвор**

Қонунни бузмаган ҳолда ахлоқ нормаларининг бузилиши

**АҚШ социологиясининг вакили Д.Макрегор 1957 йилда бошқарув турларини қуйидагича тақсимлаган.**

Қаттиқ назоратга, меҳнатни зўрлашга, салбий чоралар кўришга ва шу орқали моддий- иқтисодий жиҳатдан юқори кўрсаткичга етишишга қаратилган **авторитар** усул.

Қўл остидагиларнинг ижодий қобилиятига, мўтадил назоратга, ҳар қандай зўрликсиз, ўз-ўзини назорат қилишга асосланган, бошқарув фаолиятига жалб қилувчи, меҳнатнинг ахлоқий жиҳатдан рағбатлантиришга қаратилган **демократик** усул

**Авторитар** ва **демократик** бошқариш усулларининг айрим томонларини ўзида мужассамлаштирган қўшма усул. Буларни қўллашдан аввал ташкилотда социологик тадқиқот ўтказиш керак. Бунинг натижасида, ходимларнинг бошқарувчига нисбатан ишончи, интизомнинг аҳволи, жамоа аъзоларининг уюшқоқлик даражаси ўрганилади.

Меҳнатни ташкил қилишнинг янги шаклларини жорий қилиш

**XX асрнинг 60 - йилларида 2 та муҳим ижтимоий омилга эътибор қаратилган.**

Яшаш сифатини яхшилаш дастури

**Фредерик Уинслоу Тейлор** (*Фредерик Уинслоу Тэйлор*, англ. *Фредериск Wинслоw Тайлор*; 20 марта 1856 — 21 марта 1915) — американский инженер, основоположник научной организации труда и менеджмента.



В 1884 г. Тейлор стал главным инженером, в этом же году он впервые использовал систему дифференциальной оплаты за производительность труда. Оформил патентами около сотни своих изобретений и рационализаций. С 1890 по 1893 гг. Тейлор - главный управляющий Мануфактурной инвестиционной компании в Филадельфии, владелец бумажных прессов в Мэне и Висконсине, организовал собственное дело по управленческому консультированию, первое в истории менеджмента. В 1906 г. Тейлор становиця президентом Американского общества инженеров–механиков, а в 1911 г. учреждает Общество содействия научному менеджменту. С 1895 г. Тейлор начал свои всемирно известные исследования по научной организации труда. Тейлор умер 21 марта 1915 года в Филадельфии от воспаления легких.

**Ф.Тейлор.** 1894 йили меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига асосланган назария - **«иқтисодий одам»** концепциясида қуйидагиларга эътибор берилди.

- Енг қисқа вақтда ишчи қанча кўп ҳажмда иш бажарса,унга шунча ҳақ тўлаш.
- Ишнинг ҳажмини эмас, балки самарадорлиги ва сифатини рағбатлантириш.
- Ишчиларга ка миш ҳақи тўлаш ва кўп бериш баравар зарарли эканлиги.
- Ишловчида юксак ҳақ олувчи бўлишига интилиш хиссини уйғотиш, юксакликка интилиб яшаш.

**Социологлар ва иқтисодчилар жамиятнинг қуйидаги кўринишлари тадқиқ етганлар:**

**1.Анъанавий жамият** Анъанавий жамиятда йерга бўлган мулкчилик асосий ўринни эгаллайди. Бойлик ташқи манбалар асосига қурилиб, табиат манбаларини эгаллаш, ўзлаштириш кучаяди.

**2. Индустриал жамият.** Индустриал жамиятда мулкнинг барча кўринишларига бўлган муносабат шаклланади. Йирик машина ишлаб чиқариши қўл меҳнати ўрнига келиб, юксак меҳнат унумдорлигига асосланган ишлаб чиқаришни изоҳлайди. Автоматик ишлаб чиқариш вужудга келади. Оммавий ишлаб чиқариш асосий белгига айланади. Ишлаб чиқаришда юксак малакали ишчиларнинг роли ортиб боради, улар мутахассислашадилар. Натижада, машина ёрдамида стандартлашган операциялар бажарилади. Хўжалик соҳасида саноат ва молиявий капитал устунлик қилади. Маҳсулот бозор учун мўлжалланган бўлади. Индустриал жамиятни иқтисодий жамият деб аташ ҳам мумкин. Чунки реал борлиқ иқтисодга қартилган бўлади. Урбанизациялашув таълим тизимига янгича ёндашувни, оммавий маданиятни вужудга келтира боради.

**3.Постиндустриал жамият** Постиндустриал жамиятда интеллектуал мулк, инсоннинг ақл-заковати, билими асосий ўринга чиқиб қолди. XX аср ўрталаридан қатор Ғарб давлатлари жамиятнинг учинчи босқичи – постиндустриал жамиятга ўта бошладилар. «Информацион» жамият инсон билими ва информация заҳираларига кўра жамиятнинг асосий манбаи бўлиб қолади. Замонавий микроелектроника ва компютер техникасига асосланмоқда. Булар оммавий ахборотларни вужудга келтиради ва қайта ишлаб чиқаради. Коммуникация тизимида хўжалик тизими тубдан ўзгаради. Табиат манбаларидан, ишлаб чиқариш, металлургия, қишлоқ хўжалиги қисқаради, машина кўлами кенгаяди, аҳолининг деярли 50 фоизи шу соҳани ташкил етади. Постиндустриал жамият - маиший хизмат қилиш жамияти деб ҳам юритилади. Ишлаб чиқариш (молиявий, банк, суғурта, савдо, илмий маслаҳат, дастур) ва ноишлаб чиқариш соҳаларида хизматлар (фан, таълим ва бошқа) ўсиб боради. Бунда урбанизация жараёни индустриал жамиятга нисбатан тескари равишда юз беради. Қишлоққа саноат кириб боради.


Меҳнат социологияси қуйидаги асосий ижтимоий муносабатлар жараёнини ўрганади:
Ишлаб чиқариш воситаларига ва мулкка бўлган муносабатлар
Меҳнат кооoperацияси ва тақсимоти
Бажарилаётган меҳнатнинг шароити ва мазмуни
Меҳнат турларининг ўзгариши
Меҳнатга қараб тақсимлаш
Жамият аъзоларининг ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бориши
Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароити ва турмуш тарзига қараб, уларнинг таъсирида эса меҳнат хулқининг ўзгариб бориши.

# Бозор иқтисодиётига ўтиш беш тамойили

| |
|---|
| Иқтисодиёт ўзига хос бўлган ички қонунлар асосида ривожланмоғи зарур. “**Иқтисодиёт**-деб таъкидлайди Ислом .Каримов, - **сиёсатга нисбатан устивор мавқеда бўлиши лозим”**. Ўзбекистонда “аввал иқтисод, кейин сиёсат”, аввал таом, кейин калом” деган ҳиқматларга амал қилинди. |
| Бозор муносабатларига ўтиш даврида **давлат бош ислохотчи бўлиши**, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур, деб таъкидлайди Ислом Каримов. Шу боис, Ўзбекистонда давлат иқтисод тизими хукмронлиги сақланиб қолинди. Хўжаликнинг базавий тармоқлари - сув хўжалиги, темир йўл, автомобил ва ҳаво йўллари, мудофаа саноати давлат ихтиёрида бўлиб, уларни тадбиркорлик билан юритиш давлатнинг вазифасидир. |
| Бозор иқтисодиётига ўтишда **қонун ва қонунларга риоя етиш устивор бўлиши лозим**. Яхлит бозор тизимини яратиш учун унинг турли томонларига оид қонунлар яратилиши ҳамда уларга риоя қилиниши шарт. Барча ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади. |
| Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда **кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш**. Бунинг зарурияти иқтисодий аҳвол билан боғлик. Биринчидан, Ўзбекистон. аҳолисининг 3/4 қисми шўролар ҳокимиятининг сўнгги йилларида ҳам давлат мададига муҳтож эди. Иккинчидан, аҳоли таркибида давлат ва жамият ўз ҳимоясига олиши зарур бўлган болалар, ўспиринлар, қариялар кўпчиликни ташкил этади. Учинчидан, ижтимоий жиҳатдан табақаланган қатламни ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш зарурлиги инобатга олинади. |
| Бозор иқтисодиётига ўтиш эво**люцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши лозим**. Чунки бозор иқтисодиёти мураккаб тизим бўлиб, уни бирданига яратиб бўлмайди. Тоталитар тузум психологиясидан бозор психологиясига ўтиш учун муайян бир вақт ҳамда янги иқтисодий, маънавий имкониятлар ва шароитлар керак. Булар босқичма-босқич яратилади. Бу тамойил бизга мерос бўлиб қолган, барча прогрессив жиҳатларга авайлаб муносабатда бўлишни, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма” деган ҳикматга риоя етишни тақозо этади. |

Меҳнат доирасидаги  ижтимоий назоратнинг аниқ вазифалари қуйидагилар ҳисобланади.

- Ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва ривожлантириш (ишчининг хулқ-атвори, меҳнат натижаларига кўра назорат қилинади;)
- Иқтисодий рационал бўлиш ва маъсулият, мол- мулкни сақлаш, меҳнат сарф- харажатларини оптимизациялаш;
- Маънавий – ҳуқуқий бошқариб туриш;
- (ташкилий меҳнат тартиб-интизомининг мазмуни меҳнат фаолияти давомида субъектларнинг муносабатлари, ахлоқ ва ҳуқуқ, бурч масалаларига амал қилиш каби масалаларда кўринади;)
- инсонни жисмоний жиҳатдан ҳимоя қилиш. (техника хавфсизлигига амал қилиш, нормадаги иш вақти каби масалаларни ҳал қилиш назорат объектлари ҳисобланадилар).

Шундай қилиб, меҳнат доирасида ижтимоий назорат иқтисодий ишлаб чиқариш, ижтимоий-гуманитар мақсадларда олиб борилади.

Ижтимоий назорат ўзининг мураккаб таркибига эга, улар бир-бирига боғлиқ уч жараёндан иборат:

- хулқ-атворни кузатиш;
- ижтимоий нормалар нуқтаи назаридан хулқ-атворга баҳо бериш, категориялаш;
- хулқ-атворга санкциялар шаклида эътибор бериш;


жамиятда ва меҳнат ташкилотларида ходимларни
меҳнат низоларининг сабабларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб
меҳнат фаолиятини рағбатлантириш, меҳнат хулқини яхшилаш ва унга мослашиш даражасини ошириш;
меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва заҳираларини аниқлаб, уларнинг ҳолатини таҳлил этиш ва режалаштириш;
ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солишни такомиллашти-риш.
Меҳнат социологи си »нинг асосий вазифалари
иш ҳақини тизимини ва уни ташкил этиш элементлари ва тамойилларини тадқиқ этиш;
корхона ходимларининг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш ва режалаштириш;
меҳнатнинг жамият тараққиётидаги ўрнини ўрганиш ва меҳнат соҳасида аниқ социологик тадқиқотларни
аҳоли ва меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва уларнинг иш билан бандлигини ва ишсизлигини меҳнат бозорининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш;
аҳолининг турмуш тарзи ва даромадларини меҳнат ҳақининг турли шакллари билан алоқадорлигини

*Инсон ва жамият тараљьиётида меќнатнинг роли.*




Меҳнат шароитида ижтимоий меҳнат муносабатларининг кўринишлари
Субъект бўйича:
1. ташкилотлараро (ташкилот-ташкилот)
2. ташкилот ичида, ички ишлаб чиқариш (ташкилот-шахсият, шахс-шахс)
Ҳуқуқий вакиллик ҳажми бўйича:
1. горизонтал муносабатлар
2. вертикал муносабатлар.
Иш фаолият бўйича:
1. функционал ишлаб чиқариш
2. касбий маҳорат
3. социал психологик
4. жамият ташкилотлари
Иш тартибида режаси бўйича:
1. формал, расмийлаштирилган
2. формал бўлмаган, расмийлаштирилмаган.
Мулоқот усули бўйича:
1. Шахсияциз восита
2. Шахсиятлар аро восита
Даромад тақсимланиши сифати бўйича:
1. меҳнатга қўйилган ҳақнинг тенглиги
2. меҳнатга қўйилган ҳақнинг нотенглиги

## VI- МАВЗУ. ЖАМИЯТНИНГ СОЦИАЛ СТУРКТУРАСИ ВА СТРАТИФИКАЦИОН ЖАРАЁНЛАР
## А) ИЖТИМОИЙ СТРАТИФИКАЦИЯ ВА ЁШЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ.

**Стратификация** (лот стратум - қатлам ва фацио – бажараман) - жамият тузилмаси, алоҳида қатламлари, ижтимоий табақаланиш белгилари тизими ва тенгсизликни ифода этувчи социологик тушунчадир.

**Стратификация масаласи бўйича иккита асосий назарий қараш социологияда бу масалани ривожланишига туртки берган**

**Карл Маркс (1818-1883)** Ишлаб чиқариш муносабатларига эгалик қилишга қараб синфларга ажратган. Капиталистлар ишчилар ёки пролетариат синфини доимо эксплуатация қилиб келган.

Аввалги формацияларда тўғридан-тўғри бўлган бўлса, капитализм даврида бирмунча ёпиқ ҳолда бўлган**.** Масалан, ишчи бир кунда 8 соат ишлаб, олган иш ҳақи 5 соатликни ташкил этган.

**Макс Вебер (1864-1920)** Карл Марс фикрларига қўшилган ҳолда, қуйидагиларни эътироф этади. Унинг фикрича, жамиятнинг табақаланишига яна шахснинг:

1) **устамонлиги ва квалификацияси** ҳам таъсир кўрсатади. Бу эса, унинг юқори маош олиши натижасида табақалашади. Масалан, олий маълумот олганлиги уни бошқарувчи бўлиб кўтарилишга ёрдам беради.

2) **статус (мавқе), партияга мансублик.**

**Жамиятнинг ижтимоий таркиби қуйидаги йўналишларда ўрганилади**

- **Ижтимоий, синфий, гуруҳлараро:** синфлар, ижтимоий табақалар, қатламлар.
- **Ижтимоий демографик:** ёшлар, ўрта ёшлар, қариялар, аёллар, эркаклар.
- **Ижтимоий етник**: миллатлар, халқлар, элатлар, етник гуруҳлар
- **Ижтимоий профессионлал:** касб корига қараб

**СОЦИАЛ МОБИЛЛИК**

- **Вертикал социал мобиллик**
- **Горизонтал социал мобиллик**

**<u>Социал стратификация</u>** - Социологлар социал ҳаракатчанликни страталарга (қатламларга) бўлинган жамиятнинг ўзига хос хусусияти деб биладилар ва уни горизонтал ҳамда вертикал ҳаракатчанликка ажратадилар.



**Горизонтал** Кишиларнинг айнан бир табақа ичидаги ҳаракати, масалан, иш жойи ёки турар жойини ўзгартириши горизонтал ҳаракатчанликни англатади.



**Вертикал** ҳаракатчанлик эса қуйи табақалардан юқори табақалар томон ва аксинча қилинган ҳаракатни билдиради.

# Ёшлар социологияси доирасида ёшлар ҳаётини илмий-социологик ўрганишнинг асосий йўналишлари

1. Ёшлар муаммосини ўрганишда тарихий ёндашиш лозимлиги. Ёшларнинг ижтимоий қарашлари, хулқи, қизиқиши ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этишда муайян тарихий давр, шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, баҳо бериш талаб қилинади. Масалан, ҳозирда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитида ёшларнинг ижтимоий қарашлари, қизиқишлари ва юзага келаётган муаммолар аввалги давр, ижтимоий-иқтисодий тузумдагига нисбатан ўзгариб, янгича мазмунга ва хусусиятларга эга бўлмоқда.

2. Ёшларнинг ўзига хос турмуш тарзини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Бунда ёшларнинг ижтимоий ҳолати, ҳаёт кечириш тарзи ва унинг ривожланишини назарий ва эмпирик жиҳатдан ўрганиш.

3. Ёш авлодни ҳар жиҳатдан ривожланиб боришини таҳлил қилиш. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитнинг, муҳитнинг ўзгариши оқибатида авлодлар ўртасида доимо муайян ривожланиш рўй беради. Шу сабабли, кекса авлод билан ёшлар ўртасида ўзаро зиддият вужудга келади. Кўпинча, ёшларнинг манфаат ва қизиқишлари, фаолияти, ташқи кўриниши (мода) кекса авлодда норозилик, эътироз туғдиради.

4. Ёшларга табақавий жиҳатдан ёндашиш. Бу методологик тамойил ёшларни турли табақалардан иборат гуруҳларга ажратиб ўрганишни билдиради.

Социокогияда ҳужжатлар – ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар ва социал объектлар тўғрисидаги ахборотларни ўзида қамраб олган манба ҳисобланади.

Қайд қикиш шартига кўра хужжат турлари

- Ёзма ҳужжатлар(матн шаклидаги)
- Статистик маълумотлар (рақам шаклидаги)
- Иконографик ҳужжатлар (кино, фото ҳужжатлар)
- Фонетик ҳужжатлар (аудио ёзувлар)

Турли матнлар, газета, журналлар, шартномалар матнлари, коммюнике ва бошқа шу кабилар асосида хулоса чиқариладиган социал ҳодисалар

- Сиёсий ҳолатлар
- Мафкуравий кўрсатмалар
- Социал институткарнинг амал қилиши ва бошқалар

Ҳужжатларни таҳлил қилиш усули (социологикнинг вазифаси – объектнинг таркиби ва моҳиятига кўра ўзаро муносабатларнинг характерини у вужудга келган тизимда аниқлашдан иборат)

Анъанавий (классик) таҳлил– социолог томонидан гужжатларнинг ... улда

Хусусиятлари

Ҳужжатларнинг формаллашган (миқдорий) таҳлил усули ёки контент – таҳлил – ҳужжатларнинг илмий, шунингдек, ОАВ даги таҳлили. Контент – таҳлилининг моҳияти ахборот кўламидаги фикрий бирликларни ҳисоблашдан иборат. (масалан, матн, аудио ёзув ва бошқа шу кабилар).

Контент таҳлилининг вужудга келиш эҳтиёжини туғдирувчи шарт-шароитлар

Таҳлилнинг юқори даражада аниқ ва объективлик заруряти

Катта хажмдаги тизимлаштирилмаган материал

Анкетадаги очиқ саволларга жавоблар устида ишлашда, агар бу категориялар тадқиқот учун муҳим бўлса ҳужжатларда тегишли қайдлар ...

Контент таҳлилнинг хусусияти – тадқиқ этилаётган объектниг мооҳиятини тушунтириш

Контент таҳлилга - атрофлича тайёргарлик, қоидалар тизимининг шаклланиши, матнни таҳлил қилишнинг математик дастури тайёрланиши тадқиқотнинг объективлигини таъминлайди.

Контент таҳлилнинг услубий, техник жиҳатларига доир саволлар.

- Вазифаларнинг қўйилиши
- Моҳият бирлиги ва категорияларнинг ажратилиши
- Грамматик қоидаларнинг ягона шаклга келтирилиши
- Олинган маълумотларнинг таққослилигини таъминлаш

**Анкеталар сифатини текшириш**

Социологик тадқиқотлар жараёнида олинган маълумотларни таҳлил қилиш тўлдирилган анкеталарнинг сифатини текширишдан бошланади.

Агар саволларнинг учдан бир қисмига жавоб берилган бўлса, у ҳолда анкета эҳМда қаута ишлашга берилмайди.

Агар респондент 10-15 % саволларга жавоб бермаган бўлса, у ҳолда анкета эҳмда қайта ишланади.

Бирламчи ахборотни қайта ишлаш. Қайта ишлашга берилган ҳужжатлар рақамлаштирилади. Очиқ саволлар кодлаштирилади. Код-шифрлар очиқ саволларга берилган жавоблар интенсивлигини акс еттиради. Кодлаштириш – сифатий ва миқдорий ахборотлар ўртасидаги боғловчи звено ҳисобланади. Бирламчи ахборотни қайта ишлашнинг моҳияти уни умумлаштиришда намаён бўлади. Бу умумлаштиришнинг номи социокогик ахборот деб аталади.

**Кодлаштириш босқичлари**

Жавоб вариантлари ёзилади

Ҳар бир вариантнинг такрорланиш тезлиги ҳисобланади

Вариантлар мазмунан яқинлигига кўра гуруҳлаштирилади

Шу гуруҳларнинг ҳар бирига шифр ва кодлар қўйилади

**Ўлчов шкаласи анкета ёки интервъю бланкасидаги савол ўлчов шкаласини англатади. Рақамлар бирлиги – жавоб вариантлари ҳисобланади. Маълум бир ўлчов бирлигини сўраётган кишининг объектив характерини намоён қилади. Ўлчов маълумотларни математик таҳлил қилишнинг турли қоидаларига мос келувчи шкала ёрдамида ўтказилади.**

Қўлланиладиган шкалалар турлари

Наминал шкала дихотомик жавобларни қайд етади. (масакан ха, -йўқ каби)

Даражавий шкала (тартиби) – саволларнинг сонига мос бўлади. Жавоб вариантлари – қатъий тартибда белгиларнинг ошиб бориши.

Оралиқ скала – ахборотнинг математик қайта ишлашини наъминлайди. Унинг ёрдамида сонлар билан ифодаланадиган (масалан, ёш, иш стажи ва бошқалар) хусусиятлар ўлчанади.

Гуруҳлаштириш – дастлабки ахборотни қайта ишлашнинг оддий шакли. Респондентлар танланган белгиларига (масалан, жинс бўйича белги) қараб гуруҳларга ажратилади.

Қўлланиладиган белгилар

Номинал белги (машғулот тури, миллати ва бошқалар)

Миқдорий белги (сонлар воситасида характерланадиган гуруҳлар. Масалан, ёшлар оралиғидаги гуруҳлаштириш: 18-20 ёш, 21-25 ёш ва бошқалар).

Даражавий шкалага тегишли (мос келувчи) бекгилар. (масалан, меҳнат ҳарактери; қўл, ақлий ва бошқалар)

Кесишувчан (комбинациялашган) гуруҳлаштириш респондентлар икки ёки ундан ортиқ белгиларига кўра фарқланганда амлга оширилади.

Кўринишлари

Таркибий кесишувчан гуруҳлаштириш – сўралаётганларнинг йиғиндисига тегишли бўлган белгиларига кўра таснифлаш.

Типологик гуруҳлаштириш – респондентларнинг типи ажратилади.

Таҳлилий гуруҳлаштириш – икки ва ундан ортиқ белгиларига кўра ўтказилади ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик аниқланади.



Тадқиқот объекти 500 кишидан ошиқ бўлганда танлаш усули (танлов) қўлланилади. Сўров бирлиги (инсон, кишилар гуруҳи) социал обеъктнинг муҳим белгиларини (жинс, таълим ва б.)
Танлов типлари
Механик танлов
Босқичлари
Гуруҳлар танлови (жамоа, аҳоли жойлашуви ва б.)
Саралаш бирлигини танлаш (ҳамма гуруҳлар учун типик бўлган элементлар)
Саралаш бирлиги орасида таҳлил бирликлари ҳам танланади. Бунда танлов қадами – танлаш оралиғига риоя қилинади
Давомли (сериялли) танлов
Босқичлари
Асосий умумлашма мавжуд белгилар бўйича бўлинади (жинс, касб-кор)
Асосий умумлашма бир турдаги қисмларга ,ўлинади
Ҳар бир қисмдан респондентлар танлаб олинади ва улар сони элементлар сонига пропорционал бўлиши керак.
Уяли танлов: тадқиқот бирлиги сифатида алоҳида респондентлар эмас, балки бутун гуруҳлар ёки жамоа танланади.
Мақсадли танлов
Усуллари
Стихияли танлов эсели- телетомошабинлар, газетхонва журналхонлар почта орқали сўров қилинади
Асосий кўпчилик усули- танлов рўҳатига тушган 60-70 % респондентлар аўров қилинади.
Квота танлов усули – жамоатчилик фикрини ўрганиш жараёнида қўлланилади.

# VII-МАВЗУ: СОЦИАЛ МУНОСАБАТЛАР

## А) ЖАМИЯТДАГИ ЎЗАРО ИЖТИМОИЙ АЛОҚАДОРЛИК ВА ИЖТИМОИЙ ТАШКИЛОТЛАР

## Б) ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР, ИЖТИМОИЙ МАВҚЕ, ИЖТИМОИЙ САНКЦИЯ ВА ИЖТИМОИЙ РОЛЬ ТУШУНЧАСИ

**Ижтимоий муносабатлар социологиясидаги муҳим йўналишлар**

Иқтисод ва тақсимот муносабатлари

Социал – синфий муносабатлар

Социал – демографик муносабатлар

Социал – этник муносабатлар

Социал – ҳудудий муносабатлар

## Ижтимоий муносабатлар турлари

**Бирдамлик. У социал жипслашувни билдирадиган** тушунча сифатида биринчи бўлиб О.Конт томонидан киритилган.

**Кооперация-** ижтимоий мулкка асосланган маъносини беради. Бутун жамият билан ишлаб чиқариш воситаларини гуруҳлар мулки қилиб бериш тушунилади. Агар ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк хусусиятига эга бўлса, «маъмурият» халқдан ажралиб қолади ва шу сабаб туфайли бюрократ бошқарувчилар ташкилоти вужудга келиши мумкин. Табиийки, бу жараёнлар натижасида ишчилар ўз меҳнатларидан манфаатдорликни ҳис қилмайдилар.

Е.Дюркгейм уни иккига: **механик ва органик** бирдамликка ажратади.

**Механик бирдамлик** – бу «жамоа туридаги» бирдамлик бўлиб, у ёки бу жамоадаги индивидларнинг ўхшашликлари билан белгиланади ва улар томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади.

Жамиятда ижтимоий меҳнатнинг тақсимланиши туфайли индивидлар махсус вазифаларни бажарадилар ва бу хислатлар сабабли жамият жонли организмни эслатади. Шу жамиятда вужудга келган янги турдаги бирдамликни Э.Дюркгейм **органик бирдамлик**, деб атайди.

## Бегоналашув муаммоси ва унинг асосий йўналишлари

**Иқтисодий-** жамиятда ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайса, хўжалик алоқалари узилса, пулнинг қадри тушиб кетиши ва ҳ.к.

**бегоналашув учта шаклга эга**:

**Фаолият бошқарувидан бегоналашиш**

**Фаолиятдан бегоналашув**

**Фаолият натижаларидан бегоналашиш**

**Ижтимоий-** инсонларнинг бир-бирлари билан муносабатлари, муаммоларини ҳал қилишда ҳамкорликсиз ҳатти-ҳаракати асосида келиб чиқади.

**Сиёсий-** сиёсий ҳокимият халқ ҳокимияти, умумхалқ ҳокимияти, деб эълон қилинган бўлсада, аслида у маълум бир гуруҳнинг - элитанинг хусусий мулкига айланди. Бунинг асосида эса бутун бир халқ давлат сиёсий ҳокимиятидан бегоналашди

**Руҳий бегоналашу**в – бу инсоннинг ўз моҳиятидан узоқлашишидир. Буни Эмих Фромм шундай таърифлаган, инсоннинг моҳиятан ўз-ўзидан бегоналашувининг ҳар бир даражасига маълум бир социал характер -дунёпарастлик, эксплуататорлик ва ҳ.к.

**Маданий** бегоналашув маънавий таназзулни келтириб чиқарди. Жамиятда соғлом муҳитни яратишда маънавият ва маданиятнинг ўрни ўзгача. Улар индивидларнинг баркамол бўлиб шаклланишларига катта таъсир кўрсатадилар. Агар жамият аъзолари ўз маънавиятлари, бой маданий меросларидан узоқлашиб кетиб, ундан бегоналашсалар, улар ўзларининг келиб чиқишларидан тортиб, то ўз миллатларининг миллий урф-одатлари, анъаналарини ҳам инкор қила бошлайдилар.




**Англияда кишилар маълумотини, ўқишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида печенъеларни ҳарфлар шаклида тайёрлашган. Натижада, одамлар танлаш орқали ҳарф таниб борганлар**

# Фан социологиясининг ўрганиш объекти

Ижтимоий жамоани ўрганиш орқали уни яхши назорат қилиш мумкин (Масалан АҚШда Техас мактаби)

Маданий қадриятларга аниқроқ муносабатда бўлишга ёрдам беради. Масалан рус немис халқлари қадриятлари

Сиёсий партияларнинг программаларини ўрганиб кутилган ва кутилмаган натижаларни билиш мумкин.

Ўзини – ўзи англашга ва индивид ўз яшаш тарзини ўзгартириши учун кенг имконият яратади.

1. **Глоболизацияга муносабатингиз?**
2. **Эсперансо тилига муносабатингиз**

**П А Р А Д О К С Л А Р   У С У Л И**

Ўқитувчи саволлар тизимини кетма-кет бериб тингловчиларнинг фикрларини ўрганади

Диагностика натижаларига кўра, маърузани олиб бориш жараёнида тингловчиларнинг қарама-қаршиликка (тушунчалардаги, билимлардаги) келишларини таъминлайди. Бундай вазият асосан тингловчининг тушунчаларидаги адашишлар ва хатоликлар билан боғлиқ. Демак, бу муаммовий вазият тингловчиларнинг олдинги фикр, тушунчалари ва хулосаларига қарама-қарши, парадоксал бўлган вазиятдир.

Тингловчилар муаммовий вазиятни юзага келтирган амаллардаги хатоликни излайдилар (лекин амалларда хотолик йўқ)

Ижодий фикрлай оладиган тингловчи амалларнинг бажарилиши жараёни эмас, балки мазкур амалнинг ўзи хато эканлигини аниқлай олади (бундай тингловчи топилмаса, ўқитувчининг ўзи буни ошкор қилишига тўғри келади).

**Парадокслар усулини қўллаш қоидалари**

- Тингловчилар билимларини фаоллаштириб олиш зарур.
- Тингловчилар парадокс объекти сифатида олинаётган жараён ҳақида ўз фикрларини (қайсики хато бўлган) тўғри деган хулосага келган бўлишлари керак.
- Тингловчилар муаммовий вазиятга ўзлари дуч келишлари керак ва тўғри деб билган нарсаларининг хато бўлиб чиққанидан тушунмовчиликда қолишлари (хайрон бўлишлари) керак. Бу ўта муҳим, чунки айнан шу сабаб улар актив фикрлай бошлайдилар, хатоликни топишга ҳаракат қиладилар.
- Парадоксни, қарама-қаршиликни қандайдир бир қийинчиликлар билан адаштирмаслик лозим.
- Парадокслар усули – бу аввалдан билганлари билан янги билимлар ўртасидаги кўприкдир. Шу тарзда янги билимнинг аввалдан маълум билим билан ўзаро боғланиши ва бу жараённи хис қилишга тингловчини «мажбур» қилиниши уни хотирада мустахкамланиб қолишига ёрдам беради.

# VIII-МАВЗУ: ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ

# А) МАҲАЛЛА ЎЗ- ЎЗИНИ БОШҚАРУВ СОЦИОЛОГИЯСИ.
# Б) ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ

**Маҳалла ва маҳаллий бошқарув социологияси 2 босқичда ўрганилади**

↓

**Маҳаллий ҳокимият органлари.**

Ўзбекистон Республикаси қонунининг 100-моддасига биноан маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

-Қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

-ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

-маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро етиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

-маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

-фуқаролик ҳолати актларини қайд етишни таъминлаш;

-норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш

↓

**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига биноан «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди».

1993-1994 йиллари Ўзбекистонда 13 мингдан ортиқ маҳалла қўмиталари тузилган.


Маҳаллалар ижтимоий ҳаётда қуйидаги вазифаларни бажаради
Оила муҳофазаси
ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик
Сиёсий фаолликни ошириш
Ижтимоий ҳимояда фаол иштирок етиш
Маънавият ва ижтимоий ҳуқуқни шакллантириш

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзини-ўзи бошқариш органларига берилган ҳуқуқий таъриф.**

«Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил етиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади».

**«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг (янги тахрири) 1-моддасида ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий тушунчаси таснифи.**

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланади, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустакил фаолиятидир.

## Маҳалла мақомини мустаҳкамлаш соҳасида қилинган ишлар.

1. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришишининг қонуний мақоми мустаҳкамланди.

2. Уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалгам оширилди.

3. Мамлакатда шаҳар, посёлка, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғини ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини олдилар.

4. 9642 та маҳаллалар мустақил ташкилот сифатидан қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў эътиборини қайтадан тиклаб олдилар.

## Маҳаллада олиб борилаётган икки йўналишдаги вазифалар.

| | |
|---|---|
| Биринчи йўналиш | Маънавий вазифа бўлиб, у халқимизнинг минг йиллар тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарини, қадриятларини қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат |
| Иккинчи йўналиш | Президент И.Каримовнинг маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш баробарида вилоят, туман, шахар ҳокимликлари зиммасига юкланган кўпчилик вазифа ва ҳуқуқларни ўз-ўзини бошқариш органларига бериб, улар мақомини кўтариб, шу тариқа жамиятимиз ҳаётини демократиялашда янги имкониятларга етишиш |

**“Маҳалла” жамғармасининг вазифаси қуйидаги йўналишларда бўлиши белгиланди.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

Маҳаллаларда маданий, маънавий-маърифий тарғибот ишкарини йўлга қўйиш

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат органлари ва нодавлат ташкилот билан бўлган муносабатларини такомиллаштириш

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро тажриба алмашишида кўмаклашиш

Уларнинг ваколатлари доирасида барча масалаларни ҳал етиш,молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш, услубий такомиллаштириш амалий ёрдам кўрсатиш.

**Жамоатчилик фикрининг уч хил ифодаланиши**

Махсус социологик тадқиқотлар яъни сўровлар пайтида жамоатчилик фикрининг аниқланиши.

Жамоатчилик фикрининг стихияли ифодаланиши.

Сиёсий институтлар ташаббусиг кўра, бирор-бир қонунни муҳокама қилиш ёки чора-тадбирлар (референдум, умумхалқ муҳокамаси ва бошқалар) ўтказиш жараёнида жамоатчилик фикрининг билдирилиши.

**Жамоатчилик фикрининг функсиялари**

**Директив**
Қарорлар қабул қилишда жамоатчиликнинг кенг иштироки.

**Консулътатив** – қарорларни ҳаётга тадбиқ етишда, ҳукм чиқаришда кенг жамоатчилик билан маслаҳатлашиш.

**Експрессив** (назорат) – яъни фавқулотда ҳодисаларнинг олдини олиш ва уларни бартараф етиш функсияси.

**Конструктив -** субъектларнинг ижтимоий муносабатларининг ва жараёнларни ўзига хос дастурлаштириш

**Регулятив**
(бошқарув) функсияси

**Баҳолаш**
функсияси.

**Позитив**
(ижобий) функсияси

**Нэгатив**
(салбий) функсия




## Г) СИЁСИЙ ҲАЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
| **Сиёсий ҳаёт социологияси предмети** | Сиёсатнинг ижтимоий жиҳатдан асосланиши, унинг ижтимоий шарт-шароитлари ва ижтимоий роли/ |
| **Сиёсий ҳаёт социологияси объекти** | Сиёсий гуруҳлар ва уюшмалар, сиёсий институте ва ташкилотлар, сиёсий маданият, сиёсий манфаатлар, сиёсий онг ва ҳоказо. |

Сиёсий ҳокимият институтлаштириш жараёнида шаклланади. У мавқе ва ролларнинг белгилаб берилиши билан характерланади. Булар асосида ҳуқуқий – меъёрий тизим шаклланиб, сиёсий ҳокимиятнинг аҳоли ва аҳолининг ҳукумат олдидаги вазифаси шаклланиб боради.




**Сиёсий ҳокимият меъёрий ҳолатни сақлаб туриш мақсадида санкция**

**механизмларини орқали амалга оширади**

**<u>Ижтимоий санкция</u>**
(санкция - лотинча қатъий қарор маъносини билдиради.)

**Жисмоний санкция**:
калтаклаш, озодликдан маҳрум етиш, ўлим жазоси ва бошқалар.

**Иқтисодий санкция:** мукофотлаш, моддий рағбатлантириш, жарима солиш ва бошқалар.

**Рамзий санкция**: ҳурмат билдириш, изза қилиш, хайфсан бериш.


**Функционал**– алоҳида ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган уларнинг гуруҳлари роли ва функцияларининг бирлиги
**Институтционал** – ҳар хил сиёсий институт ва ташкилотлар
**Куммуникатив** – сиёсат субъектларини ўзаро муносабатлари бирлиги
Сиёсий тизим элементлари
**Мафкуравий** – сиёсий ғоялар, назариялар ва концепцияларининг бирлиги
**Регулятив** – сиёсий тизим субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тартибга солишнинг сиёсий, ҳуқуқий норма ва бошқа маданий воситалари бирлиги

## Сиёсий тизим ва вазифалари

**Интеграция** – умумжамият манфаати йўлида бирлаштириш

**Тартибга солувчи –** ҳукумат ва сиёсатнинг умумжамият томонидан тан олиниши ва унинг ҳуқуқий асосининг яратилиши

**Мақсадни белгилаш–** жамиятнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш

**Назорат –** муаммоларни бартараф етиш ва жамиятнинг имкониятларини аниқлаш

**Ташкилий вазифа –** мақсад ва вазифаларни амалгам ошириш учун жамиятни, моддий масалаларни ва маънавий кучларни сафарбар етиш

# IX-МАВЗУ ЭМПИРИК СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ВА УНИНГ МЕТОДЛАРИ.

**А) СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИ.**
**Б) АНИҚ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.**
**В) СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УМУМЛАШТИРИШ**



## Интервю – респондент билан олдиндан режалаштирилган мақсадли сухбат

### Хусусиятлари

Интервю ўтказишда ресрондент учун қулай бўлган вақт танланади.

Интервю ўтказувчи (сўровчи) кишининг асосий вазифаси респондентнинг жавобларини максимал даражада холисона ва обйектив равишда қайд етиш ва сўров вақтида қулай муҳитни яратишдан иборат.

Интервю саволлари тўлиқ ва очиқ характерда бўлади: очиқ характер– тўла қайд етиладиган очиқ саволлар мажмуйи ҳисобланади; ёпиқ (стандартлашган) характер– бунда респондент кўпроқ ёпиқ саволлардан ташкил топган анкетага жавоб беради (масалан, аҳоли рўйҳати бўйича)

### Сўров ўтказиш даврида интервюерга тақиқланган ҳолатлар

Саволлар шаклини ўзгартириш

Саволларга жавоб беришга мажбурлаш

Анкетадаги саволлар тартибини ўзгартириш

Саволларни ўтказиб юбориш (агар олдиндан келишилмаган бўлса)

### Интервю турлари

Еркин интервю– одатга кўра, режалаштирилмаган ва олдиндан саволлар тузилмаган бўлиб, тадқиқотнинг бошланқъич босқичида ўтказилади.

Чуқур (атрофлича) интервю– маълум доирадаги саволлар бўйича жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Фўкуслашган (йўналтирилган) интервю– аниқ далиллар (воқеалар ҳолатлар) тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганади.

**Социологик тадқиқот усулларининг қўлланилиши тадқиқ**
**кўриниши, ўрни, вақт, шарт- шароити ва мақсадига боғлик**

**Кузатиш**– социологик тадқиқот усулларидан бири. Воқеалар содир бўлган шарт-шароитларни қайд етиш орқал
тўплашни айинглатади. Услуб табий фанлардан ўзлаштирган.

Кузатиш усуллари

Формал ва ноформал

Бевосита (социолог жараёнда иштирок етади) ва билвосита тадқиқотчи жараёнда аралашмайди;) бевосита кузатиш ошиқ ва ёпиқ бўлади.

Дала кузатишлари (табий шароитда ўтказилади) ва лаборотория кузатилади.

Аниқ, объйектив ахбо
қўлланиладиган на

Кузатиш орқасидан кузатиш

Ёзувларда баҳолаш терминларининг бўлмаслиги

**Эксперимент (тажриба) – бошқариладаган ва назорат қилинадига**
**ахборотни олишнинг умумилмий усули**

Тажриба усуллари

Табий тажриба – кичик гуруҳларда ўтказилиб, дала ва лабороория шаклида бўлади.

Фикрий (модел) тажриба – статистик таҳлил усуллари мавжуд бўлган ҳар бир социологик тадқиқитда учрай
ЭҲМ моделлаштиришда фикрий тажриба асосий ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**“ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ**

**“СОЦОЛОГИЯ”** фанидан ишчи ўқув дастурга доир мавзулар бўйича

# Г Л О С С А Р И Й

**АНДИЖОН - 2015**

Мустақилликка эришганимиздан кейин Республиканинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида социология фани ўқитила бошланди. Бу иш жамиятни демократик асосларда қайта қурилиши, такомиллашувининг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш йўлида муҳим қадам бўлди. Зеро, юртимизнинг миллий мустақил тараққиёт йўлига чиқиши, иқтисодиётни янги тамойиллар асосида бошқаришга ўтилиши, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг яратилиши, ҳуқуқий давлат ва демократик жамият асослари яратилаётганлиги ижтимоий фанлар ривожига алоҳида эътибор бериш заруриятини кун тартибига қуйди.

Президент **И.А.Каримов** ўзининг **“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”** асарида : “Биз истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилган, машхур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан-йилга илгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини исботламоқда, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Биринчи навбатда, иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устунлигини таъминлаш, кушли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар айниқса дунёда авж олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлигини яна бир бор кўрсатмоқда”[2] – дея алоҳида таъкидлаган. Шундай шароитда жамиятимизнинг турли соҳаларини атрофлича тадқиқ этиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, илмий асосланган социологик тахлил ҳамда хулосаларни илгари суриш иши муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан Социология фани ошкоралик, демократик фикрлар ранг-баранглигини ифодалашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Социология фанини ўқитишдан асосий мақсад жамиятдаги ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мазмун-моҳиятини талаба ёшлар томонидан англаб олишларига ёрдам беришдан иборатдир. Шунингдек, бу фан фақатгина ҳозирги кунда юз бераётган ижтимоий жараёнлар ахволига тўлақонли баҳо бериш билан чекланмасдан, ижтимоий холатларнинг истиқболий ўзгариш даражалари хусусида хам аниқ башоратлар ишлаб чиқади.

Социология фанини мукаммал ўрганишга киришган талаба ижтимоий тараққиёт қонунлари моҳиятини чуқурроқ тушунади, амалиётга назарий қуролланган холда кириша олади, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва уни истиқлол манфаатларига тўла сафарбар этиш юзасидан атрофлича билим ва кўникмаларга эга бўлади.

Талабалар фанни ўзлаштириш якунида социологияни ўқитишнинг мохияти ва ахамиятини англаб этишлари, ижтимоий воқелик, жараён, тараққиёт ва муносабатлар хақида етарли тушунчага эга бўлишлари, шахс, жамият, гурухлар, иқтисод ва бошқарув социологияси тўғрисида фикр юритишлари, фан ва таълим, маданият, ёшлар ва бўш вакт, жамоатчилик фикри ва махалла социологиясининг мазмун-мохиятини чуқурроқ англаб этишлари лозим.

Шу билан бирга, эмпирик (аниқ) социологик тадқиқотлар ўтказиш асосида олинган маълумотларни қайта ишлаб, тахлил қилиш орқали жамиятдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маиший муаммоларга тегишли бахо бера олишлари хамда уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида аниқ таклифлар қила олишлари лозим бўлади.

Ушбу фанни ўрганиш жамиятнинг барча сохаларидаги ижтимоий жараёнлар ва ўзгаришларга онгли муносабатда бўлиш, шахс, давлат, жамият манфаатларини уйғунлаштириш, ижтимоий масалаларни тўғри англаб этиш орқали жамиятга кўпроқ фойда келтиришни тақозо этади.

Ўз навбатида, Социология фанини ўрганиш ўқув режасидаги бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан узлуксиз боғлиқлик асосида олиб борилади.

«Социология» фани «Фалсафа», «Иқтисодий назария», «Ижтимоий психология», «Хуқуқшунослик», «Ахлоқшунослик», «Политология», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанлари билан ўзаро алоқадорликда ўрганилади.

Социология фанини ўрганиш жараёнида ўқитишнинг очиқ ва муаммоли маърузалар ўтказиш, давра сухбатини ташкил қилиш, қисқа анкета сўрови ўтказиш, долзарб, вазиятли масалаларни кенг ўрганиш, мультимедия ва слайдлар ёрдамида мавзуларни кенг ёритиш иши амалга оширилади, дарслар жамоавий асосда, кенг қамровли шаклда олиб борилади.

«Социология» фани бакалавриат йўналишидаги барча мутахассисликлар талабаларига 3 - курс, В семестрда ўтилади.

Бу фанга айрим ижтимоий - гуманитар хамда баъзи бир амалий фанларни қисман ўрганиб бўлингандан сўнг ўтилади.

«Социология» фанига ўқув режаси бўйича жами 74 соат ажратилган бўлиб, шундан 20 соатни маъруза, 22 соатни семинар машғулотлари хамда 32 соатни мустақил таълим ташкил қилади.

---

[2] Islom Karimov. Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O‘zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo‘llari va choralari. T., “O‘zbekiston”, 2009, 30-31-betlar.

## 1-МАВЗУ. СОЦИОЛОГИЯ ФАН СИФАТИДА

### А) СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ
### Б) ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

**СОЦИОЛОГИЯ –** жамиятнинг таркиби ва уни ташкил қилувчи элементлар(унсурлар), уларнинг амал қилиш шарт-шароитлари хамда бу таркибда содир бўладиган социал жараёнларни ўрганувчи фан.
Конт тарихни харакатлантирувчи куч инсоннинг онгидир деб хисоблайди. Унинг нуқтаи назарига қараганда, теологик рух, ахлоқий ва сиёсий ғояларни доимо хурмат қилиш учун зарурдир, яъни ахлоқ ва сиёсат тўғрисидаги саволлар диний онг, диний қадриятлар асосида ечилган.

Фан тараққиётининг метафизик босқичида жамиятдаги асосий бошқарув мавқеларини файласуфлар эгаллаб келганлар. Бу босқич 1300 йилдан 1800 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр фаннинг эмпирик кузатув маълумотларига мавжудотларнинг мохиятини мавхум тавсифлаши билан характерланади.

Позитив босқич 1800 йилдан бошланади. Бу босқич илм фан ва олимларнинг ижтимоий билим ва бошқарув назарияларининг уцувор мавқеини касб этувчи босқичдир.

Франтсуз олимининг хизмати шундаки, социология фани дацурлари ва методларини илмий изланишлар воситаси сифатида аниқлай олади. Контнинг фикрига кўра, социологиянинг предмети - бу ижтимоий ходисаларнинг мохиятидир. Жамият тўғрисидаги табиий фанлар методологиясига таяниши керак: олимлар кузатув, қиёслаш, тарихий, генетик методларни куллай билиши лозим. Ушбу методлар ичида тарихий ва киёсий методлар кенг тарқалган. Кузатув ва эксперимент методлари эса ХХ асрга келиб қўлланила бошланди.

Контнинг жамият тараққиётини мувофиклаштириш ва уни барқарорлаштириш муаммоларига багишланган фикрлари катта аҳамиятга эга. Унинг фикрича, жамиятдаги ўзаро мослик сиёсий, иқтисодий, маънавий, биологик қонуниятларга боғлиқ бўлиб, турли ижтимоий тузимлар бирлиги ва улар ўртасидаги мувофиклик хисобига эришилади. Фан эса, жамиятнинг ҳамма сохалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни зарурий меъёрларини белгилаб беради.

Контнинг таъкидлашича, жамиятдаги ижтимоий мувофиклик-бу шахслар ва ижтимоий қатламлар манфаатларининг бир-бирига мослигидир. Континг жамиятни яхлит организм сифатида тушуниши, мехнатнинг ижтимоий адолат асосида тақсимланиши, ижтимоий барқарорлик шартлари ва омиллари, турли гурух ва қатламлар манфаатларнни мослаштиришда давлат ва шахсларнинг ўрни тўғрисидаги фикрлари бугунги кунда ҳам мухимдир.

Контниг қарашларини инглиз олими-Герберт Спенсер (1820-1903) асарларида ўз ривожини топди. Спенсернинг 1862-1896 йилларда чоп этилган

«Асосий манбалар» (1862), «Биологиянинг яратилиши (1864-67), «Психологияни яратилиши» (1870-72),социологиянинг яратилиши»(1876-96), «Социология тадқиқот предмети сифатида», «Етиканинг яратилиши» (1870-73) китоблари социология тарихида мухим ўрин тутади.

Спенсер Конт изидан бориб, социология фанига ўзгариб турувчанлик ва «бир маромдаги» эволютсионизм ғоясини киритди. Эволютсия - бу оддий нарса ва кучларнинг оддий кўпайиши ёки камайишига олиб келувчи, хақиқий рақамни, сакраш ва танаффуслар кетма-кетлигидан махрум бўлган жараёндир. Спенсер тақидалашича, ицалган тизимнинг амал қилиш тарзи, ижтимоий организмнинг меъёрий холати мувозанатидан иборатдир.

Спенсернинг фикрига кўра, ицалган объектнинг эволютсияси алоқасизликдан-алоқадорликка, бир тоифаликдан хар хил тоифаликка, ноаниқликдан-аниқликка бўлган даврни ўз ичига олади. Мувозанатнинг бузилиши асносида янги эволютсион жараёнга ўтувчи инқироз бошланади. Ҳамма воқеа ва ходисалар мана шу инқироз ва тараққиёт сикли орқали юз беради.

Ана шулардан келиб чиққан холда Спенсер синфий кураш ва эволютсияни мувозанатдан оғиш ёки ижтимоий организмнинг касаллиги деб эълон қилди.

Спенсер фикри бўйича, социологиянинг вазифаси—бу алохида шахсларнинг хохиш ва интилишлари, уларнинг индивидуал жиҳатлари ва субъектив фикр уйларига қарамасдан амалга ошувчи эвалютсион жараёнларнинг умумий қонуниятларини очиб берувчи, ижтимоий мавжудликдир, омилларни ўрганишдан иборатдир.

Спенсер социологиянинг мухим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини хис этган холда ижтимоий билимнинг объектив мураккабликларини алохида қайд этади. Социологик далилларни кўплаб маълумотларни ўзаро қиёслаш йўли билан ўрганиш мумкин. Спенсер учун ижтимоий далиллар-бу эволютсион жараёнларни намоён қиладиган мавжудликлардир;

Спенсер XIX аср социологиянинг ичида биринчи бўлиб ижтимоий тузим, ижтимоий институт, ижтимоий назорат терминларини киритди. Ижтимоий инситутлар инсонни жамоавий харакатга киришга оладиган ижтимоий мавжудотга айланишини таъминлайди.

Спенсер ижтимоий тараққиёт таъсири оцида институтларни бир неча турга бўлади.

оила эволютсияси босқичларини ишлаб чиқувчи,

оилавий муносабатлар ўзгаришини тадқиқ этувчи институтлар;

урф-одат, анъана, ахлоқ орқали инсонларнинг кундалик

харакатини бошқаришга йўналтирилган институтлар;

жамият ҳамжиҳатлиги ва эътиқодий бирлигига таъсир этувчи диний институтлар;

мехнат тақсимланиши асосида келиб чиқувчи касб-хунар институтлари.

Спенсер жамият эволютсиясининг икки кутби деб, жамият тузилишининг харбий ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ типларини тан олган. Чунки,

эволютсия биринчидан иккинчисига ўтиш йўналишида кечмоқда. ғарб социологларидан биринчи бўлиб, Г.А.Спенсернинг ижтимоий жараён ва борлиқ хақидаги ғояларни ўрганишга Полшалик социалог ва юриц Людвиг Гумплович киришган эди.

Гумплович социология тамойилини тушунтириш омили сифатида Спенсер томонидан асосланган биологик тушунчаларга қарши чиқди. Унинг таъкидлашича, социологияда биологик тушунчалар хеч қандай аҳамиятга эга эмас, улар фақатгина қиёслаш учунгина хизмат қилиши мумкин, ижтимоий воқелик хусусида эса билим бера олмайди.

Гумплович социология объекти сифатида ижтимоий гурухларни олиб, воқеликни ўрганишга багишланган тадқиқот предмети сифатида, абадий ва ўзгармас қонунларга буйсунувчи ижтимоий гурухлар харакати тизимини қабул қилишни таклиф этади.

Авцриялик психолог ва социолог Зигмунд Фрейд фанда психологик назарияни ишлаб чиқиш билан ижтимоий жараёнларни англашнинг илгари инсоният тажрибасида бўлмаган йўлини асослаб берди. Унинг таъкидлашича, инсон рухиятининг онг билан бошқарилмайдиган қисмида интерактив даъватлар (хохиш-ицаклар) ҳамда хотирадан чиқарилган фикр ғоялар мужассамланган бўлиб, бу қисм билан идора этилиши онг ўртасида онг олди майдони (бу майдончада идрок, тафаккур, хотира, англанган ўзлик) жойлашгандир.

Онг олди майдончаси бошқарилмайдиган сохадаги турли хил даъватлар, хохиш ицакларни онгнинг идрок этилувчи қисмига ўтказишга монелик қилиб туради ва ўзига хос сензор вазифасини ўтаб боради. Фрейднинг нуқтаи назарига кўра, англанмаган ицаклар ҳамда прогрессив даъватлар билан шахснинг маданий даражаси ўртасида доимий қарама-қаршилик юз бериб туради. Маданият, унинг фикрича, англанмаган онг ицакларидан воз кечиш асосида юзага келади.

Фрейд ижтимоий жараёнлар ва жамолар мохиятини очишда ҳам либидо (хохиш, ицак, рохатбахш нарсаларга мойиллик) тўғрисидаги таълимотни ёклаб чиқди. У ижтимоий гурухлардаги лидерларнинг ўрнини тадқиқ этиб, одамлар муайян рахбарлар атрофида хиссий майллар, эмотсионал хохиш-ицаклар негизида уюшадилар, деб хисоблайди.

Фрейд дин ва диний эътиқодларни жамоада кузатиладиган невроздан бошқа нарса эмас, деб хисоблайди. Чунки инсон онги ўзидан олдинги аждодлар бошидан утказган тарихий воқеаларни рамзлар орқали ифодалаб беради.

Неврозларга хос берилувчанлик ва таъсирланувчанлик асосида одамларнинг турли диний расм - русумларга амал қилишлари, уларнинг мохиятини чуқур англаб етмасликлари. Фрейд томонидан динни «Коллектив невроз» деб аташга асос бўлган.

Умуман олганда, Фрейд фикри инсонни ўз–ўзини онгли идора қилиш, хар бир меъёрга қатъий риоя қилиш, ақл ва инцинкт бахсида тўғри йўл танлашга, ундаши билан ўзининг ижтимоий қийматини йўқотмаган.

ХИХ аср социологик назариялари ривожи социологиянинг ҳамма тан олган универсал ижтимоий фанга айланишига шароит яратиб берди. Бу

имкониятларнинг яратилиши В. Порето, Ф. Тейнис, Э. Дюркгейм, М. Вебер, П. Сорокин ва бошқа социологлар ижоди билан боғлиқ.

XX аср бошларидаги Италиянинг энг кўзга кўринган назариётчиси Вилфредо Порето (1848-1923) эди. Унинг асосий иши хисобланмиш «Умумий социология тартиби» кейинчалик ғарб социологиясининг классик ижоди намунаси, деб тан олинган.

Порето хақиқийлик, ишончлилик ва илмий-емпирик тузилиши жараёнларини ишлаб чиқишга интилган. Умуман, у Ижтимоий фанларнинг барчаси позитивизм ғояларига таянади, деб, социологияни хуқуқ, иқтисод, дин тарихи ва бошқа ижтимоий фанларнинг синтези деб хисобланар эди.

Порето томонидан ишлаб чиқилган позитив ёндашув контсепсиясини ўзининг мохиятига кўра методологик хусусиятига эга бўлиб, битта мақсадга, яъни ижтимоий назарий тадқиқотларни мафкуравий мохиятдан озод қилишга қаратилган эди.

Поретонинг социологик тизимида элиталар назарияси мухим ўрин тутади. Жамиятнинг социологик тузилишини у иккита катта гурухга бўлади: ўқимишли одамлардан иборат элита ҳамда хиссиётлар ва иккиланишлар билан яшовчи бошқариладиган омма-қуйи қатлам.

Порето фикри бўйича, сиёсий жараён элитанииг хокимият тепасига келиши билан шартланган бўлиб, улардан биттаси жамиятни бошқарилувчилик имкониятларини йўқотса, унинг ўрнини бошқаси эгаллайди. Поретонинг айтишича, элитанинг ўрин алмашиш тартиботи ицалган жамиятнинг универсал қонуниятларидан хисобланади. Сиёсий элиталарнинг яшаш имкониятларига, ижтимоий бошқариш хуқуқини берувчи сиёсий тузимга, жамиятнинг нечоғли очиқлигига, боғлиқдир. Бошқарувчи синф жамиятнинг вертикал мойиллигига таяниб, ўзини жамиятдаги бўзилишлар-дегларатсиядан сақлаган холда, инқилобларнинг олдини олади ва доимий равишда янгиланиб боради.

ХИХ аср охирларида социологиядаги позитив оқимлар ижтимоий хаётни тушунтиришда қийинчиликларга учрай бошлади. Жамиятдаги ижтимоий борликни билишда табиийлик-натурализм тамойиллари ва табиий-илмий методларни қўллашни ман қилишга интилишлар кучайиб кетди.

Позитив социологияга қарама-қарши ўлароқ антипозитивицик йўналишдаги социология кўпроқ Германияда кенг тарқалди. Социологиянинг расмий мактаби намоёндаларига В. Дилтей, Г. Зиммел, Ф. Теннис киради.

Кўзга кўринган немис файласуфи, психолог ва социолог В.Делтей (1833-1911) фикрига кўра, табиий фанлар табиий жараёнларнинг бориши ҳамда унинг инсон холатига қандай таъсир қилишини кузатиб боради, ижтимоий гуманитар фанлар эса инсонинг эркин фаолияти, жамоавий ишларини ўрганади.

У асосий эътиборни рух тўғрисидаги фан назарий муаммоларини ишлаб чиқишга каратди. Бу йўналишда Дилтей илмий фаолиятининг натижаларидан бири «тушунувчи психология» ва «тушунувчи социология» нинг яратилишидир. Унинг таъкидлашича, «тушуниш» социологиясини асосий вазифаси, одамларнинг ўтган давр одамлари хаётини хис қилиш ва шу орқали хаётлар мобайнида хали амалга оширилмаган фаолиятлар кирраларини топишдан иборат.

Дилтейнинг фалсафий ва социолог ижоди махсули бўлган ижтимоий мавжудликлар, жараёнларни билиш, уларни тушуниш имкониятлари, вазифалари ва мақсадлари тўғрисидаги қарашлари кейинги давр социологлари учун тадқиқот манбаи сифатида хизмат қилди.

Немис социология жамиятнинг биринчи президенти Фрединант Теннисни Социологиянинг формал-аналитик мактаби асосчиларидан бири дейиш мумкин. Теннисniнг назарий социологияси асосини қарама-қарши мохиятга эга иккита ечимли-«жамоа» ва «жамият»ни ташкил қилади. Теннис фикрича, тарихий жараён қарама - қарши қарашлардаги одамларнинг-жамоа ва жамиятдаги биргаликдаги хаётидан иборатдир.

Бу иккита қарама-қарши ижтимоий алоқаларнинг асосий манбаи сифатида инсон эрки майдонга чиқади. «Жамоа» га инсонлар ўзларининг табиий эрклари асосида, «жамият» га эса ратсионал эрк асосида бирлашадилар.
«Жамоа» даги инсонлараро муносабатлар табиийлиги, осойишталиги ва маромийлиги билан ажралиб турадн. «Жамоа» нинг бу жиҳатлари оилавий - қариндошчилик муносабатларида, қўшничилик ва дўцлик муносабатларида, урф- одат, анъана ва дин орқали амалга ошади.

«Жамият» туридаги муносабатлар турли кўринишдаги шартномалар, савдо муносабатлари ва бошқа холатларда намоён бўлади. Жамиятдаги алоқалар фақатгина одамлар орасидаги муносабат эмас, балки турли гурухлар ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар ҳамдир.

Социология тарихида Георг Зиммел (1858-1918) ғояларининг М. Вебер ва Э. Дюркгейм ғоялари каби XX аср социологияси ривожида ўзига хос ўрни бор.
Зиммел, ўзининг фалсафий ва социологик ижодини ижтимоий муносабатлар типологиясини, аналитик ва формал социологияни ривожлантирувчи анъаналар тахлилига багишланади.
Агар Зиммел томонидан асосланган ижтимоий хаёт шаклларини классификатсия қилишга ўринсак, унда уларни қуйидагича ажратиш мумкин:
ижтимоий жараён; 2) ижтимоий тур; 3) ривожланиш модели.

Зиммел шаҳарлар демографияси, дин ва эътиқодлар, билиш ва бошқаларни социологик тахлил қилиш учун кўпгина қимматли ғояларни илгари сурди. Зиммелнинг ғоялари замонавий Социологиядаги маданий танкидий анъаналарнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди.

Французуз социологи Э. Дюркгейм (1858-19171 ҳам Контга ўхшаб социология табиий фан методлари асосида иш тўтиш керак, деб хисоблайди. У ижтимоий фактлар таркибига жамоавий қарашлар, ахлоқий хаётнинг хар хил мавжудликлари, анъаналар, урф-одатлар, расм-русумларини киритган. Дюркгеймнинг фикрича. «ижтимоий хақикатга объектив ёндашишни таъминлаб берувчи асосий қоида ижтимоий фактларга нарса сифатида қаралишидир».

Дюркгейм қарашлари асосини «социологизм» ғояси ташкил этади. Французуз социологи одамлараро ишончнинг мухимлигини таъкидлаб, кишилар ягона умумий ғоя атрофида бирлашишлари лозимлигини эътироф этади.
Е. Дюркгеймнинг «ижтимоий мехнатнинг тақсимланиши тўғрисида» деб номланган асосий иши бевосита «ҳамжиҳатлик» муаммосини ўрганишга

бағишлашган. У социологиянинг асосий вазифаси ижтимоий интегратсияни таъминловчи ижтимоий алоқа ва механизмлар табиатини аниқлашдир, деб билади. Дюркгейм жамият эволютсиясини ўрганиб, ижтимоий алоқаларнинг икки асосий турини ажратади: «механик ҳамжиҳатлик» ва «органик ҳамжиҳатлик».

Биринчи турида архаик жамият алохида индивидларни ўзига бутунлай бўйсундирмоқчи бўлади. Бунда ижтимоий ҳамжиҳатлик инсон ахлоқини қаттиқ назорат қилувчи диний ишонч, урф-одат, анъаналар орқали ижтимоий онга сингдирилади. Органик ҳамжиҳатлик бўлган замонавий ижтимоий алоқаларда умуман бошқа нарса кузатилади. Бу ерда ижтимоий бирлашув индивидларнинг иқтисодий ўзаро алоқалари ва мехнат тақсимоти орқали таъминланади. Дюркгейм нуқтаи назарича, ХИХ аср капитализмига хос зиддиятлар мехнатнинг ижтимоий тақсимланиши ва турли ижтимоий салбий оқибатларни бартараф этилган тақдирда ўз-ўзидан хал бўлади.

Буюк немис мутафаккири М.Вебер томонидан илгари сурилган билимлар, ғоялар, методологик ёндашув, билиш назарияси, идеал типлар ғояси, маданият, этика, дин социологияси хақидаги қарашлари илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Унинг фикрича, социология ижтимоий тарихий фаолиятларнинг субъектив сохаларини хисобга олиш, воқеликни илмий методология талабларига мос равишда объектив ва эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш имкониятларини юзага чиқариш мумкин. Социология, Вебер таъкидлашича. ижтимоий фанлар орасида шундай ўрин тутиши лозимки, унинг асосий вазифаси–инсоннинг ижтимоий хулқи мохияти ва аҳамиятини тушуниш, жамият ривожига сабаб бўлган қонунлар ечимини кўрсатиб беришдан иборат бўлади. Инсон хулқини талқин қилиш методига Макс Вебер томонидан қанчалик катта аҳамият берилганлигига қараб унинг социологиясини кўпинча тушунувчи ёки «интерпретатив» социология деб ҳам аташади.

М. Вебер ижтимоий харакатлар ёки хулқнинг 4 та асосий турини ажратади:
маблағ топишни мақсад қилган харакатлар-оқилона (ратсионал) мақсадли;
муайян қадриятлар таъсирида (диний, ахлоқий ва бошқа) содир
тилувчи харакатлар - оқилона (ратсионал);
3) одамларнинг иммутсионал реактсиясига асосланган эффектив харакатлар;
4) анъана ва урф - одатларга қаратилган анъанавий харакатлар.

Вебер сиёсий социология ривожига катта хисса қўшган. Ўзининг ижтимоий харакат назариясига таянган холда, у хукмронликнинг 3 турини – дохийнинг эффектив харакатига кўр-кўурона ишончига асосланган харизматик, анъанавий ҳамда мақсадга йўналтирилган ратсионал турларни тадқиқ этади. У Европа капитализми шароитида хукмрон бўлган ратсионал – бюрократик (расмий-хуқуқий) давлат моделининг жамиятга кучсиз таъсирини хаққоний тарзда кўрсатган. Вебер бу холатдан чиқиб кетиш йўлини бюрократик давлат аппаратини халқ оммасига эхтиёжларига йўналтира оладиган, умумхалқ

сайлови орқали сайланадиган сиёсий лидер (президент) ни жорий этиш имкониятларини берувчи демократиянинг ривожида кўрган.

2 - Мавзу бўйича таянч атамалар.

Конт Огюц (1798-1857) - позитивизм ва позитив социология асосчиси. «Позитив фалсафа курси» (6 том), «Позитив сиёсат тизими» (4 том) асарларини ёзган.
Ижгимоий цатицика - жамиятда турғун бўлган тузилмалар.
Ижтимоий динамика - ижтимоий ўзгарувчанлик жараёни.
Герберт Спенсер (1820-1903) - инглиз олими. «Асосий манбалар» (1862), «Биологиянинг яратилиши» (1864-67), «Психологиянинг яратилиши» (1870-72), «Социологиянинг яратилиши» (1876-96), «Етиканинг яратилиши» (1870-73) китобларини ёзган.
Людвиг Гумплович - поляк олими. Ижтимоий жараён ва борлиқ хақидаги Спенсерннинг ғояларини ўрганган.
Зигмунд Фрейд – авцрялик психолог ва социолог.
Психология назарияни ишлаб чиқиш билан ижтимоий жараёнларни англашнинг илгари инсоният тажрибасида бўлмаган йўлини асослаб берган.
Вилфредо Порето (848-1923) - италиялик назариётчи. «Умумий социология тартиби» асарини ёзган. ғарб социологиясининг классик ижоди намунаси, деб тан олинган.
В. Дилтейн (1833-1911) - немис файласуфи, психолог, социолог. Рух тўғрисидаги фан назариясини муаммоларини ўрганди. Илмий фаолиятининг натижалари «тушунувчан психология» ва «тушунувчан социология» дир.

Умумий саволлар.
Француз файласуфи О. Контнинг социологик фикрлар ривожида ўрни қандай?
Спенсернинг «бир маромдаги» эволютсионизм ғояси хақида нималар биласиз?
З. Фрейд ва унинг социологик ғоялари хақида гапиринг.
В. Порето ва унинг социологик ғоялари хақида гапиринг.

Ф. Теннис ва унинг инсон эрки, «жамоа» тўғрисидаги ғоялари.
Е. Дюркгейм ва унинг «социологизм » ғояси.
М. Вебернинг социологик қарашлари.
Георг Зиммелнинг социологик қарашлари.
В. Дилтейн ва унинг «тушунувчан социологияси» мохияти.
Людвиг Гумплович ва унинг социологик қарашлари.

1 - схема

2 - схема

3 - схема

4 – схема

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР.

КАРИМОВ.И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги о’з куч – кудратимизга, халкимизнинг ҳамжихатлиги ва бо’линмас иродасига бог’лиқ. Т.: «О’збекицон»,2004 йил.
КАРИМОВ.И.А. Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатидан улуг’ мақсад юк. Т.: «О’збекицон»,2001 йил.

КАРИМОВ. И.А.Ўзбекицон XXИ асрга интилмокда.Т.:«Ўзбекицон»,2000 йил.
КАРИМОВ.И.А Ўзбекицон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекицон», 1998 йил.
КАРИМОВ.И.А Ўзбекицоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. (Асарлар тўплами) 3-жилд. Т.: «Ўзбекицон», 1996 йил.
КАРИМОВ.И.А Ма'навий юксалиш ё'лида. Т.: «Ўзбекицон», 1998 йил.
КАРИМОВ.И.А Ўзбекицон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ё'лида. Т.: «Ўзбекицон», 1995 йил.
КАРИМОВ.И.А Ўзбекицон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «Озбекицон», 1996 йил.
КАРИМОВ.И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт пировард максадимиз. Т.: «Ўзбекицон», 2000 йил.
КАРИМОВ.И.А Миллий истиқлол мафкураси-халқ э'тиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: «Ўзбекицон», 2000 йил.
КАРИМОВ.И.А Баркамол авлод орзуси. Тошкент «Шарк» 1999 йил
КАРИМОВ.И.А Ватан саждагох каби мукаддасдир. Т.: «Ўзбекицон», 1996 йил.
КАРИМОВ.И.А Баркамол авлод Ўзбекицон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Ўзбекицон», 1997 йил.
КАРИМОВ.И.А Тарихий хотирасиз келажак юк. Т.: «Ўзбекицон», 1998 йил.
АЛИ+ОРИЙЕВ. Н.С. ва б. Ўмимий социология. Тошкент, ТОШДУ 1999 йил.
БЕГМАТОВ. А.С. Социологияга кириш. Андижон 1995 йил.
БЕКМУРОДОВ. М. Социология асослари. Тошкент «Фан»1994 йил.
БЕКМУРОДОВ. М.Узбекицонда жамоатчилик фикри. Тошкент «Фан» 1999 йил.
БЕКМУРОДОВ. М.Б. Социология. Тошкент «А.Кодирий номидаги халк мероси» нашриёти-2002 йил.
БЕКМУРОДОВ. М.Б. Социология (ма'рузалар манти). Тошкент-2000 йил.
БЕКМУРОДОВ. М, О.Отамирзаев, Н.Аликориев ва б. Социология. Тошкент 2000 йил.
ДОЛКАРТ. Социология. Тошкент 1994 йил.
ЖЎРАЙЕВ Н. Тарих фалсафаси. Тошкент «Ма'навият»1999 йил.
ЖЎРАЙЕВ. Х, Н. Янги Ўзбекицоннинг 7 зафарли йили. Т.1999 йил.
ГОФУРОВ, В.М.КАРИМОВА. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт.
ИБРОХИМОВ. А. Ватан туйг'уси. Т.Ўзбекицон 1996йил.
КАРИМОВА. В.М. Ижтимоий психология асослари. Тош. 1994 йил.
ОТСОНОВ. С. Феврал вокеалари. 1999 йил
ПЕРСОНАЛНИ БОШ+АРИШ. Муаллифлар жамоаси. Т.Шарк нашриёти. 1998 йил.
СОЦИОЛОГИЯ ма'рузалар матни. Муаллифлар жамоаси. Тошкент. 2000 йил.
СОЦИОЛОГИЯ дарслик. Муаллифлар жамоаси. Тошкент 2002 йил.
СУЛТОНОВ. Х, Н.ЖЎРАЙЕВ. Янги Ўзбекицоннинг 7 зафарли йили. Т.1999 йил.
ТОШЕНКО. В. Социология. Москва 1994 йил.
ХОЛБЕКОВ. А. Социология (лугат) Тошкент 1999 йил.

ХОЛБЕКОВ. А. Шарк ва Гарб мутафаккирларининг социологик та’лимоти.
ХАЙРУЛЛАЙЕВ. М. Буюк сиймолар, алломалар. (1-2-3-китоблар) 1995 -1997
ЮНУСОВ. К. Социология. Андижон 1997 йил.
ФАРОБИЙ. Фозил одамлар шахри. Тошкент 1993 йил.

3- Мавзу: Маънавий ҳаёт социологияси (4-соат)
Режа:
1. Ижтимоий муносабатлар социологияси.
2. Миллий мафкура - ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисми.
3. Фан социологияси.
4. Фан ва таълим социологиясининг илмий тизимда ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни.

Ижтимоий бирдамлик тушунчаси ижтимоий муносабатлар тизимида мухим ўрин тутади. Чунки бирдамлик - бу кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб у ижтимоий хаётда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини хал қилишдаги ҳамкорлигининг кўринишидир. Шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, социология фанига жипслашувини билдирадиган тушунча сифатида бу терминни О. Конт киритган эди.

Бу муаммога кўпгина мутафаккирлар ўзларининг эътиборларини каратган. Айниқса Э.Дюркгейм, Г.Спенсерлар бу муаммони чуқур тахлил қилганлар. Лекин улар ўз тадқиқотларини турли хил йўналишларда олиб бордилар. Э.Дюркгеймнинг фикрича, ижтимоий бирдамлик бу ахлоқий тамойил ва олий универсал қадрият бўлиб, у жамиятнинг хар бир аъзоси томонидан тан олинади. О.Конт ва Г.Спенсерларнинг тадқиқотларида ижтимоий ҳамжиҳатликнинг асосини иқтисодий манфаатлар ташкил қилиши марказий ўрин эгаллайди. Г.Спенсер ўзининг бирдамлик таъминотида мажбурий ва кунгилли ҳамжиҳатликни кўрсатади. Унинг фикрича, кишилик жамияти ўзининг ривожланиш йўлида икки даврга - харбий ва саноат даврларига бўлинади. Харбий турдаги жамият иерархик тартиби кучли марказлашган тартиби билан характерланади. Саноат турдаги жамият эса осойишта ижтимоий ҳамкорликнинг эркин шақлларини ифода этади. Муаммони худди иккита жиҳатга ажратиб тахлил қилиш Э.Дюркгеймнинг ҳам илмий фаолиятида қуриш мумкин. Юқорида эътироф қилингандек, у ўз таълимотида ҳамжиҳатликнинг механик органик турларини ажратади. Ривожланмаган эски жамиятларда хукмронлик қиладиган бирдамликни Дюркгейм механик бирдамлик деб атайди.

Механик бирдамлик - бу "жамоа туридаги" бирдамлик бўлиб, у бу жамоадаги индивидларнинг ухшашликлари билан белгиланади ва улар томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади. ғарбнинг кўпгина олимлари ижтимоий мулкка асосланган кооператсиянинг сермахсуллигини инкор этиб келадилар. Уларнинг фикрича, бутун жамият билан ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг иложи йўқдир. Шунинг учун уларни, яъни бу

воситаларни гурухларни мулки қилиб беришни таклиф қиладилар. Агар ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк хусусиятига эга бўлса, "маъмурият" халқдан ажралиб қолади ва шу сабабли бюрократик бошқарувчилар ташкилоти вужудга келиши мумкин. Ўз-ўзидан табиийки, бу жараёнлар туфайли ишчилари ўзларининг мехнатларида шахсий манфаатдорликни хис қилмайдилар.

Мазкур тахминларнинг аксарияти ижтимоий хаётнинг кўплаб сохаларида ўз нисбатини топди. Айниқса, муцамлакачилик даврида бизнинг сохта бирдамлилик асосида коопоратсиялаштириш кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Мехнатнинг ижтимоий тақсимоти ва коопоратсия ниқоби остида бизнинг худуд хом-ашё етиштирадиган республикага айланди. Жамиятимизда туб маънода бирлашма жараёни фаолият кўрсатмади. Бунинг натижасида мамлакатимиз аграр республика мақомига эга бўлди. Мана шунга шукурлар бўлсинким, ўзимизнинг миллий давлатчилигимизга эга бўлдик. Мамлакатимиз ривожланган, кучли ва кудратли бўлиши учун жамиятимиз хаётининг барча сохаларида барқарорликка эга бўлиши лозим. Бунинг учун миллий қадриятлар асосида шаклланган бирдамлик туйғулари билан уйғунлашган инсонларнинг ўзаро ҳамкорлиги ўта мухим маъно касб этади.

Бегоналашув муаммоси - социология фанининг мухим масалаларидан хисобланиб, уни бир қатор таниқли социологлар ўз тадқиқотларида ўрганганлар. Замонавий жамият хаётида қуйидаги бегоналашув турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1) Иқтисодий. 2) Сиёсий 3) Маданий 4) Ижтимоий 5) Психологик .

Ушбу бегоналашув турлари ўзларининг маълум бир шақлларига эгадирлар. Масалан, иқтисодий бегоналашув учта шақлга эга:

Фаолиятдан бегоналашув .

Фаолият бошқарувидан бегоналашув

3.Фаолият натижаларидан бегоналашув

Сиёсий бегоналашув-сиёсий хоқимиятдан бегоналашув; маданий бегоналашув-маънавиятдан ва маданиятдан; ижтимоий бегоналашув-мулоқотдан инсонларнинг бир-биридан; психологик бегоналашув ўз-ўзидан бегоналашувдан иборат бўлади.

Бегоналашув жараёни ва таназзул бир-бириларига боғлиқ ходисалардир. Агар жамиятда ишлаб чиқариш суъатлари кескин пасайса, хўжалик алоқалари ўзилса, пулнинг қадри тушиб кетса, нархлар тез суръатларда ошиб кетса, бошқарув тўзилмалари издан чикса ва сиёсий танглик вужудга келса, биз жамиятнинг ҳамма сохалари таназзулга учраган, деган фикрга келишимиз мумкин. У навбатида бегоналашув жараёни қанчалик кенгайса, таназзул ҳам чуқурлашиб бораверади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида мехнатнинг тақсимланиши рўй беради. Бир қарашда бу тараққиёт учун қуйилган катта кадамдир.

Лекин бунда ижтимоий мулкка асосланган шундай ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланадики, унинг асосида бевосита ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашиб, аца-секинлик билан ўз мехнатининг натижасинидан бегоналашиб боради. Энди бу ишлаб чиқарувчи шахс учун мехнат унумминининг ҳам қизиғи йўқ. Марксизм таълимоти бўйича,

хусусий мулк ижтимоийлаштирилгач, ишлаб чиқариш воситаларига ишлаб чиқарувчилар умумий эгалик қилишлари керак эди. Лекин ижтимоий амалиётда эса бунинг акси бўлиб чиқди. Сиёсий хоқимиятни босиб олган пролериат ишлаб чиқариш воситаларини энди давлат мулкига айлантиради. 73 йиллик тарих давомида бизга уктириб келинган ижтимоий мулк мутлоқ давлат мулки эди, бу мулк эса мулкчиликнинг энг жирканч, адолатсиз тури бўлиб чиқди. Мехнат кишиси хусусий мулкдан бегона этилган эди. Бунинг натижасда Жамиятда соғлом мухитни яратишда маънавият ва маданиятнинг роли катта. Маданий сохадаги бегоналашув ҳам анчагина чуқур салбий оқибатларга олиб келадиган маънавий таназзулни келтириб чиқаради. Чунки бу индивидларни баркамол шахс бўлиб шаклланишларига салбий таъсир кўрсатади. Агар жамият аъзолари ўз маънавиятлари, бой мадани меросларидан узоқлашиб кетиб, ундан бегоналашсалар,улар ўзларининг келиб чиқишларидан тортиб, то ўз миллатларининг миллий урф-одатлари, анъаналарини инкор қила бошлайдилар. Агарда яқин ўтмишимизга мурожаат этсак, ушбу мулохазаларимизнинг яққол исботини кўрамиз. Масалан, бой маданий меросимиздан бегоналашу вимиз атокли адиб Чингиз Айтматовнинг таъбирича,бизларни манкуртга айлантирай деди, яъни биз ўз халқимиз тарихи, миллий озодлик харакатлари ва уларнинг саркардалари жасоратларидан, динимиз ва ўзлигимиздан узоқлашиб қолдик.

Давлатимиз муцақиллигига эришиб, маданий бегоналашувни бартараф этишни бошладик.Социологиядаги мухим бегоналашув хисобланган ижтимоий бегоналашув инсонларни мулокотдан, бир-бирларидан узоқлашишлари натижасида юзага келади. Инсон ўз мохиятига кўра ижтимоий хусусиятга эгадир. Ўзаро фаолият туфайли пайдо бўлган эхтиёжлар асосида инсонлар доимо бир-бирлари билан муносабатларда, мулокотларда бўладилар. Мулокотнинг ижтимоий маъноси шундаки, у маданият шақллари ва ижтимоий тажрибаларни ўзатиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Рухий бегоналашув -бу инсоннинг ўз мохиятидан узоқлашишидир. Бу муаммони немис мутаффакири Эрих Фромм жуда яхши ишлаб чиққан. Замонавий жамиятни Э.Фромм инсон мохиятини "машиналаштириш","компютерлаштириш" ва роботлаштириш жараёнлари туфайли бегоналашувнинг бир махсули деб таърифлайди.

Психологик ва ижтимоий бегоналашувни бир-бирига яқинлиги шундаки, инсонлар ўзаро муносабатларда ва амалий мулокотда бегоналашсалар, ўз-ўзларидан бегоналашув ҳам юз беради. Чунки инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашишлари оқибатида улар яккаланиш, зерикиш ва хаётга қизиқишни суниши вужудка келиши мумкин. Бунинг натижасида инсоннинг ўз келажагига, орзу-ниятларига ишончи йўқолиб, у ўзини бегона деб хисоблайди ва бу жараён кўпинча салбий оқибатларга олиб келади.

( 1-схемага қаранг. )

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жамият хаётидаги турли хил бегоналашув жараёнлари тезроқ илмийлик ва уйгунлик асосида бартараф қилинсагина, жамият ижтимоий соғлом шароитда тараққий этади ва салбий ходисаларнинг таъсири ўз вақтида бартараф этилади. Масалан, мехнатдан бегоналашишни

бартараф этиш учун биринчи навбатда инсонларнинг ўз мехнатлари натижаларидан манфаатдор бўлишлари ва унинг оқибатида эса мехнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб, уларни қизиқиш ва куч гайрат билан ишлашларини ташкил этиш керак.

Ишлаб чиқаришни бошқаришдан бегоналашув муаммосини бартараф этиш ҳам жуда мухим маъно касб этади. Бунинг учун ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур демократиялаштириш, корхона, ташкилот ва муассалардаги мавжуд бошқарув тизимларини ижтимоий адолат меъёрлари

билан такомиллаштириш ва ишчи хизматчиларга хўжалик эгасининг аниқ вазифасини, хуқуқи ҳамда маъсулиятларини топшириш керак.

Маданиятдан бегоналшувни бартараф этиш учун маданий меросга муносабатни такомиллаштириб бориш, жамиятнинг хар бир аъзоси маънавий қадриятлардан яхши хабардор бўлиши ва маданий кўринишга етарли маблағ ажратишини таъминлаш зарур. Ижтимоий бегоналашувнинг бартараф қилиш учун инсонларни бир-бирлари билан муносабатлари, муаммоларини хақиқий ва ҳамкорлик асосида кўриши керакки, шунда хар бир инсон бошқалар учун керақлигини чин юракдан хис қилсин. Рухий бегоналашувни бартараф этиш чоралари ижтимоий бегоналашувни бартараф этишнинг ўзвий давомидир. Инсон ўзини кимгадир керақлигини рухан сеза олсагина у хеч қачон тушкунликка тушмайди ва яккаланиши, истиробга тушиши хавфидан холос бўлади. Оқибатда уни ўз-ўзидан, ўз мохиятидан бегоналашувига деярли хеч қандай сабаб колмайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг камровли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жамият хаётининг барча сохаларини чуқур қамраб олиб, давлатимиз ривожланган мамлакатлар сафидан тезроқ ўз муносиб ўрнини эгаллашига хизмат қилмоқда. Албатта, ушбу ижтимоий жараённинг бир текисда кечиши муайян қийинчиликларга дуч келмокда. Мазкур қийинчиликлар ижтимоий муносабатларнинг алохида тури бўлган миллий мафкурани яратиш харакатларида кўпроқ номаён бўлаётгани биз жамиятшуносларни кўпроқ ташвишга солмоқда. Чунки, миллий мафкура муцақил давлатнинг асосий маънавий пойдеворларидан хисобланади. У сиз хеч бир давлат барқарор ривожланиш хусусиятига эга бўла олмайди. Миллий мафкурамиз эса бирор бир сиёсий партия ёки ижтимоий харакатларнинг эмас, балки умумхалқ манфаатларини ифодалаши жуда мухимдир. Ушбу мафкуранинг мазмуни ва мохияти миллатимизнинг ўзига хос бўлган тафаккур тарзига мос келиши уни реал хаётдан ажралмаслигини таъминлайди. Республика Президенти томонидан илгари сурилаётган фиркларидан маълумки, миллий мафкуранинг шаклланишига миллатнинг ўзига хос хусусиятлари: миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар ва удумлар негизида шаклланадиган ҳамда ривожланадиган тафаккур тарзи бевосита мос бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, миллий ғоя ва тафаккур ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Шунинг учун уларни бир-биридан сира ажратиб олишимиз мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, кайсибир жамиятда ушбу масалага тўғри муносабатда бўлиб, унинг негизида миллий мафкура шаклланса, уша жамиятдан тараққиёт, эркинлик ва озодлик қарор топади. Ўрта асрларда яшаб ўтган авлод-аждодларимиз хаёт йўлларини

таҳлил қилиб курсак, шунга амин бўламизки, ал Форобий, ал Беруний, Ибн Сино, А.Темур, Улугбек, Навоий, Бобур ва бошқалар кўплаб юксак тафаккур эгалари бўлган бобокалонларимиз яшаган ижтимоий - мухитда шаклланган тафаккур тарзи ва миллий ғоялар накадар теран ва илмий асосда қурилганлигини кўрамиз. Демак аждодларимиз яшаган уша даврларда ушбу масалаларга катта эътибор қаратилган. Шунинг оқибати ўлароқ, Турон эли юксак ривожланган илм-фан ва маданият учоги бўлган. Лекин бахтга қарши, Европадаги машхур Ренесанс давридан анча илгари яратилган бу тараққиёт йўлини биз аца-секинлик билан унута бошладик. Миллий ғоя, миллий мафкуранинг асосларидан бўлган маънавий бойликларимизга қанчалик эътиборимизни камроқ қаратсак, тараққиёт йўлидан шунчалик четга чиқиб кета бердик ва миллий ғоя ўрнини "махаллийчилик" ғояси эгаллади. Бунинг натижасида марказлашган улкан давлатимиз парчаланиб, миллатимиз тарқоқ ва қалоқлик даражасига тушиб қолди. Ягона миллий ғоямизни махаллийчилик ғоясига айлантиришимиз, бунинг натижасида эса тарқоқлилик ва кучсизлик даражасига тушишимиз сабабли аввал чоризм мустамлакасига, кейинчалик эса собиқ Шўро империясининг арзон хом-ашё етиштириб берадиган "вилояти"га айланди. Мана энди биз 130 йилдан ортиқ давом этган муцамлакачиликдан кутилиб, яна марказлашган муцақил давлатчилигимизга эришдик. Шу ўринда айтишимиз жоизки, биздан олдин ўтган авлод аждодларимиз йўл қўйган хато ва камчиликларини асло қайтармаслигимиз зарур. Бунинг учун ёшларни миллий истиқлол рухида тарбиялашимиз керак. Жамият хаётини социологик таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ватандошларимиз ушбу миллий мафкура мохиятини борган сари чуқурроқ тушуниб бораётганликларини қайд қилиш мумкин. Фаннинг табиат ҳамда жамият хаётидаги ўрни ва роли бекиёс бўлиб, инсон фаолиятининг ижтимоий функтсиясини, дунёқараши, ижтимоийлашув жараёнларидаги ижтирокини, унинг сиёсатда, маданиятда, таълимдаги таъсир кучини ўрганиш масалаларини ўзининг тадқиқот предмети сифатида белгилайди. (2-схемага қаранг)

Фан социологияси мазкур тадқиқот йўналишларининг функтсионал тизимини кенгроқ ижтимоий доираларда ишга туширади, шунингдек назарий жиҳатдан осослаб беради, амалий фаолиятларини режалаштиради ва бошқарув миқёсида мавжуд ташкилий формаларни оптималлатириш йўли билан ривожлантиради.

Фанни унинг ташкил этувчи тизимий ҳамда таркибий жиҳатларининг функтсионал таҳлили цатицик маълумотлар билан бирга амалий социологиянинг методлари: сўров, анкеталаштириш, тец ва хоказоларга таяниб амалга оширилиши мумкин. Бунда илмий фаолиятни юзага чиқариш усуллари, яъни маблағ билан таъминлаш тизими, штат жадваллари, илмий кадрларни тайёрлаш схемаси аниқ кўрсатилиши зарур. Зеро, фан социологияси тадқиқот масалаларининг оқилона кўринишини қулай вариантларда жамлаш, - солиштириш, иш вақтини тақсимлаш, жамоа сонини аниқлаш, илмий ходимларнинг ёш жиҳатдан тартиби уларнинг психологик жиҳатдан мослиги ва хоказоларни аниқ баён қилади.

Бозор иқтисодиёти сиёсатининг ижтимоий хаётга кириб келиши фанга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бироқ янги ислохотларнинг амалга оширилиши турли ижтимоий табақаларда турлича кечаётганлиги жамиятнинг янги муносабатларга куникиши жуда секин кечаётганлиги сабабли хар бир сохада, шу жумладан, фанда ҳам талай қийинчиликларни юзага келтирмокда.

Холбуки, хар бир фан учун керақли маълумотларни туплаш, тахлил этиш, тўзатиш, хисобот тайёрлаш социология предмети орқали амалга ошади.

Жамиятнинг кутилмаган инқироз палласига тушиб қолишига йўл қўймаслик борасидаги фан социологияси кучли маънавий таъсир этувчи манбага айланиши, ўтиш даврида динализм рухида шиддатли суръатлар билан юритмоғи зарур.

Фан социологияси жахон миқёсида кенг миқёсидаги мулохазаларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, 1970 йиллардан бошлаб А.А. Зворўкин (Россия) бу муаммоларни халқилишга кўп уринди. Лекин тотолитар режим, ижтимоий сиёсий муносабатдаги бюрократизм оқибатида бу масалалар хал этилмай қолди. Вахолангки, турли хил муаммоларни социологик ўрганиш натижаларида хозирги кунда ҳам, бозор муносабатлари шароитида унумли фойдаланиш мумкин. Ижтимоий-психологик муаммолар илмий жамоа ва муассасалар доирасида хал қилиниши лозим. Жамоа ва индивидуал мехнат қилиш, илмий фаолиятда илмий ходимнинг шахс сифатидаги роли, фан учун мутахассислар тайёрлаш, уларнинг етуклигини таъминлаш ва такомиллаштириш каби масалалар фан социологияси учун марказий муаммолардан хисобланади.

Фан социологиясига қаратилган асосий эътиборни жахон миқёсда А+Ш давлати мисолида кенг эътироф этиш мумкин. Американлик социолог Дж. Джилмен: "Америка, гражданлар уруши туфайли бўзилган ижтимоий-сиёсий тартибларни тиклаш учун, фикрлайдиган шахсларга ва ижтимоий фикр билан хисоблашувчи фуқароларга кучли эхтиёж сезди",- деб шархлайди. Америка биринчилар қаторида социологик методлар асосида иш тутиш тартибларини илмий муассасаларга кенг ёйди. Социология фани тизимлашган тарзда сиёсий арбоблар ва ишбилармонлар мадади туфайли тез ва жадал ривожланди.

Фан сохасида социология методларининг тадбиқи, ХИХ аср охирида социология муаммоларига багишланган тармоқ журналининг чиқиши билан бошланди. 1895 йил Чиқаго Университетида "Америсан Жоурнфол оф Сосиологй" журнали чиқиши фақат фан сохасида емас, балки сиёсат ва иқтисод сохаларида ҳам мумкин воқеа бўлди. Журнал ўзининг асосий мақсадини қуйидагига ифодаланган эди:

Ижтимоий контсептсиялар ва назариялар учун фонд ташкил этиш;

Социологияни муцақил илмий фан сифатида тан олиш;

Сотсиологияни умумий моддий фаровонликка кумақлашига хизмат қилдириш;

Хар қандай "уйламай мантиқий фикрловчи"ларга қарши иш олиб бориш.

Журнал сахифаларида илмий тадқиқотлар натижалариининг (ижтимоий) маълумотлар билан мунтазам тарзда баён этиш, илмий йўналишларнинг характери, мохияти, такризи, нашрлар тахлили, химоя қилинган ишлар бўйича шарх берилиши, фан социологиясининг кенг эътироф этилиши, жахон

миқёсидаги мутахасис-олимларнинг диққат эътиборларини ўзига жалб қилиб келмокда.

Фан давр талаби бўйича инноватсион лойиха жорий қилиш керак экан, авваламбор, фан социологияси ўзининг ижтимоий маълумотлари билан биринчилар қаторида қатнашиши лозим. Рақобат бардош юқори сифатли технииология аососида махсулотлар маркетинги, шунингдек илмий муассаса, жамоа, интеллектуал илмий мухитнинг қулай вариантлари, бандлик, "ишчи" ўринлари муаммолари ва хоказо масалалар билан халқаро миқёсида иш олиб бориш керак.

Фан ва инноватсия фаолиятининг самараси учта компонент-таркибий қисмдан иборат: фан, ишлаб чиқариш ва бозор.н ва ишлаб чиқариш бирбирлари билан яқин муроса килмаслар, улар Ўртасидаги алоқа тезкор тарзда бўлмаса, бюрократия кулфи бўзилиб замонавий ҳамкорлик йўлга қуйилмас экан бозор ва инвецитсия масалалари ўз-ўзидан четга сурилади.

+ўйилган талаб ва мақсадни амалга оширишда фан социологияси ўзкучини тезқор кўрсатиши, илмий муасасалар ўз навбатида замонавий рухда ишлаши, кучли иш юритиш услубини қўллаш керак бўлади. Илмий жамоалар мехнат жараёнини самарали олиб бориб, ишлаб чиқаришга ўз таъсирини кўрсатиш, жахон андозалари мос бўлган юқори даражадаги махсулотлар билан эхтиёжни кондиришга интилиш зарур.

Чуқурлашган ва кенг қамровли тизимий ўзгаришлар юз бераётган, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жамиятимизнинг барча сохасига ўз таъсирини кўрсатаётган бир пайтда, фан тизимида ҳам талай қийинчиликлар кўринади. Фан тизимининг муаммолари хаёт тарзи муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Айниқса, кадрлар масаласи, уларнинг шаклланиши, замон талабига (рақобат бардош талаб-ехтиёжларга) жавоб берувчи интеллектуал илмий потентсиал масаласига жиддий ёндошишни талаб қилади.(3-схема.)

Шуни айтиш жоизки, мутахасис илмий ходимларнинг бошқа сохаларга ишга кетиб қолиши, яъни илмий потентсиалнинг бўзилиши фанни хар томонлама тахлил қилиш, ривожлантириш йўлларини излашга мажбур қилади. Бинобарин, илмий потентсиалнинг сони ва сифати фан ривожининг босқичи ва натижасига бевосита таъсир қилади.

Ходимларни турли хил томойилларга асосан қуйидагига бахолаш мумкин:
Мутахасислик мезони. Бунда мутахасис илмий ходимларнинг фан тармоқлари ва мутахасислиги бўйича тақсимланиши ифоданилади.

Институтсионал мезон. Бунда илмий даражали мутахассисларнинг фан тармоқлари, ижтимоий институтларга тақсимланиши киради. Ўз навбатида институтсионал қисмларни:

а) олий укув юртлари;
б) ЎзР.ФА нинг илмий тадқиқот институтлари;
в) Тармоқ вазирлигининг олий укув юртлари ва тадқиқот институтлари;
г) бошқарув тизимлари (хуқуқ тартибот, ижрочи, суд органлари);
д) молия хўжалик ташкилотлари ва тизимлари ташкил этади.

3) Илмий фаолият ва ўзига хослик мезони. Бунда касбий маълумоти ўзгача, лекин фан сохасида (спетсифика- ўзига хос хусусиятга эга бўлган) мутахасис хисобланган ходимлар хусусида тахлил қилинади.

Демографик этник мезон. Бунда ходим демографик, ёш, жинс, этник, миллий ва хоказо белгилари орқали ифодаланади.

Регионал мезон. Фан сохасидаги илмий ходимларнинг, худудий минтака бўйича тақсимланиши киради.

Илмий ходимни бахолашда, унинг илмий даражаси хал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаса, у тайёрланган диссертатсия фан учун аҳамиятли, шу сохага киритилган илмий хисса деб тушинилади.

Шахснинг шаклланиши учун кадрлар билан ўзликсиз, комплекс равишда қуйидаги тартибда иш олиб бориш зарур;

Мафкуравий фаолиятларни такомиллаштириш;

Кадрларни илмий тадқиқот режалари бўйича тўғри тақсимлаш;

Юқори илмий савиядаги мутахасис кадрлар тайёрлашни йўлга қуйиш;

Илмий тадқиқот ишлари натижалари билан давлат-жамият талабларини бажариши ва илмий ходимларнинг шахсий эхтиёжларини тўла қондириш;

Жадал суръатларда кадрларни тайёрлаш ва ўцириш учун ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда иш олиб бориш зарур.

Илмий ходимларнинг ижодкорлик қобилиятини ўциришда рахбарларнинг бошқарув қобилияти хал қилувчи рол ўйнайди. Жамоа хар бир илмий ходимнинг ижодкорлик қобилиятини шакллантириш учун рахбар билан ходимлар Ўртасида ўзаро ишончга таянган ҳамкорлик муносабати ўрнатилиши зарур. Жамоа билан ходимларнинг иш натижалари самараси мунтазам бахолаб борилиши лозим. Бунда :

иш натижаларининг хилма-хил сохалари учун аҳамият касб этишини англаш керак;

Рахбарлик томонидан жамоанинг эришган ютуқлари мунтазам бахоланиб бориш орқали маънавий психологик мухитни яхшилаш лозим;

Юқори сафияда бажарилган ишларни муносиб равишда тақдирлаш, қолганларига керақли бўлган шароитни яратиб, яхши натижалар келтириш;

Бахолашни махорат билан юқори даражада, мунтазам,
ўз вақтида, асосли тарзда олиб бориш зарур.

Илм масканларида фақатгина фикр эркинлиги, чинакам ижод ва изох иш хукмрон бўлмоғи зарур. ( 5-схемага қаранг . )

Илмий фаолиятни самарали олиб боришда оммавий ахборот воситалари етакчи рол ўйнайди. Холбуки, у ёки бу корпоратсиянинг илмий, ишлаб чиқариш сохаларидаги, хаёт тарзида таъсирини ифодалаш, ижтимоий фикрни тўғри баён этиш, самарали ишларни оммалаштириш, ижтимоий иқтисодий муаммолар хал қилиниши сиёсат тўлиқ олиб боришнинг асосий йўлидир. Бунда асосий диққат илмий элитага қаратилади. (елита илмий мухитнинг энг сара номоёндалари, давлат сиёсатида дацурий, молиявий таъминот ва хуқуқий масалалар хал қилинишида иштирок этувчи юқори лавозимдаги олимлар киради.)

Фанда нашр ишлари, нашрий мехнат таъминоти мухим ва долзарб ўринни эгаллайди. Шуни айтиш жоизки, илмий мулокот, билимнинг ривожи, таркатилиши, илмийсавол нашр эттириш орқали эътироф этилади. Фанда илмий элитанинг берган интервъю ва мақолалари орқали давлат сиёсатининг асосий цратегик мақсадлари баён этилиши; илмий мухитни ислох қилиш, ўзгартириш усуллари бўйича фойдали тақлифлар берилиши мумкин. Бу жуда катта аҳамиятга эга, чунки илмий мухит ислохи, унинг характери ва йўналиши, илмий сиёсатнинг олиб борилиши, маблағ диққатга сазовордир.

Хозирги вақтда фан таъминотининг контсептуал вазияти қуйидагича:

илмий тадқиқотларнинг тўла таъминлов контсептсияси;

мухим илмий йўналишларга хомийлик қилиш контсептсияси;

фаннинг бозор жараёнига мослашиши контсептсияси;

Илмий тадқиқотларнинг тўлатаъминлов контсептсиясининг асосий мохияти шундан иборатки, уни ташкил қилувчи элементлари амалий (конкрет илмий натижалар олувчи) фан ва фундаментал (назарий контсептсия ва моделлардан ташкил топган) фан билан ҳамоханг ривожланиши лозим. Бунда Айниқса, фундаментал фан ривожига кўпроқ урғу берилади. Турли хил фундаментал фан йўналишлари, тармоқлари, унинг мактаби ўз-ўзидан

ривожланган эмас, уларнинг бирортасини йўқотиш фундаментал фан тизимга катта зарба бериши мумкин. Бундан чиқадиган хулоса шундан иборатки, бозор иқтисодиёти шароитида таъминловчи масаласи жиддий ва огир бўлсада, давлатнинг фундаментал фанга муносабати патернализм (католик динидаги худога содиклик) ёки исломдаги иймон даражасидаги содиқлик каби бўлиши лозим.

Хозирги кун бозор шароитида фан таъминловчи қуйидагича:

1) давлат бюжетидан тўғридан-тўғри сармоялар ажратиш;

грант ва инноватсион лойихалар орқали маблағ ажратишлиши;

корхона, фирма ва корпоратсиялар томонидан бюжетдан ташқари хисоб бўйича маблағ ажратилиши асосида олиб борилмоқда.( 4-схема. )

кекин шуни айтиш жоизки, грант ва инноватсион лойихалар бўйича таъминлов эпизодик характерга эга бўлиб, у фаннинг асосий муаммоларини ечишга ёрдам бера олмайди. Корхоналар, фирма, карпоратсиялар томонидан ажратилган бюжетдан ташқари таъминлов жуда ҳам кам (йўқ хисобида), холбуки, кўп ишлаб чиқариш компаниялари фанга инвецитсия ажратишга қодир эмаслар.

Мухим илмий йўналишга хомийлик қилиш контсептсиясида мамлакатдаги мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамай давлат

томонидан ёрдам берилиш кўзда тутилади. Натижада фанда муайян жиддий институттсионал ва иқтисодий жиҳатдан объектив зарурат келиб чиқиши мумкин. Фаннинг бозор иқтисодиётида ислохотланиши, мослашуви зарур бўлиб, у ўз ўрнида фан тармоқлари ва сохаларини нечогли мақбул ривожлантирилишига боғлиқ. Демак, зарурий илмий йўналишларни аввал

назарий, сўнгра институтсионал шақлда, хуқуқий асосда таъминотини режалаштириш йўлга қуйилади.

Давлат бошқаруви таъминоти илмий йўналиш доирасидаги мактабларнинг хозирги кунда фақат "омон" қолиш учун эмас, балки жахон андозалари бўйича замонавий талаб ва таклифга мос равишда барпо қилинишига кумакла-шиши керак. Зеро, воқеликни умумий ва тадбиқий изчилликда тасвирлаш объектив тараққиёт қонунларини очиб бериш, илмий фаолиятда моддийтех-ника ва информатсион таъминловчи мунтазам тарзда тахлил қилиш имкониятини туғдиради.

3 - Мавзуга доир муцахкамлаш учун саволлар.

Бирдамлик ва коорпоратсия- жамият барқарорлигининг асосий омили деганда нимани тушунасиз?

2.Бегоналашув ва унинг ижтимоий оқибатлари хақида гапиринг.

3.Таназзул ва унинг ижтимоий оқибатлари хақида гапиринг.

4.Миллий мафкура деганда нимани тушунасиз ?

5.Миллий истиқлол мафкурасини халқ онгига сингдириш нима учун долзарб масала хисобланади.

6.Маданиятдан бегоналашув қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин ?

7.Иқтисодий бегоналашув ва унинг шақллари хақида айтинг.

8.Фан социологияси деганда нимани тушунасиз ?

9.Фан социологиясининг илмий тизимдаги ўрни қандай ?

10.Фаннинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни қандай ?

3 - Мавзу бўйича таянч атамалар.

1.Ижтимоий бирдамлик-бу кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий хаётда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини хал қилиш-лардаги ҳамкорлигининг кўринишидир.

Бегоналашув-иктисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий, психологик турларга бўлинади. Сиёсий бегоналашув-сиёсий хоқимиятдан, маданий эса маънавият ва маданиятдан, бегоналашув ўз-ўзидан бегоналашувдан иборат.

Миллий мафкура - бирор миллатнинг барча манфаатларини ифодалаган, миллатнинг ўзига хос тафаккур тарзига мос келадиган ғоялар тизимидир.

4. Илмий элита - илмий мухитнинг энг сара намояндалари, давлат сиёсатида дацурий, молиявий таъминот ва хуқуқий масалалар хал қилини шида иштирок этувчи юқори лавозимдаги олимлар.

1-CXEMA

2-CXEMA

3-CXEMA

4-CXEMA

5-CXEMA

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР.

КАРИМОВ.И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги о'з куч – кудратимизга, халкимизнинг ҳамжихатлиги ва бо'линмас иродасига бог'лиқ. Т.: «О'збекицон»,2004 йил.
КАРИМОВ.И.А. Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатидан улуг' мақсад юк. Т.: «О'збекицон»,2001 йил.
КАРИМОВ. И.А.О'збекицон ХХИ асрга интилмоқда.Т.:«О'збекицон»,2000 йил.
КАРИМОВ.И.А О'збекицон буюк келажак сари. Т.: «О'збекицон», 1998 йил.
КАРИМОВ.И.А О'збекицоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. (Асарлар то'плами) 3-жилд. Т.: «О'збекицон», 1996 йил.
КАРИМОВ.И.А Ма'навий юксалиш ё'лида. Т.: «О'збекицон», 1998 йил.
КАРИМОВ.И.А О'збекицон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ё'лида. Т.: «О'збекицон», 1995 йил.
КАРИМОВ.И.А О'збекицон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «Озбекицон», 1996 йил.
Анкета юритувчи — респондентлар орасидла анкета сўрови ўтказиш услуби ёрдамида дацлабки социологик ахборот йигувчи мутахассис--социолог.
Бошқарув социологияси — менежментнинг социологик жиҳат-ларини ўрганувчи тадбиқий соха.
Вербаллаштириш(лотинча-огзаки) — белгилар билан ифодаланеган маълумотлар шақлини, шунингдек бу маълумотларни қўллашни ифодаловчи атама.
Гурух динамикаси — гурух хаётида бирор-бир вақт бирлигида ва гурухнинг босқичдан босқичга харакати давомида юз берадиган ўзгарувчан жараёнлар мажмуаси.
Гурухий бирдамлик — шахсларароалоқаларнинг гурух хаётий фаолиятининг ворисийлигини ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи муцахкамлиги.
Гурухий мутаносиблик — гурух ҳамжиҳатлигининг ижтимоий-рухий кўрсаткичи бўлиб, унда гурух аъзоларининг ўзаро низоларсиз муомала қилишга мувофиклик имкониятлари акс этади.
Гурухлараро муносабатлар — одамлар Ўртасидаги субъектив кечинмаларга асосланган алоқалар.
Гурухлаштириш — ўрганилаётган объект бирликларини кўзга кўринарли белгиларига қараб бир хил гурухларга бирлаштириш.
Гурух меъёрлари — хар бир гурух жорий этган амалда тартиб-қоида ва талаблар мажмуи бўлиб, у гурух аъзолари хатти-харакатларини ташкил этишда, уларнинг ўзаро муносабатлари, харакатлари ва муомаласида мухим аҳамият касб этади.
Гурух тўзилмаси — ўзаро фаолият қатнашчиларининг муцахкам равишда қайтадан вужудга келишининг тартибланган тизими.
Давлат — жамиятнинг хоқимият ва кучга, шунингдек ижтимоий захиралар ҳамда воситаларни тақсимлаш имкониятларига эга бўлган қисми.

Демократия — халқ бошқаруви, халқ учун бошқарув ва халқ воситасида бошқарув амалга ошириладиган давлат тузилиш шақли.

Диалектик социология — хозирги замон ғарб социологиясида позитивизмга зид йўналиш бўлиб, у ижтимоий тўзилмаларнинг ўзаро харакатига ва уларинг хосиласи бўлган ижтимоий ўзгаришларга асосий эътиборини каратади.

Дин социологияси — диний фикриётдаги йўналиш бўлиб, у инсон ва унинг оламдаги ўрни тўғрисидаги диний тасаввурлар асосида жамият назариясини қуриш билан боғлиқ.

Ёшлар социологияси — социологияда ёшларнинг хулқ-атворини, ижтимоийлашув хусусиятларини, уларнинг ижтимоий ва касбий йўналганлиги, роллари ва макомининг шаклланиш жараёнини, шунингдек ёшлар маданияти кўринишларини ўрганувчи соха.

Жамоатчилик фикри — ижтимоий онгнинг ўзига хос динамик намоён бўлиши.

Ижтимоий — жамият хаётининг турли томонларини белгилаш учун хизмат қилувчи тушунча.

Ижтимоий алоқа — индивидлар ёки ижтимоий гурухларнинг бир-бирига нисбатан хар қандай сотсиомаданий мажбуриятлари.

Ижтимоий ахборот — маълум бир тизим доирасида хабарлар белгилари мажмуаси сифатидаги ахборотнинг бир сохаси.

Ижтимоий ахвол — ижтимоий субъектнинг жамиятда тўтган у ёки бу ўрни, у ёки бу ижтимоий ўринда эгаллаган мавқеида қўлга киритган муцахкам алоқаларини мажмуи.

Ижтимоий башорат — ижтимоий ривожланиш хусусияти ва йўналишини жамият ижтимоий ривожининг устивор жиҳатлари, утмиш тажрибалари, унинг тадрижий ўзгариб бориши асосида олдиндан айтиб бериш.

Ижтимоий бошқарув — жамиятдаги бошқарувнинг асосий турларидан бири..

Ижтимоий гурух — индивидлар мажмуи.

Ижтимоий динамика — жамиятнинг муттасил равишда тараққий этиб бориши, ижтимоий хаёт жараёнларининг ривожи.

Ижтимоий жараён — индивид, ижтимоий институтлар, гурухларнинг ижтимоий холати ёки турмуш тарзининг ўзгариши йўналишини ифодаловчи барқарор харакатлар, ўзгаришлар, хатти-харакатлари холатларининг мажмуаси.

Ижтимоий категория — бир ёки бир неча ухшаш хусусиятларга эга бўлган индивидларни бирлаштирувчи ижтимоий бирлик.

Ижтимоий куникиш — индивиднинг бошқаларга тақлид қилиши ва уларни кузатиши орқали ижтимоий хатти-харакатларнинг янги шақлларини эгаллаши.

Ижтимоийлашув — индивид томонидан мавжуд ижтимоий меъёрлар, қадриятлар ва билимлар тизимини ўзлаштириш жараёни.

Ижтимоий меъёрлар — ижтимоий гурухнинг ўз аъзоларига куядиган расмий ва норасмий талаблар мажмуи.

Ижтимоий муносабат — ўз маъносига кўра бир-бири билан мутаносибланган ва мос хатти-харакатни ифодаловчи англанган ва хис қилинадиган такрорланувчан ўзаро харакатлар мажмуи.

ҳттп:www.либ.сосио.мсу.ру.

ҳттп:www.сосиолине.ру

ҳттп:www.сосио.рин.ру
ҳттп:www.сосиолог.народ.ру.
ҳттп:www.сосионет.народ.ру.
ҳттп:www.сосиогад.ру.

Информатсион техник воситалар

Фанни урганишда компютер воситалари, цандарт дацурлар, кургазмали кулланмалар ва Интернет материаллари хамда янги педагогик технологиялари я’ни интерактив усулларидан кулланилади.

Мундарижа

Сўз боши…………………………………………………………………..………3
1-Мавзу: Социология фанининг назарий асослари. (2-соат)

1.Социология фанининг претмети,объекти……………………………………….….4-6
2.Социология фанининг асосий вазифалари……………………………………….7-8
3.Социология фанининг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни…………………..…9-11
2-мавзу: Социология фанинг вужудга келиши ва црухтураси
1.Антик дунё социологлари инсон мавқейи то’г’рисида. Антик дунёда жамият ва шахс омиллари………………………………………………………………13-15
2.Платон ва Арецотелнинг дунё фалсафий фикр тараққиётида тутган о’рни…..…..16-18
3.Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий жамоаларга берган баҳоси…………………………………………………………………….19-20
4.Шарқ ва Г’арб мутафаккирларининг инсон эрки ва тафаккур тарси то’г’рисидаги қарашлари……………………………………………………………..…….21-25
2-Мавзу(давоми)
1.Социологиянинг Европада фан сифатида вужудга келиши……………..………27-29
2.ХИХ аср охири ХХ аср бошидаги классик (мумтоз) социология………………..…30-32
3.ХХ асрнинг 70-80 йилларида социологияда реалицик йўналишлар………………33-35
3- Мавзу: Маънавий ҳаёт социологияси (4-соат)
1.Ижтимоий муносабатлар социологияси ……………………………………...37-39
2.Миллий мафкура - ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисми…………………...40-42
3.Фан социологияси……………………………………………………………43-46
4.Фан ва таълим социологиясининг илмий тизимда ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни……………………………...………………………………..…47-49
3-Мавзу (давоми): Маданият, дин ва ахлоқ социологияси.
1.Маданият социологияси………………………………………………..……51-53
2.Дин социологияси ……………………………………………………………54-56
3.Ахлоқ социологияси…………………………………..…………………57-63
4-Мавзу Ижтимоий тузилмалар социологияси социологияси. (2-соат)

1.Ижтимоий цратификатсия социологияси……………………………….…………65-67
2.Ёшлар социологияси…………………………………………………………68-69
3.Девиант хулқ-атвор социологияси……………………………………………70-73
5-Мавзу: Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт социологияси (4-соат)
1.Шахс, жамият ва давлат социологияси……………………………….………..75-76
2.Ижтимоий бошқарув социологияси……………………………..……………77-78
3.Иқтисод социологияси………………………………………..………………79-80
4.Мехнат социологияси..…………………………………………………………...81-83
5-Мавзу (давоми): Махалла ўз-ўзини бошқарув ва ижтимоий фикр социологияси.
1.Махалла ва махаллий бошқарув социологияси……………………………..….85-86
2.Махалла ўз-ўзини бошқарув тизимининг мухим ижтимоий орган…………..….87-88
3.Жамоатчилик фикри тушунчаси. Жамоатчилик фикрининг назарий асослари………………………………………………………………………89-90
4.Жамоатчилик фикрининг ижтимоий хаётда намоён бўлиши……………..……..90-91
6-МАВЗУ.Емпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари. (2 соат)
1.Социологик тадқиқотларни ривожлантириш. Социологик тадқиқот дацурининг
таркиби…………………………………………………………………….……..94-95
2.Социологик тадқиқотларни ташқи этиш…………………………………..…..96-97
3.Социологик тадқиқот усуллари (сўров,хужжатларни
ўрганиш, интервю, кузатиш усуллари)…………………………………………97-98
4.Аниқ социологик тадқиқотларнинг турлари…………………….……99-105
Фойдаланилган адабиётлар …………………………………………………106
Таянч иборалар…………………………………………………………107-110

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

# МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Андижон-2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда)*

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

**2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари**

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

**4-модда. Билим олиш ҳуқуқи**

Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

**5-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи**

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

**6-модда. Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми**

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

**7-модда. Давлат таълим стандартлари**

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

**8-модда. Таълим бериш тили**

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби Давлат тили ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

## II. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ

**9-модда. Таълим тизими**

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

**10-модда. Таълим турлари**

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

**11-модда. Мактабгача таълим**

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

**12-модда. Умумий ўрта таълим**

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

бошланғич таълим (I—IV синфлар);

умумий ўрта таълим (I—IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшидан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

**13-модда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари эгалланган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юртидир.

**14-модда. Олий таълим**

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлади.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус касб-ҳунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги

ҳужжатлар билан далилланувчи бакалавриат ва магистратурага эга.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

**15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим**

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

**16-модда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш**

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**17-модда. Мактабдан ташқари таълим**

Болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

**18-модда. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш**

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

**19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар**

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибида имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади, давлат таълим муассасаларида ўқитилиши шарт бўлган ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган мутахассисликлар бундан мустасно.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олиниши мумкин.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат тасдиқлаган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисослик бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

## III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

**20-модда. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш**

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

**21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш**

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга ҳақли.

**22-модда. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш**

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**23-модда. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш**

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

**24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари**

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож бўлган болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

## IV. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;

таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;

таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;

давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;

давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;

давлат грантлари миқдори ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;

таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

**26-модда. Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доираси**

Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;

таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;

давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;

ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;

ўқув ва ўқув-услубият адабиётларини нашр этишни ташкил қилиш;

таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

**27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига

мувофиқлигини таъминлайдилар;

таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;

ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларни белгилайдилар;

таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

**28-модда. Таълим муассасасини бошқариш**

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради.

Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

**29-модда. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар**

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

## V. ЯКУНЛОВЧИ ХУЛОСАЛАР

**30-модда. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари**

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

**31-модда. Таълимни молиялаш**

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари**

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

**33-модда. Халқаро ҳамкорлик**

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

**34-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
1997 йил 29 август,
464-I-сон

**"Мустахкам оила йили" давлат дастури тўғрисида**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

27.02.2012 й.

№ ПҚ-1717

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек 2012 йил Ўзбекистон Республикасида "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш;

ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш;

жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш;

оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

"Соғлом она - соғлом фарзанд" тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

2. Республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев) зиммасига “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг амалга оширилишини ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш вазифалари юклатилсин.

Республика комиссияси:

икки ҳафта муддатда, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг устувор йўналишлари ва тадбирларидан келиб чиққан ҳолда, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари томонидан ҳар бир идора, вилоят, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича “Мустаҳкам оила йили”нинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурига киритилган тадбирларни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари даражасида ишлар аниқ-пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастур амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқсин;

ҳар чорак якунлари бўйича “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманларда (шаҳарларда) “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар тузилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар тегишли ҳудудларда оғишмай ва тўлиқ ҳажмларда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарликни юкласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса, ёш оилалар ўртасида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, давлат томонидан оилаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича унда белгиланган чора-тадбирларнинг мунтазам ва кенг кўламда тушунтириб борилишини;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида кенг жамоатчилик доимо хабардор қилиб турилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов

ОЛИЙ ТАъЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУЦАЩКАМЛАШ ВА Ю+ОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТО‘Г‘РИСИДА

20.05.2011 №1533

Олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини муцащкамлаш ва модернизатсиялаш, уларни замонавий о‘=ув ва илмий-лаборатория жищозлари билан та’минлаш, ю=ори малакали кадрлар тайёрлаш ё‘налишлари ва мутахассисликларини ма=буллаштириш, та’лим цандартларини такомиллаштириш щисобига та’лим жараёнини сифат жищатидан янги бос=ичга ко‘тариш, илг‘ор педагогик технологиялар ва о‘=итиш шаклларини жорий этиш, о‘=итувчи кадрлар мещнатини раг‘батлантиришни кучайтириш асосида и=тисодиёт соща ва тармо=ларида талаб =илинадиган олий ма’лумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш ма=садида:

1. О‘збекицон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501 сонли фармойишига биноан ташкил этилган Ишчи гурущ томонидан ишлаб чи=илган, 2011-2016 йилларда олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизатсиялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бо‘йича =уйидагиларни о‘з ичига олган Дацур ма’=уллансин:

2011-2016 йилларда олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини муцащкамлаш ва ривожлантириш бо‘йича чора-тадбирлар мажмуи 1- иловага мувофи=;

ю=ори малакали кадрлар тайёрлаш ё‘налишлари ва мутахассисликларини ма=буллаштириш, давлат та’лим цандартларини янада такомиллаштириш бо‘йича чора-тадбирлар мажмуи 2-иловага мувофи=;

2011-2016 йилларда олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизатсиялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бо‘йича Дацурни амалга ошириш учун молиявий харажатларнинг щисоб-китоб =илинган щажмлари ко‘рсаткичлари 3-иловага мувофи=;

о‘=ув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг тураржойларини =уриш, реконцруксия =илиш, капитал та’мирлаш ва жищозлаш бо‘йича манзилли дацурларга киритиладиган олий та’лим муассасаларининг ро‘йхати 4-иловага мувофи=;

олий та’лим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий-тад=и=от лабораторияларининг ро‘йхати 5-иловага мувофи=.

2. 2011-2016 йилларда олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизатсиялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бо‘йича Дацурнинг о‘з ва=тида ва сифатли амалга оширилишини та’минлаш борасидаги ишларни мувофи=лаштириш учун Махсус комиссия таркиби 6-иловага мувофи= ташкил этилсин.

Махсус комиссия (Р.Азимов):

О‘збекицон Республикаси И=тисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва о‘рта махсус та’лим вазирлиги таклифларига биноан щар йили, молиявий харажатларнинг умумий тасди=ланган ко‘рсаткичлари доирасида олий та’лим муассасаларининг амалдаги техник щолати, шунингдек, щар бир олий та’лим муассасасининг моддий-техник та’минланганлик даражасидан келиб чи=иб, уларнинг бинолари ва иншоотларини =уриш, реконцруксия =илиш, капитал та’мирлаш ва жищозлаш бо‘йича манзилли ро‘йхатларини тасди=ласин;

2011-2016 йилларда олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизатсиялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бо‘йича Дацурнинг амалга оширилиши уцидан тизимли мониторинг о‘рнатсин ва щар ярим йиллик щамда йил якунлари бо‘йича унинг ижроси натижаларини Вазирлар Мащкамасига ко‘риб чи=иш учун киритсин.

3. О‘збекицон Республикаси Олий ва о‘рта махсус та’лим вазирлигининг манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хо‘жалик бирлашмалари билан келишилган ихтисослашувини о‘згартириш ва =айта ташкил этиш то‘г‘рисидаги =уйидаги таклифлари =абул =илинсин:

Андижон мущандислик-и=тисодиёт инцитути – Андижон машинасозлик инцитутига;

Наманган мущандислик-и=тисодиёт инцитути – Наманган мущандислик-технологик инцитутига;

Бухоро ози=-ов=ат ва енгил саноат технологияси инцитути – Бухоро ю=ори технологиялар мущандислик-техник инцитутига.

Вазирлар Мащкамаси бир ой муддатда ко‘рсатиб о‘тилган щар бир инцитут бо‘йича 2016 йилгача бо‘лган даврда о‘=ув жараёнини ташкил этиш, тегишли профессор-о‘=итувчилар таркибини шакллантириш ва зарур моддий-техник базани яратиш билан бог‘ли= талабларни э’тиборга олган щолда, уларни =айта ташкил этиш бо‘йича алощида =арорлар =абул =илсин.

4. О‘збекицон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва о‘рта махсус та’лим вазирлиги, И=тисодиёт вазирлигининг О‘збекицон Республикаси Молия вазирлиги =ошида Олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамг‘армасини ташкил этиш то‘г‘рисидаги таклифи ма’=уллансин.

Жамг‘арма маблаг‘ларини шакллантириш манбалари этиб =уйидагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблаг‘лари;

замонавий технологик жищозлар билан та’минлаш учун жалб =илинадиган хал=аро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари;

хал=аро донорлар грантлари, васийлар ва мамлакатимиздаги щомийлар маблаг‘лари;

Жамг‘арманинг ва=тинча бо‘ш маблаг‘ларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва =онунчиликда та=и=ланмаган бош=а тушумлар.

Вазирлар Мащкамаси икки щафта муддатда О‘збекицон Республикаси Молия вазирлиги =ошидаги Олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамг‘армаси маблаг‘ларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш то‘г‘рисидаги Низомни тасди=ласин.

О‘збекицон Республикаси Молия вазирлигининг Инвецитсиялар бош=армаси таркибида 5 та штат бирлигидан иборат Жамг‘арма маблаг‘ларини бош=ариш бо‘йича бо‘лим ташкил этилиб, вазирликнинг чекланган ходимлари сони тегишли равишда ко‘пайтирилсин.

5. О‘збекицон Республикаси Таш=и и=тисодий ало=алар, инвецитсиялар ва савдо вазирлиги бош=а манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2011-2016 йилларда олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизатсиялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бо‘йича Дацурни бажариш учун чет эл кредитлари ва грантларини жалб =илиш юзасидан тизимли ишларни амалга оширсин.

6. Белгилаб =о‘йилсинки, 2011-2016 йилларда олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизатсиялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бо‘йича Дацурнинг амалга оширилишини молиялаштириш учун хо‘жалик юритувчи суб’ектлар томонидан 2011-2016 йиллар мобайнида щомийлик ёрдами шаклида ё‘налтирилган маблаг‘лар юридик шахслардан олинадиган фойда солиг‘и ва ягона соли= то‘ловини щисоблашда соли= солинадиган базадан чи=арилади.

7. О‘збекицон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва о‘рта махсус та’лим вазирлиги Сог‘ли=ни са=лаш вазирлиги ва Хал= та’лими вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда, илг‘ор хал=аро тажрибани о‘рганган щолда, Вазирлар Мащкамасига олий та’лим муассасалари профессор-о‘=итувчиларининг мещнатига ща= то‘лаш тизимини янада такомиллаштириш бо‘йича таклифлар киритсин. Уларда =уйидагилар ко‘зда тутилсин:

о‘=итувчилар лавозимлари категорияларини ма=буллаштириш ва уларга =о‘йиладиган лавозим талабларини =айта ко‘риб чи=иш асосида олий та’лим муассасалари профессор-о‘=итувчилари таркиби тарификатсиясининг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

«дотсент» ва «профессор» илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш, мазкур тизимнинг олий о‘=ув юртлари о‘=итувчиларининг мунтазам равишда о‘з малака ва педагогик мащоратини оширишга раг‘батлантиришдаги ролини кучайтириш;

ю=ори малакали о‘=итувчиларга уларнинг касб мащорати ва о‘=ув жараёнини яхшилашга =о‘шган ани= щиссаси, ю=ори самарадорлик, та’лим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик уцамалар тизимини жорий этиш.

8. О‘збекицон Республикаси Олий ва о‘рта махсус та’лим вазирлиги, О‘збекицон Республикаси Фанлар академияси икки ой муддатда илг‘ор хал=аро тажрибани чу=ур о‘рганиш асосида Вазирлар Мащкамасига олий о‘=ув юртлари ва илмий муассасалар негизида о‘=ув жараёнининг о‘=итувчилар ва талабаларнинг илмий-тад=и=от ишлари билан интегратсиялашувини янада чу=урлаштиришни назарда тутадиган о‘=ув-илмий комплекслар ва марказларни ташкил этиш то‘г‘рисида таклиф киритсин.

9. 2016 йилнинг 31 декабригача 2011-2016 йилларда олий та’лим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизатсиялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бо‘йича Дацур доирасида О‘збекицон Республикаси Вазирлар Мащкамаси тасди=лаган ро‘йхатлар бо‘йича республикага олиб кириладиган о‘=ув-лаборатория ва компютер жищозлари, илмий-услубий адабиётлар божхона то‘ловларидан (божхона расмийлаштириш йиг‘имлари бундан муцасно) озод этилсин.

10. Ушбу =арор ижросини назорат =илиш О‘збекицон Республикаси Бош вазири Сщ.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

О‘збекицон Республикаси
Президенти И.Каримов

Тошкент шащри,
2011 йил 20 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:
Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин. Давлат бюджетини тасдиқлашда миллий дастурнинг молиявий ва моддий таъминотига алоҳида эътибор берилсин.

Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ
1997 йил 29 август.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

(Ўзбекистон Республикаси 29.08.97 й. қонуни билан тасдиқланган)

Мазкур Дастурга ЎзР 09.04.2007 й. ЎРҚ-87-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

Умумий қоидалар

1. Муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари

2. Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқислари

3. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий модели

4. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

5. Дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик хусусий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустасил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, хусусий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

1. МУАММОЛАР ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОХ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

1.1. Ривожланишнинг эришилган даражаси

1.2. Камчиликлар ва муаммолар

1.3. Ислоҳ қилиш омиллари

1.1. РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭРИШИЛГАН ДАРАЖАСИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: "Таълим тўјрисида"ги Қонунни жорий этишни (1992 йил); янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларини жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни; ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда "болалар боғчаси-мактаб" мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тилларни, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилган.

Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда 238 лицей ва 136 гимназия ишлаб турибди. "Соғлом авлод учун", "Маънавият ва маърифат", "Иқтисодий таълим", "Қишлоқ мактаби", "Ривожланишда нуқсони бўлган болаларни тиклаш" ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73 фоизи олий маълумотлидир.

Меҳнат бозорини, энг аввало қишлоқ жойларда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 ўқув юрти, шу жумладан, 209 касб-ҳунар мактаби, 180 касб-ҳунар лицейи ва 53 бизнес-мактаб ишлаб турибди. Бугунги кунда бошланғич касб-ҳунар таълими ўқув юртларида қарийб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта касб-ҳунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собитқадам фаолият амалга оширилади. Академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

4.6. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари "Таълим тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-ҳуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия-хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгаяди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакилларини ўз ичига олувчи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

4.7. КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб-ҳунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилади. Мамлакатни иєтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол талабларига монанд давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади. Ўқув юртлари фаолиятини, профессор-педагог кадрлар сифатиниҳ таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тадбиқ этилади. Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоат шакллари ривожлантирилади. Таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациялаш тизими такомиллаштирилади.

4.8. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШ

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантли (бюджетдан ажратиладиган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини ўзи пул билан таъминлаши ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлантирилади.

Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимига асосланган таълим кредитлари бериш механизми шакллантирилади. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларнинг мавқеи кучайиб боради.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳат, эксперт,ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари кўпайиши таъминланади.

4.9. МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ

Ҳар бир минтақанинг демографик ва жўғрофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим олувчиларни оиладан ажралмаган ҳолда ўқишга имкон қадар кўпроқ қамраб олинади.

Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланишини таъминлаш чоралари кўрилади.

ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади.

4.10. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЯХЛИТ АХБОРОТ МАКОНИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ

Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади. Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожлантирилади, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади.

4.11. ТАЪЛИМ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилади. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консультатив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилади.

4.12. ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА БУ СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Педагогик фаолиятнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш юзасидан давлат сиёсати рўёбга чиқарилади. Таълим олувчиларнинг ва педагогларнинг ўқиши, соғлиги ва дам олиши учун зарур шароитлар яратилади.

Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари болалар ҳамда ўқувчи ёшларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрадилар. Ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга қаратилган йўналишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитлар таъминланади. Таълим олувчиларнинг тиббий-гигиена маданиятини ошириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бобидаги фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний камолот даражасини ошириш учун ташкилий-услубий ёндашувлар такомиллаштирилади. Соғлиқ ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун муносиб муҳит яратилади.

4.13. ФАН БИЛАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

4.14. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб-қувватланади. Илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб борилади.

### 4.15. ТАЪЛИМ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгаяди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар халқаро миқёсда эътироф этилиши учун асос яратилади. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвестицияларини бевосита ва билвосита кенг жалб қилиш борасидаги фаолият кучайтирилади.

## 5. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Миллий дастурни амалга ошириш мақсадида:

Миллий дастурнинг йўналиш ва босқичларини амалга оширишнинг аниқ механизмлари, муддатлари, ижрочилари, молиявий ва ресурслар таъминоти ифодаланган ечим ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади;

Миллий дастурни бажариш юзасидан давлат ва жамоат институтларининг фаолияти ҳамда вазифалари белгиланади;

Миллий дастурнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнига малакали чет эл экспертлари жалб этилади;

Миллий дастурни бажаришда давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилиб, халқаро ташкилотлар қатнашуви ташкил этилади;

Миллий дастурнинг мониторинги ва бажарилишини экспертиза қилиш асосида унинг айрим қоидалари ва тадбирларига тузатишлар киритилади;

оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, кадрлар тайёрлаш миллий модели рўёбга чиқарилишини таъминлаш масалалари юзасидан семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали Миллий дастурнинг принципиал ёндашувлари ҳамда асосий қоидаларини кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилади;

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш жараёнига жамоат бирлашмалари ва марказлари, республика аҳолиси кенг табақаларининг фаол иштироки таъминланади;

оммавий ахборот воситаларида Миллий дастурнинг бажарилиши мунтазам ёритиб борилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан Республика комиссияси ташкил этилади, бу Комиссиянинг зиммасига дастурни бажаришга доир барча ишлар ва тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, шу жумладан қуйидаги вазифалар юкланади:

узлуксиз таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларига єўйиладиган умумий талабларни ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим учун давлат таълим стандартларини ва бошқа зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун давлат таълим стандартларини, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан иборат таълим тизимини жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

ўрта умумий таълимга эга бўлган ўқувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизими билан тўла қамраб олиш тадбирларини, бу тизимни ҳудудларнинг

демографик, жўғрофик хусусиятлари ва кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, унинг моддий-техника асосини яратиш;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлайдиган ўқитувчилар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун таълим муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш;

олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талабларига биноан ислоҳ қилиш, бу борада тегишли давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

мактабгача таълим ва тарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, болалар тарбиясида ва уларни мактабга тайёрлашда оила, маҳалла ҳамда жамоат ташкилотларининг масъулиятини ошириш;

таълим муассасаларини зарур дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлаш, бу ишга йирик олимлар, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, таълим ва илм-фан соҳасининг нашриёт базасини ривожлантириш;

профессор ва педагог кадрларни ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида махсус Республика жамғармаси ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимида чет тилларни фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, уларни ўргатишнинг жадаллаштирилган услубларини жорий этиш, ўзбекча-чет тиллар луғатларини, давлат тилидаги махсус адабиётларни нашр этиш;

узлуксиз таълим соҳаси ўқитувчилари ва педагог кадрларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш, кадрлар тайёрлашнинг малака талабларини аниқлаш ҳамда сифатини баҳолаш ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича таълим тизими бошқарувига боғлиқ бўлмаган ягона давлат хизматини ташкил этиш;

таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш;

касб-ҳунар таълими соҳасида кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишни ташкил этиш, таълим хизмати кўрсатиш ва касбий меҳнатнинг рақобатга асосланган бозорини ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш.

| | |
|---|---|
| **Социология Огюста Конта, основные принципы и понятия.** **Основоположник научной социологии Исидор Огюст Мария Франсуа Ксавье Конт** (1798-1857**):** “План научных работ необходимых для реорганизации общества” - 1822, “Курс позитивной философии” - 1842, ”Система позитивной политики”- 1854 (социальная статика и социальная динамика). **К**, полагал, что законы развития общества схожи с физическими и биологическими законами. Признаками общества являются территория, население, совершенная власть и правительство. В иерархии наук 1) каждая высшая ступень зависит и низшей, 2) с каждым новым этапом знание усложняется 3) социология занимает ведущее место в системе наук. Для социологии характерны 4 метода познания: наблюдение, эксперимент, сравнение, исторический метод. Выводы должны не зависеть от позиции исследователя. Такой подход он назвал позитивным (позитивизм).<br>Общество представляет собой “коллективный организм” в основе развития которого лежит развитие всех членов коллективности, ориентированного на достижение консенсуса. Социальный прогресс проявляет себя как увеличение специализации функций. Индивиды - компоненты социального организма и части социальной ткани - неизменны, общество развивается через совершенствование (гармонизацию) связей между индивидами. Стадии прогресса: 1)теологическая 2)метафизическая 3)научная. Главную ценность социологии **К.** видел в применении к обществу научных принципов реформизма. Механизмами | **Эволюционная социология Спенсера.** **Герберт Спенсер** (1820-1903) - ”Социологическая статика” и “Принципы социологии”. Продолжил и развил социологическую традицию К., хотя не считал его своим учителем. С. считают основоположником социал-дарвинизма. Согласно С. - общество - сверхорганический агрегат, развивающийся по законам эволюции. Эволюция - осуществляется в борьбе за существование между обществом и окружающей средой и различными обществами. В этой борьбе страх перед живыми и мертвыми выливается в конфликт. Страх перед живыми порождает политические действия, выражающиеся в милитаризме и порождающие социальную организацию и государство; страх перед мертвыми - религию, как основу культуры. Социальная политика призвана исходить из эмпирического изучения социально-культурного контекста явлений, ее значение в том, чтобы дать естественный ход процессу эволюции, освободив его от произвола отдельных индивидов и групп. Исходя из этого С. сформулировал закон “равной свободы”. Главная задача государства - обеспечение соблюдения закона равной свободы. |

| | |
|---|---|
| социальных реформ **К**. считал три силы и класса: материальную (деловые люди и лидеры о-ва), интеллектуальную (ученые социологи и священники) и моральную (женщины). | |

**Социология Э.Дюргейма.**

**Э.Дюркгейм** (1858-1917) "Правила социологического метода"- - ввел понятие "социального факта", которые он считал независимыми от воли и сознания людей и являющихся принудительной силой, заставляющих людей действовать определенным образом. Д. подразделял сой. факты на материальные (демографические, географические и т.д.) и духовные - коллективные представления (привычки, традиции, обычаи, правила поведения). Общество по Д. - самостоятельное бытие, наделенное превосходством над индивидом. Главным критерием соц. развития Д. считал "социальную солидарность", а силой созидающей социальное целое - разделение труда. Солидарность покоится на коллективном сознании - традициях и верованиях, которые разделяют члены общества. Коллективное сознание отражает характер народа, но независимо от него. Разделение труда обуславливает обмен, юридической формой которого является договор и взаимные обязательства членов общества, созидающие сотрудничество и кооперацию. Д. различает механическую и органическую солидарность. Первая покоится на принуждении, вторая на терпимости и демократии. Значительное место в системе коллективных представлений и механизмах солидарности Д. отдавал религии, включив в нее всю систему верований, развил концепцию "религии без Бога".

**Формационная теория Карла Маркса.**

**К.Маркс** (1798-1883) и Ф.Энгельс - критик капитализма - считается творцом концепции социального конфликта: уничтожения общества и замены его более справедливым. М. выступал за революционный путь преобразований. Развитие общества по М. происходит путем качественных скачков от одной общ,-экон. формации к другой (Перв.-общ, об-во, рабовладение, феодализм, капитализм, социализм). Развитие общества - объективно-исторический процесс, независимый от воли и сознания людей, в его основе лежит развитие экономических отношений. Каждая формация характеризуется определенным уровнем развития производительных сил (технологии и машины) и производственных отношений (классы и институты), характеризуемых понятием способ производства. Противостоянию классов он придавал абсолютное значение. Вся история до капитализма рассматривалась, как история нарастания антагонизма между эксплуатирующими (присваивающими общественное богатство) и эксплуатируемыми (создающими общественное богатство) классами. Отсюда следует, что дальнейшее общественное развитие возможно только путем уничтожения одних классов другими, отменой частной собственности и заменой классового общества бесклассовым.

Рассмотренные социологические концепции в той или иной мере относятся к позитивистскому направлению в социологии - утверждению примата общества и его структур над человеком. Человек

| | |
|---|---|
| | рассматривается как универсальное существо, а его природные способности и мотивы - оказываются вне внимания социолога. Противоположное направление в социологии, исходящей из природных свойств и мотивов людей, носит название “понимающей социологии”. Родоначальником этого направления можно считать Ф. Тённиса. |

| | |
|---|---|
| **Социология Тенниса (основные работы, принципы, понятия).**<br>**Фердинанд Тённис** (1855-1936) - “Общность и общество”, “Введение в социологию” - рассматривает социологию как науку о человеке, его физической, психической и социально-природной сущности. Соц. сущность человека по Т. заключается в его мыслительных способностях, определяющих существование людей. Человеческие мысли находят выражение в формах человеческого бытия: обществе, церкви, государстве. Общество является выражением взаимосвязи людей, к которым относятся симпатии и антипатии, доверие и недоверие, свобода и обязанности. Эти социальные связи Т. определяет как общественные сущности, определяющие общественное поведение и сущности индивидов. Связи порабощают человека если он не осознает их, осознание помогает представить зависимость как естественную, как взаимозависимость и управлять ей, освобождаясь от порабощения. Результатом осознания является появление общественной воли, составляющей основу общества и общности (общины). Воля проявляет себя в двух формах - простой (сущностной или эмоциональной) и рациональной - осознанной. Высшим выражением эмоциональной воли является творчество, рациональной - производство. Тённис разделяет понятие общества, где господствует рациональная воля и общности (общины), где господствует естественная, эмоциональная воля. | **Социология Зиммеля (принципы и понятия).**<br>**Георг Зиммель** ( 1858-1918) - Основатель формальной социологии, представитель “философии жизни”. Настаивал на противоположности законов природы и общества, так как “жизнь” понималась им как процесс “творческого становления”, неисчерпаемый рациональными средствами и постигаемый интуитивно. “Переживание жизни” объективируется в многообразных формах культуры. “Трагедия жизни” - противоречие между творчеством и застывшими формами культуры.<br>З. считал, что над миром конкретного бытия возвышается мир идеальных ценностей - чистая форма, фиксирующая устойчивые, универсальные черты социальных явлений.. Чистая форма - это отношения индивидов изолированные от конкретных мотивов и др. психологических актов. В центре внимания соц. концепции З. находятся “человеческие взаимодействия” опосредованные формами обобществления (культурой). **З**. называл социологию “геометрией социального взаимодействия”, представляя ее как формально-логическую общественную теорию. Проявлениями человеческого взаимодействия **З**. считал подчинение и господство, специализацию и дифференциацию функций в процессе деятельности, явления конфликта и соперничества, образование партий и т.д. Формами взаимодействия являются ассоциация и диссоциация. Ассоциация индивидов предполагает их права и обязанности, поэтому общество **З**. рассматривал как систему |

| | |
|---|---|
| Ассоциации, где перемешаны общество и общности (общины) **Т**. называет общественными системами и различает: социальные связи -общины (общности по духу), коллективы (симбиоз духа и выгоды) и организации (общности на основе выгоды). Социальность основанная на общности (коммунизм) в ходе исторического прогресса заменяется общественной социальностью (государством) , высшим выражением которой Т. считал "международный социализм". | отношений, способную обуславливать обязанности индивидов.Процессам ассоциации противостоят процессы диссоциации, выливающиеся в конфликт. Высшей формой конфликта является конфликт между творчеством и культурой, обуславливающий обязанности и ограничение свободы индивида в ассоциации. |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**“ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ**

**“СОЦИОЛОГИЯ” ФАНИДАН РЕЙТИНГ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА**

# УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

**Андижон – 2013**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Институт ўқув-услубий кенгаши томонидан тасдиқланган

(2012 йил «___» ______даги «__» -сон мажлис баёни)

Кенгаш раиси ____________ доц. Қ.Эрматов

**«МАЪҚУЛЛАНГАН»**

“Автоматика ва электротехнология” факультети кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Кенгаш раиси ____________ доц. Н.Тўйчибоев

“__”_____ 2012 йил

**“ТАВСИЯ ЭТИЛГАН”**

“Ижтимоий фанлар” кафедрасида муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

Кафедра мудири ____________ доц.Г.Базарова

(Мажлиснинг №__- сонли баённомаси)
«__» _____ 2012 йил

**Тақризчилар:**

1. Катта ўқитувчи Г.Каримова
2. Катта ўқитувчи У.Мирзалимов

**Тузувчи**:Катта укитувчи А.Сотволдиев (Рейтинг мезонлари асосида талабалар билимини баҳолаш бўйича услубий кўрсатма) – АндМИ, 2012.

# 1. Кириш

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишнинг янги сифат босқичида олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилишнинг рейтинг тизимини жорий этишдан мақсад мамлакатимизда таълим сифатини ошириш орқали рақобатбардош юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир. Олий ўқув юртларида талабаларнинг билим даражаси асосан рейтинг тизими бўйича баҳоланади. Талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш – талабанинг бутун ўқиш жараёни давомида ўз билимини ошириши учун мунтазам ишлаши ҳамда ўз ижодий фаолиятини такомиллаштиришини рағбатлантиришга қаратилган.

Рейтинг тизими мамлакатимизда юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг сифат кўрсаткичларининг жаҳон андозалари ҳамда халқаро мезонларга мувофиқлигини таъминлашга қаратилган.

“Социология” фани бўйича тайёрланган мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом” асосида ишлаб чиқилган. Ушбу услубий кўрсатма АндМИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан “Социология” фанидан талабалар билимини баҳолашда кенг фойдаланишга тавсия этилиб, айни пайтда талабалар учун ҳам мазкур фанни ўзлаштириш жараёнида қандай баллар тўплаш мумкинлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

д) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

е) талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ж) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

"Социология" фанидан тайёрланган ушбу рейтинг тизими бўйича услубий кўрсатма бакалавриат босқичининг учинчи курс талабаларига мўлжалланган.

## 2. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

"Социология" фани учун ўқув режадаги барча йўналиш бўйича жами 56 соат ажратилган: шундан 16 соат маъруза, 16 соат амалиёт ва 24 соат мустақил таълим.

"Социология" фани бакалавриатнинг ўқув режаси бўйича 3-курс талабалари учун 5-семестрга мўлжалланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги № 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом"

да кўрсатилганидек талабаларнинг фан бўйича ўзлаштиришни баҳолаш мунтазам равишда олиб борилади ҳамда қуйидаги назорат турлари орқали амалга оширилади:

жорий баҳолаш (Ж.Б.);

оралиқ баҳолаш (О.Б.);

якуний баҳолаш (Я.Б.).

"Социология" фани бўйича талабаларни бир семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл қуйидагича баҳоланади:

Ж.Б.-35 балл,

О.Б.-35 балл,

Я.Б.-30 балл.

"Социология" фанидан талабалар билимини баҳолаш юқоридаги Низом асосида ўтказилади. Хусусан:

Жорий баҳолаш (Ж.Б.) да фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабаларнинг билими ва амалий кўникмаларини аниқлаб бориш назарда тутилади ва у амалий машғулотларда амалга оширилади. "Социология" фани бўйича жорий баҳолаш (Ж.Б.) лар 1 марта 5- семестрда ўтказилади.

Барча фанлар каби "Социология" фанидан талабанинг семестр давомида ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади. Шундан жорий баҳолаш (Ж.Б.) га жами баллнинг 35%, яъни 35 балли ажратилган. Жорий баҳолаш фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Оралиқ баҳолаш (О.Б.) да фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлим ёки қисми бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг,

талабаларнинг назарий билимлари баҳоланади ва унда талабанинг муайян саволга жавоб бериш ёки муаммони эчиш маҳорати ва қобилияти аниқланади. Оралиқ баҳолаш (О.Б.) лар маъруза дарсларида амалга оширилиши мумкин. "Социология" фани бўйича оралиқ баҳолаш (О.Б.) лар 1 марта ўтказилади.

Оралиқ баҳолаш (О.Б.) га жами баллнинг 35%, яъни 35 балини ажратиш тавсия этилади. Оралиқ назоратнинг сони ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда кафедра томонидан белгиланади.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда оралиқ назорат қайта ўтказилади.

Якуний баҳолаш (Я.Б.) – семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усулидир. Якуний баҳолаш (Я.Б.) га жами баллнинг 30%, яъни 30 балли ажратилган. "Социология" фанидан якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган ҳолда ёзма шаклда ўтказилади.

Фан бўйича олинган билимларни аниқлаш ва баҳолашда қуйидаги рейтинг жадвалига амал қилинади:

| | ЖБ | | ОБ | | ЯБ |
|---|---|---|---|---|---|
| | ЖБ-1 | ЖБ-2 | ОБ-1 | ОБ-2 | |
| Максималл балл | 20 | 15 | 20 | 15 | 30 |
| Саралаш балл | 39 | | | | |
| Шакли | Оғзаки сўров | Мустақил иш | ёзма | Мустақил иш | Ёзма |

**3. Талабалар билимини баҳолаш тартиби ва мезонлари**

Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

якуний назоратга – 30 балл;

жорий ва оралиқ назоратларга – 70 балл (фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 70 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади).

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар (кейинги ўринларда намунавий мезонлар деб юритилади) тавсия этилади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

хулоса ва қарор қабул қилиш;

ижодий фикрлай олиш;

мустақил мушоҳада юрита олиш;

олган билимларини амалда қўллай олиш;

моҳиятини тушуниш;

билиш, айтиб бериш;

тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

мустақил мушоҳада юрита олиш;

олган билимларини амалда қўллай олиш;

моҳиятини тушуниш;

билиш, айтиб бериш;

тасаввурга эга бўлиш.

в) 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

моҳиятини тушуниш;

билиш, айтиб бериш;

тасаввурга эга бўлиш.

г) қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин:

аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;

билмаслик.

Талабалар билимининг балларда ифодаланган ўзлаштириши қуйидагича баҳоланади:

86 – 100 балл – “аъло”;

71 – 85 балл – “яхши”;

55 – 70 балл – “қониқарли”;

0 – 54 балл – “қониқарсиз”.

Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R_f =$$

бу ерда:

V– семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда);

–фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий балнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга киритилмайди.

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори бални тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

"Социология" фани бўйича талабаларнинг билимини баҳолашда қуйидаги намунавий мезонлар инобатга олинади:

| **Балл** | **Баҳо** | Талабаларнинг билим даражаси |
|---|---|---|
| 0-54 | қониқарсиз | "Социология" фани бўйича аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;<br>Фанни билмаслик. |
| 55-70 | қониқарли | "Социология" фани тўғрисида тасаввурга эга бўлса.<br>"Социология" фанида берилган турли хил фикрларни айта олса.<br>"Социология" фанини бошқа фанлар билан боғлиқлигини тушунтира олса. |
| 71-85 | Яхши | "Социология" фани бўйича мустақил мушоҳада юрита олса.<br>"Социология" фанининг роли тўғрисида фикр юрита билса.<br>"Социология" фанидаги иқтисодий оқимларни бир биридан фарқлай олса. |
| 86-100 | Аъло | "Социология" фани ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлса.<br>"Социология" фани юзасидан хулоса чиқара олса. |

Талабаларнинг балларда ифодаланган ўзлаштириши қуйидагича баҳоланади.

**Талабалар билимини баҳолаш бўйича рейтинг тизими кўрсаткичлари**

| № | Кўрсаткичлар | Ж.Б. баллари | О.Б. баллари | Якуний баҳолаш |
|---|---|---|---|---|
| 1 | ***Дарсга қатнашганлик даражаси*** | 0-4 | 0-4 | |
| 2 | Дарсларда фаоллиги, конспект ва семинар машғулотлар дафтарларнинг тутилиши ва ҳолати | 0-5 | 0-4 | |
| 3 | Мустақил таълим учун белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, уй топшириқларининг бажарилиши | 0-5 | 0-6 | |
| 4 | Ёзма назорат иши саволларига берилган жавоб учун | 0-4 | 0-5 | |
| 5 | Фан бўйича асосий ва қўшимча адабиётларни конспект қилиш | 0-4 | 0-4 | |
| 6 | Долзарб мавзулар бўйича ижодий иш бажариш | 0-5 | 0-4 | |
| 7 | Илмий тўгарак ва анжуманларда маъруза билан қатнашиш | 0-4 | 0-4 | |
| 8 | Слайдлар ва кўргазмали қуроллари | 0-4 | 0-4 | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | тайёрлаш | | | |
| 9 | Якуний бахолаш | - | - | 0-30 |
| | **Ж А М И:** | **0-35** | **0-35** | **0-30** |

## 4. Назорат турларини ўтказиш муддати

Оралиқ ва якуний назорат турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охирги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якунида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўпланган баллари йиғиндиси 55 балдан кам бўлса, у академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба, факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет

деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

**<u>5. Якуний баҳолашда ёзма ишни ўтказиш тартиби</u>**

Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашнинг ёзма иш усули, талабаларда мустақил фикрлаш ва ўз фикрини ёзма ифодалаш кўникмаларини ривожлантиради.

“Социология” фанидан якуний баҳолаш 5-семестрда ёзма иш шаклида ўтказилади. Ёзма иш саволлари ва вариантлари ҳар ўқув йилининг бошида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан янгидан тузилиб, кафедра мажлисида муҳокама этилади ва тасдиқланади.

Ёзма ишнинг ҳар бир варианти бўйича қўйилган саволларнинг мазмуни, қамров даражаси ва аҳамиятлиги даражаси кафедра мудири томонидан текширилиб, унинг имзоси билан тасдиқланади. Ёзма ишни ўтказиш асосан 5-семестрнинг сўнгги иккита ўқув ҳафталарига мўлжалланган бўлиб, у белгиланган ҳафталардаги мазкур фан бўйича ўқув машғулотлари чоғида ўтказилади. Ёзма иш вариантида 5 та савол таянч иборалари билан келтирилади. Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари якуний баҳолашга ажратилган 30 баллдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади, яъни ҳар бир саволга максимум 6 баллдан тўғри келади. Ёзма иш ўтказилгандан кейин уч кун давомида профессор-ўқитувчилар уни текшириб баҳолайдилар. Ёзма иш ҳажми

талабанинг фан бўйича тасаввури, билими, амалий кўникмасини баҳолаш учун етарли бўлиши зарур.

Талабаларнинг ёзма ишлари икки йил мобайнида деканатда сақланади.

## 6. Рейтинг натижаларини қайд қилиш тартиби

Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг "Ўқув режасида ажратилган соат" устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари, "Фандан олинган баҳо" устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ журнали ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар эътиборига етказилади.

Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.

Талабанинг рейтинги унинг билими, кўникмаси ва малакалари даражасини белгилайди. Талабанинг семестр (курс) бўйича умумий рейтинги барча фанлардан тўпланган рейтинг баллари йиғиндиси орқали аниқланади.

Талабалар умумий рейтинги ҳар бир семестр ва ўқув йили якунлангандан сўнг эълон қилинади.

Талабаларнинг назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедралар, деканатлар ва ўқув-методик бўлинмаларида компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади.

Жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Илмий кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Курс давомида талабалар олган билимларини Якуний бахолаш натижалари факультет деканатлари томонидан мунтазам равишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган “UNICOS” тизимига киритиб борилади.

## МАЪЛУМОТНОМА

### Сотволдиев Азизбек Аҳмаджонович



2011 йил 15 августдан буён:
**Андижон машинасозлик институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси**

**Туғилган йили:**
16.07.1974

**Туғилган жойи:**
Андижон шаҳри

**Миллати:**
ўзбек

**Партиявийлиги:**
партиясиз

**Маълумоти:**
олий

**Тамомлаган:**
1996 йили, Фарғона давлат университети (кундузги)

**Маълумоти бўйича мутахассислиги:** социология ўқитувчиси

**Илмий даражаси:**
йўқ

**Илмий унвони:**
йўқ

**Қайси чет тилларини билади:**
рус тили

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):**
йўқ

**Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**
йўқ

## МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

1991-1996 йй. - Фарғона давлат университети талабаси

1996-1997 йй. - Андижон муҳандислик-иқтисодиёти институти «Ижтимоий сиёсий жараёнларни бошқариш» кафедраси изланувчи-тадқиқотчиси

1997-2001 йй. - Андижон муҳандислик-иқтисодиёти институти «Ижтимоий сиёсий жараёнларни бошқариш» кафедраси ассистенти

2001-2004 йй. - Андижон муҳандислик-иқтисодиёти институти “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш

назарияси ва амалиёти” кафедраси ассистенти

2004-2011 йй. - Андижон муҳандислик-иқтисодиёти институти “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш

назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

2011 й.-х.в. - Андижон машинасозлик институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

## Сотволдиев Азизбек Аҳмаджоновичнинг яқин кариндошлари хақида МАЪЛУМОТ

| **Қариндош-лиги** | **Фамилияси ва исми** | **Туғилган йили ва жойи** | **Иш жойи ва лавозими** | **Яшаш жойи** |
|---|---|---|---|---|
| **Отаси** | Сотволдиев Аҳмаджон | 1941 йил, Андижон шахри | 2007 йилда вафот этган. (Андижон шаҳар саноат моллари савдоси тафтишчиси) | |
| **Онаси** | Исмоилова Раҳимахон | 1945 йил, Андижон шаҳри | Пенсияда. (Уй бекаси) | Андижон шаҳар, Ботаника кўчаси, 10- уй |
| **Опаси** | Тожибоева Ёқутхон | 1964 йил, Андижон шаҳри | Уй бекаси | Андижон шаҳар, Калинин кўчаси, 92- уй |
| **Акаси** | Сотволдиев Азимжон | 1965 йил, Андижон шаҳри | Хусусий тадбиркор (савдо) | Андижон шаҳар, Ботаника кўчаси, 10-уй |
| **Опаси** | Мирзаева Ёрқиной | 1966 йил, Андижон шаҳри | Уй бекаси | Андижон шаҳар, Олтинкўл кўчаси, 2- уй |
| **Акаси** | Сотволдиев Аъзамжон | 1968 йил, Андижон шаҳри | Хусусий тадбиркор (савдо) | Андижон шаҳар, Лолазор кўчаси, 5- уй |
| **Опаси** | Холмирзаева Гавхарой | 1971 йил, Андижон шаҳри | Уй бекаси | Андижон шаҳар, Т.Келдиев кўчаси, 72- уй |
| **Акаси** | Сотволдиев Авазбек | 1972 йил, Андижон шаҳри | Хусусий тадбиркор (савдо) | Андижон шаҳар, Ботаника кўчаси, 10- уй |
| **Турмуш ўртоғи** | Сотволдиева Нигора | 1980 йил, Андижон шаҳри | Уй бекаси | Андижон шаҳар, Ботаника кўчаси, 10- уй |
| **Қизи** | Аҳмаджонова Моҳрўя | 1999 йил, Андижон шаҳри | Мактаб ўқувчиси | Андижон шаҳар, Ботаника кўчаси, 10- уй |
| **Қизи** | Аҳмаджонова Нодира - Бегим | 2003 йил, Андижон шаҳри | Мактаб ўқувчиси | Андижон шаҳар, Ботаника кўчаси, 10- уй |
| **Қайнотаси** | Мўйдинов Қахрамон | 1957 йил, Андижон шаҳри | 2003 йил вафот этган. (Хусусий тадбиркор, савдо) | |
| **Қайнонаси** | Мўйдинова Раҳимахон | 1958 йил, Андижон шаҳри | Уй бекаси | Андижон шаҳар, Т.Келдиев кўчаси, 28- уй |